

«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ЖАМОАТ ФОНДИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
«ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ ХОТИРАСИ» МУЗЕЙИ

---

# ТАРИХНИНГ НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАРИ

Илмий мақолалар  
Хужжат ва материаллар  
Хотиралар

*Тўртинчи китоб*

Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент – 2013

УЎК 008(575-1)  
КБК 63.3(5Ў)6  
Т-24

Таҳрир хайъати:  
**Б.В.Ҳасанов, Н.Ф.Каримов,  
С.А.Ахмедов, М.Ф.Зиқруллаев, Б.Ш.Ирзаев**

Масъул муҳаррирлар:  
**Бахтиёр Ҳасанов, тарих фанлари доктори  
Наим Каримов, филология фанлари доктори, профессор**

Такризчилар:  
**Р.Шамсутдинов – тарих фанлари доктори  
А.Собиров – тарих фанлари номзоди**

Мазкур китобда Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик даврида мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида рўй берган, аммо тарихчи олимлар томонидан оз ёки умуман ўрганилмаган муҳим масалаларга оид илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, шунингдек, ўз тақридида мураккаб тарихий даврнинг фожиали воқеаларини ифодалаган шахслар ҳақидаги хотиралар илк бор эълон қилинмоқда.

«Шаҳидлар хотираси» жамоат фонди ва «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи томонидан анъанавий тарзда 4-китоб сифатида нашр этилмоқда, илмий жамоа бундан кейин ҳам шундай ҳужжат ва материаллар, илмий мақола ва хотиралардан иборат китобларни нашр этиб боради.

Ушбу китоб Ўзбекистон тарихининг мустамлакачилик даври билан шуғулланувчи тарихчи, адабиётшунос, файласуф ва юрист олимлар, аспирантлар ҳамда олий ўқув юрғлари тарих факультетларининг талабаларига мўлжалланган.

УЎК 008(575-1)  
КБК 63.3(5Ў)6

© Ғафур Ғулом номидаги  
нашриёт-матбаа ижодий  
уйи, 2013

ISBN 978-9943-03-549-2

Р.Н. ШИГАБДИНОВ,  
*старший научный сотрудник  
Института истории АН РУз*

### ПРОБУЖДЕНИЕ ТУРКЕСТАНА

После распада Советского Союза историческая наука на постсоветском пространстве претерпела серьезную трансформацию, которая включает в себя переоценку сложившихся представлений, взглядов на ход и характер социально-экономических, политических, культурных процессов, их направленность, роль в истории среднеазиатского региона. Однако кардинальные изменения в представлениях о прошлом невозможны без расширения источниковой базы, что требует введения в научный оборот новых документов, которые в советское время по причинам идеологического характера находились вне поля зрения историков. Вниманию читателей, прежде всего специалистов, предлагаются документы, относящиеся к периоду существования на большей части территории Средней Азии Туркестанского генерал-губернаторства и двух протекторов Российской империи – Бухарского эмирата и Хивинского ханства.

Это, в частности, протоколы Комиссии по вопросу «О разведке вне и внутри Туркестанского края», хранящиеся в фонде И-1 (Канцелярия Туркестанского генерал-губернатора) Центрального государственного архива Республики Узбекистан (ЦГА РУз). Эти протоколы включены в дело «Со сведениями о настроении местного населения и о мерах предупреждения распространения среди него противоправительственной пропаганды; о необходимости организации наблюдения за мусульманством и мусульманскими школами в Туркестанском крае»<sup>1</sup>.

Появление данного источника относится к началу XX века (1908 г.), то есть к тому времени, когда в колониальной политике царской России на ее южной мусульманской окраине наметился серьезный перелом. Этот перелом вызван причинами глобального характера, тесно

---

<sup>1</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540.

взаимосвязанными с внешне- и внутривосточными событиями в истории России, т.е. с ее поражением в русско-японской войне и революционным движением, назревшим в результате политического кризиса на территории империи. Последнее, затронув и Туркестанский край, отразилось и на всей Средней Азии.

Эти обстоятельства обусловили создание летом 1908 года в столице Туркестанского края при Канцелярии генерал-губернатора вышеупомянутой комиссии. Состав комиссии, как следует из протоколов заседаний, был представительным, включающим известные не только столетие назад, но, в некоторой степени, и в наши дни личности. Возглавил ее помощник Туркестанского генерал-губернатора и командующего войсками Туркестанского военного округа генерал-лейтенант Кондратович. Членами комиссии были начальник штаба округа генерал-лейтенант Рихтер, окружной генерал-квартирмейстер генерал-майор Федяй, управляющий канцелярией генерал-губернатора полковник Мустафин, полковник Ягелло, генерального штаба капитан Муханов. Не вызывает сомнений, что главную роль в этой комиссии играли военные администраторы. Однако, помимо кадровых военных и представителей колониальной администрации края, в составе комиссии можно назвать директора Туркестанской учительской семинарии Н.П.Остроумова, директора народных училищ С.М.Граменицкого, коллежского асессора А.А.Семенова (известного уже в советское время востоковеда, члена-корреспондента АН СССР). Небезынтересно для современного читателя, знакомого с историей, и участие в комиссии главного инспектора учебных заведений края Ф.М.Керенского, отца будущего главы Временного правительства Александра Федоровича Керенского.

Само название комиссии – «По вопросу о разведке вне и внутри Туркестанского края» – говорит о том, что главной ее задачей считался сбор информации, что предполагало, в первую очередь, организацию разведки. Для этого, а значит и для успеха новой колониальной политики в Средней Азии, комиссия предлагала сосредоточить в одном учреждении все функции как можно более широко поставленного «разведочного дела» не только в самом Туркестанском крае, но и в сопредельных с ним мусульманских странах. Таким учреждением представлялось «Центральное разведочное бюро при Главном Управлении Туркестанского края», которое существовало бы при Канцелярии ге-

черал-губернатора. В качестве агентуры предполагалось использовать разведчиков из среды коренного населения Туркестана. По мысли членов комиссии, грамотная постановка дела сбора информации делала бы российские власти «господами положения» в Средней Азии, Афганистане и Персии. Сообщения о ситуации в этих странах носили характер аналитического обзора.

Немаловажное значение в сфере интересов комиссии придавалось наблюдениям за идеологическими настроениями в Туркестанском крае. Показательно, что основное внимание даже первых заседаний комиссии было сконцентрировано на этой сфере. И приоритетной задачей «правильной и планомерной разведки внутри края» определялся надзор за состоянием и развитием панисламистского, революционного и прогрессивного движения среди туземцев Туркестанского края, что выразилось в определенном круге вопросов, как например:

- о наблюдении за мусульманскими учебными заведениями;
- о наиболее целесообразной организации русско-туземных училищ края;
- о «туземцах-переводчиках», которых считали «крайне неблагонадежными».

В тесной связи с этими вопросами находились также следующие проблемы:

- распространение идей панисламизма;
- роль татар, выходцев из внутренних губерний России, в распространении новых идей, которыми был охвачен мусульманский мир.

Тексты протоколов комиссии показывают, что ее заседания проходили в форме докладов и сообщений ее членов по определенным вопросам, дальнейшего, зачастую дискуссионного, их обсуждения.

В тематику заседаний комиссии включались, в частности:

- анализ факторов, влиявших на «подогревание фанатизма среднеазиатских мусульман;
- рассматривался институт паломничества к Святым местам (Хадж);
- оценивалась конфессиональная «профессура» высшей мусульманской школы Средней Азии;
- поднимался вопрос о дервишах, «ведущих проповедь на базарах в духе ярого фанатизма»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, листы 26-26 об.

Особо выделялся татарский фактор, которому член комиссии Н.П.Остроумов придавал большое значение в распространении, как он считал, идей панисламизма<sup>1</sup>.

Немаловажная роль отводилась также турецкому фактору. Эмиссары Османской империи, по вполне обоснованному мнению членов комиссии, имели большое влияние на «туркестанских мусульман»<sup>2</sup>.

Интересен неутешительный вывод, к которому приходит комиссия, считая, что совокупность перечисленных факторов ведет к навязыванию мусульманам Средней Азии «татаро-турецких взглядов и вкусов» и к «полному духовному обособлению туркестанских мусульман от русских завоевателей».

Примечательно, что, обращаясь к причинам успешного распространения среди туземцев Средней Азии панисламских и революционных идей, комиссия в массиве обстоятельств, влекущих за собой недовольство туземного населения, выделяла как немаловажные:

1) недостаточное понимание русскими высшими и низшими служащими в крае вообще и большей частью администрации в частности религиозных и бытовых интересов населения, происходящее от недостатка офицеров и чиновников, знающих язык, верования и быт туземцев;

2) инертность высших административных лиц и учреждений в крае к духовным запросам туземного населения;

3) малый интерес русских к изучению и созданию литературы по исламоведению.

Тем самым подчеркивалась необходимость поворота колониальной политики России в сторону большего внимания к исламу. Реализация этой политики должна была проходить с учетом обозначившегося революционного движения среди мусульман Европейской России, Кавказа, самой Средней Азии и соседнего Ирана.

Помимо проблемы панисламистского и революционного движения внимание было уделено новому течению «Азия для азиатов», которое наиболее полно выразилось в то время в Японии, приняло характер открытой борьбы в Персии и Турции, имело отголоски и в Индии<sup>3</sup>.

---

<sup>1</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, листы 27-27 об.

<sup>2</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, лист 27 об.

<sup>3</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, листы 39-39 об.

Вопросам организации внешнеполитической разведки было посвящено заседание от 14 августа 1908 г.<sup>1</sup> А на заседании от 20 августа разработана структура разведывательного дела внутри Туркестанского края.

Разведывательная сеть должна охватывать все пять областей Туркестана, а равно и Бухарское и Хивинское ханство. Разведчики должны быть подчинены непосредственно охранному отделению. Наблюдения следует вести преимущественно в городах и больших селениях, являющихся центрами экономических и духовных интересов мусульманского населения.

«Разведчиков следует иметь для разведок:

- в Красноводске и поездок в Чикишляр и Гасан-Кули (1);
- в Ахал-Текинском и Тедженском оазисах (1);
- для разведок в Мерве и уезде (1);
- в Бухарском ханстве (2);
- в пограничной полосе Бухары с Афганистаном, преимущественно в таких пунктах, как Сарай, Термез, Келиф, Керки, Чарджуй (1);
- в Хивинском ханстве с Аму-Дарьинским отделом (1);
- в Самаркандском уезде (1);
- в Ката-Кургане и уезде (1);
- в Ташкенте и уезде (2);
- в прочих уездах Сыр-Дарьинской области (1);
- в Коканде, Андижане и старом Маргелане и их уездах по одному (3);
- в прочих городах и уездах Ферганской области (1);
- в Верном и уездах (1);
- в прочих уездах Семиреченской области (2).

Всего 19 разведчиков.

Плата каждому в месяц по 50 руб., всем 19 разведчикам в год 11 400 руб.

Начальнику охранного отделения, для заведывания этими разведчиками и для разборки и сортировки получаемых от них сведений, предполагается дать помощника с высшим образованием, специального изучившего восток и практически знающего тюркский и персидский языки.

<sup>1</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540. листы 39-39 об.

Для этой цели намечается специальный чиновник Канцелярии генерал-губернатора с откомандированием его для занятий в охранном отделении на правах помощника начальника этого отделения»<sup>1</sup>.

Документы свидетельствуют и о том, какое важное значение стали придавать российские колониальные власти системе местного народного образования, а также о разных точках зрения интеллигентных представителей этой власти по данному вопросу. В частности, Н.П.Остроумов считал необходимым организовать строгое наблюдение за мусульманскими школами в Туркестане, которые «под влиянием панисламского движения обновятся и окрепнут, что будет еще более невыгодно и опасно», что даст возможность предупредить распространение в них «антиправительственных стремлений». В противовес ему С.М.Граменицкий<sup>2</sup> утверждал, что подобный надзор не имеет под собой достаточно фактических оснований, и полагал, что мусульманские школы, будучи предоставлены сами себе, постепенно утратят свое влияние на массы коренного населения.

Кроме того, С.М.Граменицкий был изложен краткий очерк развития в крае русско-туземных школ и дана характеристика их положения, отметив, что «только в них дети туземцев получают правильное воспитание и основательное начальное образование, и только эти училища находятся под фактическим контролем русской власти, от которой ускользают мусульманские школы»<sup>3</sup>.

На заседаниях комиссии Ф.М.Керенский поднимал вопросы о подготовке переводчиков<sup>4</sup>.

Комиссией было принято решение ходатайствовать об учреждении в Ташкенте курсов местных языков для удовлетворения хотя бы военного и административного ведомств потребности в лицах, знающих местные языки, основываясь на следующих соображениях:

«1) опыт и время показали, что существующие в Европейской России (в Петербурге, Москвы и Казани) учебные заведения с восточными языками не дают краю сколько-нибудь достаточного количества и необходимого качества знатоков среднеазиатских наречий и мусульманского права;

<sup>1</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, листы 43-44.

<sup>2</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, лист 55 об.

<sup>3</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, лист 55.

<sup>4</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, листы 58-59, 65.



2) нужда в крае в лицах, знающих языки, верования и быт туземцев, доведена до последней крайности, и мы можем вследствие этого оказаться в Средней Азии в очень тяжелом положении;

3) желательно, чтобы изучали язык, верования и быт туземцев не только военные и служащие по администрации, но также чины судебного, финансового, учебного и других ведомств...»<sup>1</sup>.

В целом предлагаемый комплекс архивного материала, отражая важный аспект истории Туркестанского генерал-губернаторства, безусловно, должен оказать помощь специалистам-историкам разных стран в их исследованиях прошлого Средней Азии. Этот источниковый пласт даст возможность по-новому взглянуть на характер и содержание политики российского государства в мусульманском обществе в начале прошлого века, во время «пробуждения Азии».

То есть предлагаемые документы конкретизируют и переводят в практическую плоскость основные положения новой колониальной политики России в Туркестане, уделявшей больше внимания жизни мусульманского общества региона.

Поэтому представляется важной публикация всех протоколов заседаний комиссии по разведке вне и внутри Туркестанского края.

Извлечения из протокола.

*В. Секретно*

### **Протокол № I комиссии по вопросу «О разведке вне и внутри Туркестанского края»**

В четверг 7 августа 1908 года состоялось первое заседание означенной комиссии. На заседании присутствовали Председатель комиссии помощник Туркестанского генерал-губернатора и командующего войсками Туркестанского военного округа генерал-лейтенант Кондратович и члены ее: начальник штаба генерал-лейтенант Рихтер, окружный генерал-квартирмейстер генерал-майор Федяй, управляющий канцелярией генерал-губернатора полковник Мустафин, директор Туркестанской учительской семинарии Н.П.Остроумов, полковник Ягелло,

<sup>1</sup> ЦГА РУз, фонд И-1, опись 31, дело 540, листы 69-70.

коллежский ассессор А.А.Семенов и генерального штаба капитан Муханов.

Заседание было посвящено выяснению вопроса об умственных течениях среди мусульман и отрицательных сторонах нашего управления туземцами.

С означенной целью были заслушаны доклады полковника Ягелло от 23 июля с.г. – «Об умственном движении среди туземцев» и канцелярии генерал-губернатора от 3 июля с.г. – «Об организации Центрального бюро разведки вне и внутри края», а затем мнение Н.П.Остроумова, с 1870 года изучающего ислам и до сих пор следящего за жизнью мусульман...

Обращаясь к причинам успешного распространения среди туземцев Средней Азии панисламских и революционных идей, а также татаро-турецких взглядов и вкусов, нельзя не остановиться на следующих обстоятельствах, естественно, влекущих за собой известного рода недовольство и вражду туземного населения.

1. Недостаточное понимание русскими высшими и низшими служащими в крае вообще и большей частью администрации в частности религиозных и бытовых интересов населения, происходящее от недостатка офицеров и чиновников, знающих язык, верования и быт туземцев.

2. Инертность высших административных лиц и учреждений в крае к духовным запросам туземного населения, часто сводящаяся «к простому подшитию к делу» написанных по этому поводу бумаг.

3. Малый интерес русских к изучению и созданию литературы по исламоведению. Правда, у нас есть на русском языке такие достаточно ценные труды, как «Хидая» (мусульманское законоведение), переведенное с английского; под редакцией генерала Гродекова; «Киргизы» Гродекова; «Сарты» Шишова; «Мусульманское право» Торнау; «Ислам» Гаури-Иоганна, переведенный с немецкого П.И.Хомутовым; «Ислам» Шателье, перевод с французского А.Калмыковой; «Коран и прогресс» Н.П.Остроумова; «Сарты» Н.П.Остроумова; «Мир ислама и его пробуждение» Вл.Череванского и масса других более мелких трудов; тем не менее очень многие произведения иностранной литературы о мусульманах совершенно не изучены и не переведены.

4. Отсутствие переводчиков, удовлетворяющих своему назначению и целям русского правительства. На весь край нет ни одного на-

учно-подготовленного штатного переводчика. Словесные переводы существующих переводчиков из туземцев, хотя бывают иногда красивыми, но имеют приблизительный, шаблонный характер.

5. Частое несогласование трех министерств – Внутренних дел, Народного просвещения и Военного – по разным вопросам, касающимся духовных потребностей русских мусульман.

6. Частая смена лиц, стоящих у власти, не только по военному и административному, но также учебному и др. ведомствам.

7. Поверхностное наблюдение за мусульманскими школами, происходящее оттого, что ведающие ими лица не знают ни местных языков, ни верований и быта туземцев.

Между тем туземные школы, по-видимому, носят характер антиправительственный, так как ни государственный язык, ни основы русской государственности здесь не преподаются и никому неизвестны. Мало того, в этих школах совершенно не уделяется времени хотя бы поверхностному изучению России, а интерес к русским порядкам и управлению отсутствует.

8. Отсутствие в крае сколько-нибудь организованного наблюдения за умственным и политическим движением среди туземного населения.

Рассмотрение вышеозначенных причин ненормального положения вещей приводит комиссию к заключению о существовании, основных отрицательных сторон нашего управления туземцами, подлежащих скорейшему устранению:

– почти полное отсутствие среди служащих в крае лиц, знающих язык, верования и быт туземцев, несмотря на то, что необходимость эта сознавалась с самого занятия края как высшей административной властью, так равно отдельными ведомствами, печатью и частными компетентными лицами.

– желательно, чтобы изучали языки, верования и быт туземцев не только военные и служащие по администрации, но также чины судебного, финансового, учебного и др. ведомств.

На основании вышеизложенного комиссия пришла к следующим общим выводам по вопросу об умственных течениях среди туркестанских мусульман и отрицательных сторонах нашего управления туземцами:

I. умственное движение среди туземцев Туркестанского края сводится:

а) к движению панисламистскому, имеющей конечной целью освобождение мусульман от порабощения и опеки христианских государств и народностей,

б) революционному, еще ясно не обозначившемуся, и

в) прогрессивному, характеризующемуся главным образом татаротуречиванием туркестанских мусульман.

II. Деятельными аренами распространения панисламских революционных и прогрессивных идей являются ишаны (духовные руководители), хаджи (паломники в Мекку и Медину), далили и вакили (меккские руководители хаджиев), мударисы и дамуллы (учителя туземных школ), маддахи (базарные проповедники), татары (просветители русских мусульман) и турецкие эмиссары вообще, от времени до времени наезжающие в Среднюю Азию.

III. Распространение панисламских, революционных прогрессивных идей с помощью вышеперечисленных лиц ведет к полному духовному обособлению туркестанских мусульман от русских завоевателей и политическому объединению с мусульманами всего мира.

IV. При существовании революционного брожения среди туркестанских мусульман опасность краю угрожает именно с этой стороны, и панисламское движение отходит на второй план.

V. Важное значение для развития революционного движения среди туркестанских мусульман имеет революционное состояние таких мусульманских государств, как Индия, Персия, Турция и отчасти Египет и Марокко, явившееся результатом наших поражений на Дальнем востоке.

VI. Главные и наиболее активные деятели персидской революции проживают на Кавказе и в Закаспийской области и вошли в связь с местными революционными комитетами в Тифлисе, Баку, Батуме, Асхабаде, Кизыл-Арвате, Мерве и др. городах.

VII. В Русском Туркестане, если не зародилась уже, легко может зародиться партия младо-сартов со своей национальной программой и своими социал-демократическими и социал-революционными доктринами.

VIII. Причинами успешного распространения среди туземцев Средней Азии панисламизма, революционных и прогрессивных идей являются:

1. недостаточное понимание русскими высшими и низшими служащими в крае вообще и большей частью администрации в частности религиозных и бытовых интересов населения, происходящее от недостатка офицеров и чиновников, знающих язык, верования и быт туземцев.

2. Инертность высших административных лиц и учреждений в крае к духовным запросам туземного населения.

3. Малый интерес русских к изучению и созданию литературы по исламоведению.

4. Отсутствие во всем крае переводчиков, удовлетворяющих своему назначению и целям русского правительства.

5. Частые несогласия заинтересованных министерств по разным вопросам, касающимся духовных потребностей туркестанских мусульман.

6. Частая смена лиц, стоящих у власти, не только по военному и административному, но также и др. ведомствам.

7. Поверхностное наблюдение за мусульманскими школами, происходящее оттого, что ведающие ими лица не знают ни местных языков, ни верований и быта туземцев.

8. Отсутствие в крае сколько-нибудь организованного наблюдения за умственным и политическим движением среди туземного населения.

IX Для устранения вышеизложенных отрицательных сторон русского управления туземцами необходимо:

1. учредить в Ташкенте на правильных и широких основаниях специальное учебное заведение для изучения языков, верований и быта туземцев;

2. устраивать популярные лекции по мусульманству и для желающих лиц;

3. принять меры по восполнению недостаточной русской литературы по исламоведению, переводам необходимых соответствующих

руководств с иностранных языков, особенно одной из новейших мусульманских энциклопедий, и продолжением издания сборника по мусульманству;

4. принять меры по улучшению кадров переводчиков;

5. установить более действенное наблюдение за мусульманскими школами;

6. установить правильную и планомерную разведку внутри края с целью надзора за состоянием и развитием панисламского, революционного и прогрессивного движения среди туземцев Туркестанского края.

*Председатель комиссии*

*генерал-лейтенант*

*Подпись Кондратович* \_\_\_\_\_

*Подписи членов комиссии:*

*Делопроизводитель комиссии: полковник Ягелло*

Наим КАРИМОВ,  
филология фанлари доктори, профессор  
«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи

## 40-50-ЙИЛЛАРДАГИ МАФКУРАВИЙ КАМПАНИЯЛАР ВА ҚАТАҒОН

Иккинчи жаҳон урушидаги машаққатли Ғалаба – жасадлари жанг майдонларида қолган 26,6 миллион киши, армиянинг мислсиз жанговар жасорати ва фидойи халқнинг қаҳрамонона меҳнати эвазига эришилди. Бу буюк Ғалабада илм-фан, адабиёт ва санъат намояндаларининг ҳиссаси ҳам оз бўлмади. Лекин ғолиб халқ, шу жумладан, фан ва маданият намояндалари Иккинчи жаҳон урушида эришилган тарихий Ғалаба сурурини суриб улгурмай, совет мамлакатининг мафкуравий ҳаёти, денгиз янглиғ, дафъатан долғаланиб кетди.

Инсоният тарихида турли-туман мустабид тузумлар ва террорга асосланган сиёсий режимлар бўлган. Аммо бу тузум ва режимларнинг бирортаси ўзи амалга оширган қатли омни халқ ва Ватан манфаати ҳамда равнақи йўлида олиб борганини айтмаган. Уларнинг бирортаси миллионлаб кишиларни қириб ёки уларнинг азиз умрларини қамоқхона ва лагерларда чиритиб, адолат, демократия ва инсонпарварлик ҳақида бутун дунёга Совет давлатидек жар солмаган. Ўзини жаҳондаги энг инсонпарвар давлат деб атаган, ҳатто жаҳон инқилобини амалга ошириб, ер қуррасида ягона социалистик давлат тузумини барпо этмоқчи бўлган СССР ўзининг етмиш йиллик тарихи билан чин демократиядан узоқ давлат эканини намоиш этди. У ўзининг қатагончилик сиёсатини амалга ошириш учун ҳатто ўзигача шаклланган, инсоният манфаатига хизмат қилиб келаётган ҳуқуқ ва қонунчилик асосларини чок-чокидан бузиб, ундаги инсон ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкин бўлган масалаларни мутлақо нотўғри талқин қилди.

1926 йилда қабул қилинган РСФСР Жиноят Кодексининг 581-моддасига 1934 йил 8 июнда киритилган қўшимчага кўра, Ватанга хонлиқда айбланган ҳарбий хизматчининг оила аъзоси содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятда мутлақо иштирок этмаган ва ҳатто ундан хабар топмаган бўлса-да, 5 йилга Сибирнинг олис гўшаларига сургун қилинган. 1937-1938 йилларда бу модда қатагон қилинган давлат, фан ва маданият арбобларининг оила аъзоларига нисбатан ҳам қўлланган.

Қонунчилик асосларининг бундай кўпол равишда бузилиши кейин ҳам изчил давом этди. Жамоа масъуллиги масаласи тоталитар-террористик тузум «жиноий ҳуқуқ»ининг бош тамойилига айланди. Бу тамойил: а) ҳақиқий жиноятчи билан бирга шу жиноятдан беҳабар бошқа киши ёки кишиларнинг ҳам ноҳақ жазоланишига; б) ижтимоий ҳаётда шубҳаланиш ва қақимчилик ҳолларининг авж олишига; в) катагон қилинган кишилар доирасининг тинимсиз равишда кенгайиб, тоталитар тузумга текин хизмат қилувчи ишчи кучининг муттасил равишда ошишига сабаб бўлди. Жиноят Кодексидаги «жамоа масъуллиги» ҳақидаги модда туфайли, сталинизм тарихининг тадқиқотчиларидан бири Р.Конквестнинг ҳисоблашича, 1938 йилнинг бошларида мамлакат аҳолисининг 5% идан кўпи қамокка олинган; агар катагон шундай суръат билан давом этганида, бу рақам 10 % га, сўнгра 30–45 % га кўпайган бўларди.

СССР Олий Совети Президиуми 1940 йил 17 июлдаги Фармони билан НКВД органларига хунармандлик ва темир йўл билим юртлири ҳамда ФЗО мактабларида интизомни бузган, билим юртдан ўзбошимчалик билан кетиб қолганларга нисбатан 2 ойдан 4 ойгача қамок жазосини қўллаш ҳуқуқини берди. Кўп ўтмай, бу Фармон ишга кечикиб келган, тушликдан кечикиб қайтган кишиларга нисбатан ҳам қўллана бошлади ва мазкур Фармонга биноан 3 миллиондан зиёд киши камалди. Уларнинг аксари, қисқа муддатли жазо берилганига қарамай, урушнинг сўнги кунларига қадар озод қилилмади. 2–4 ойлик ёки 3–5 йиллик қамокка ҳукм қилинган кишиларга жазо муддати тугаши билан янги муддат бериш одатий ҳолга айланди. Шундай қилиб, меҳнат интизомини кучайтиришга, тоталитар тузумнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тоталитар давлатни текин ишчи кучи билан таъминлаш, унга шу ишчи кучини хоҳлаган шароитда ишлатиш ва зарур ҳолларда ҳатто йўқ қилиб юбориш имконини берди. Расмий маълумотларга қараганда, 1941 йилнинг 1 январида лагерлардаги мажбурий меҳнатга жалб этилган кишилар сони 1 миллион 930 минг, махсус посёлкалардагилар сони эса 93 минг 321 киши бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан соғ-омон қайтган, ок-қорани таниган голиб жангчилар энди ҳаётга, ҳаётда кечган ва кечаётган воқеаларга ўзга кўз билан қарай бошладилар. Энди қандай яшаш керак, деган савол илғор кишиларни ўйлата бошлади. Улар урушдан кейинги жамиятда кескин ўзгариш бўлиши лозим деган тушунча билан яшадилар.



Аммо кўп ўтмай, мамлакат раҳбариятида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатга қайтиб келган 2 миллион 270 минг асирнинг атиги 20 % га уй-жойларига қайтиш имкони берилди. Қолганлари лагерларга ёки 5 йиллик сургунга, ёки мажбурий меҳнатга жўнатилди. Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ҳарбий қўмондонлардан 37 генерал қамокка олинди. Эльбада совет жангчиларининг АҚШ ва Англия жангчилари билан учрашувида қатнашган командир ва сиёсий ходимларнинг катта гуруҳи қатағон қилинди.

Урушдан кейинги дастлабки йилларда партиянинг руҳий-маънавий маданиятга бўлган мафкуравий тазйиқи кучайиб, жамият ҳаёти қаттиқ назорат остига олинди.

1947–1951 йилларда фалсафа, тарих, сиёсий иқтисод, тилшунослик соҳаларидаги ур-йиқитлар таниқли олимларнинг ишдан ҳайдалиб, СССРнинг шимолий ўлкаларига сургун қилинишига сабаб бўлди. Шу йилларда бўлиб ўтган илмий мунозараларда ҳакамлик қилишни партия органлари ўз қўлларига олдилар. Чунончи, Н.Я.Маррнинг марксистик ҳисобланган назарияси тилшуносликда узоқ йиллар давомида ҳукмронлик қилиб келган эди. 1950 йилда Марр қарашларини яқсон қилиб ташлаган «Марксизм ва тилшунослик муаммолари» мақоласининг нашр қилиниши билан И.В.Сталин тилшунослик масалаларини ҳал қилувчи олий ҳакам бўлиб қолди.

Совет фанининг шу даврдаги тарихида яна бир мудҳиш воқеа рўй берган. Сталин томонидан қўллаб-қувватланган Т.Лисенко ва унинг сохта назарияси тарафдорлари генетика билан шуғулланган машҳур совет олимларининг ва умуман генетика фанининг илм олаmidан бадарга қилинишига муваффақ бўлдилар. Бу ҳол СССРдаги биология фанининг хориждаги биология фанидан камида эллик-олтмиш йил орқада қолишига сабаб бўлди.

Шу йилларда совет мактаблари учун нашр қилинган дарсликларда улкан илмий-техник кашфиётларнинг хорижий ихтирочилари «унутилиб», россиялик олимлар шу кашфиётларнинг ягона муаллифлари сифатида ўқувчиларга тақдим этилди. Мазкур дарсликларга қараганда, паровозни Стефенсон эмас, балки аллақандай Черепанов кашф қилган, И.В.Мичуриннинг биология соҳасидаги ишлари эса А.Вайсман ва Т.Морган сингари буржуа олимларининг реакцион таълимотига қарши қаратилган экан. Шу тарзда Ғарб олимларининг илмий назариялари

идеалистик, буржуа таълимоти деб эълон қилинди. Бу ҳол тарих ва адабиётшунослик соҳаларида ҳам равшан кўринди. В.М.Жирмунский ва Х.Т.Зариповнинг «Ўзбек қаҳрамонлик эпоси» деган асарида ўзбек халқ дostonларига хос айрим сюжетлар илдизини антик адабиёт намуналарида ҳам учратиш мумкинлиги, жаҳон бадий маданияти қадимий умум илдизларга эғалиги ҳақидаги фикрлар буржуа мафқураси таъсирининг оқибати сифатида кескин қораланди. 1947-1948 йилларда «Ғарбнинг зарарли таъсирига берилиш», «реакцион буржуа фани ва маданияти олдидан сажда қилиш» ҳолларига қарши катта кампания бошланди ва шу кампания Совет давлати билан Ғарб давлатлари ўртасида «темир парда»нинг ўрнатилиши ва «совуқ уруш»нинг бошланишига асосий сабаблардан бири бўлди.

«Сталинизм мафқурафий тизимининг шаклланишида, – деб ёзади «История России» дарслиги муаллифлари, – мафкура билан маданиятни бошқариш аппарати ва механизмнинг яратилиши муҳим воқеа бўлган. И.В.Сталин оммавий маданиятнинг жамиятга катта таъсир кўрсатиш кучига эга эканлигини тушунган. Дохий журналларда эълон қилинган асарларни, адабиёт янгиликларини мунтазам равишда кузатиб борган. Кремлда кинофильмларни кўриш учун махсус зал ташкил қилинган. Сталин театрларга боришни қанда қилмаган.

40-йиллар охирида адабиёт ва санъат масалалари ВКП(б) МК Котибияти ва Ташкилий бюроси даражасида, кўпинча И.В.Сталиннинг шахсан иштирокида ҳал қилинган. А.А.Жданов ва Г.М.Молотов урушдан кейин мафкура бўйича мутасадди (куратор) бўлишган, ижодий ҳаётга раҳбарлик қилиш эса МК Тарғибот ва ташвиқот бошқармасининг монополиясида бўлиб, унга матбуот, бадий адабиёт, театр ва ҳ.к. – жами 22 бўлим қараган. Ҳар қандай асар шу бошқарма томонидан назорат қилинган кўп босқичли цензура механизми орқали ўтган. Доим адабиёт ва санъат асарларининг тавсияли рўйхатлари билан бирга «қора» рўйхатлар ҳам тузилар эди. Сўнгги тоифадаги рўйхатлар асосида кутубхоналардан минглаб китоблар, кинопрокатдан юзлаб кинофильмлар олиб ташланар, музей экспозициялари ва театр репертуарлари эса ўзгартириларди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup>История России. Новейшее время (1945–1990). Москва: Олимп. Из-во АСТ, 2001. С. 56.

Урушдан кейин, 1946 йил 14 августда ВКП(б) МКнинг бадиий адабиёт масалаларига бағишланган «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисида»ги дастлабки қарори адабиёт оламини ларзага келтирди. Бу қарор, мазкур манбадан маълум бўлишича, узоқ йиллар давомида Ленинградда хизмат қилган Г.М.Маленков билан А.А.Жданов ўртасидаги курашнинг маълум маънода самараси эди. Г.М.Маленков ВКП(б) МК қароридан танқид қилиниши учун Ленинградда нашр қилинган бу журналлар ҳамда уларда чоп этилган А.Ахматова ва М.Зошченко асарларини қасддан танлаган бўлиб, мазкур қарор бўйича чиқарилажак хулосалар Ленинград шаҳар партия ташкилотини четлаб ўтиши амри маҳол ва бу ҳол, бумеранг ўлароқ, А.А.Ждановни ҳам туртиб кетиши муқаррар эди. Шунинг учун ҳам А.А.Жданов мазкур қарор муносабати билан бошланган кампанияга жон-жаҳди билан киришган ва ҳатто унга раҳбарлик ҳам қилган.

ВКП(б) МКнинг шу қароридан сўнг рус адабиётининг икки машҳур вакили – А.Ахматова ва М.Зошченко СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзолигидан ўчирилган ва уюшма аъзолари учун белгиланган барча имтиёزلардан маҳрум қилинган. Ҳали-хануз СССРда нон маҳсус қарточка билан берилганлиги сабабли, бирор жойда ишлаш имконидан маҳрум бўлган, бинобарин, «нон қарточкалари» бўлмаган бу ёзувчилар очликка гирифтор этилган.

«Звезда» ва «Ленинград» журналларида «йўл қўйилган» мафқуравий хато ва камчиликлар фақат шу нашрларгагина хос эмас эди. Шунинг учун мазкур қарор барча собиқ совет республикаларидаги ижодий уюшмаларда кенг муҳокама қилинди. Москвада «большевикларча» танқид тиғи Б.Пастернак, В.Гроссман, Ф.Панфёров ва бошқа ёзувчилар бағрига қадалган бўлса, Ўзбекистонда ғазалларида дунёи кажрафторнинг ноодиллиги ҳақидаги анъанавий поэтик фикрлар ифодааланган Ҳабибий, Собир Абдулла, Чустий, Камтар сингари арузнавис шоирлар, шунингдек, Ҳамид Олимжоннинг фожиали вафоти муносабати билан пессимистик шеърлар ёзган Зулфия қалбига санчилди. Ҳали бу шоирлар қалбини танқид тиғи яраламай туриб, 1946 йил 26 августда ВКП(б) МКнинг «Драматик театрларнинг репертуари ва уни яхшилаш чоралари тўғрисида»га қарори эълон қилинди. Шу қарордан кейин Шайхзоданинг «Жалолиддин Мангуберди», Собир Абдуланинг «Алпомиш», Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», Ойбекнинг

«Махмуд Торобий» сингари ва бошқа сахна асарлари Ўзбекистон театрлари репертуаридан олиб ташланди. Ўз қарорларининг жамоатчиликка кўрсатган катта таъсир кучини кўрган ВКП(б) МК ўша йилнинг 4 сентябрида «Катта ҳаёт» фильми ҳақидаги қарори билан шу фильмнинг астар-пахтасини ағдариб ташлади. 1948 йил 10 февралда ВКП(б) МКнинг «В.Мураделининг «Буюк дўстлик» операси ҳақида»ги навбатдаги қарори зиёлилар шууридан ижодий эркинлик ва услубий рангбаранглик ҳақидаги тушунчаларни ситиб чиқара бошлади. Орадан кўп ўтмай, космополитизмга қарши кураш кампанияси бошланиб, ВКП(б) МКнинг адабиёт ва санъат соҳасидаги сиёсати 30-йилларга нисбатан ҳам ўта даҳшатли тус олаётгани ошкор бўлди.

Мазкур қарорлар муносабати билан Ўзбекистондаги барча ижодий уюшмалар баъзан бирлашган, баъзан алоҳида-алоҳида ҳолда йиғилишлар, муҳокама-мунозаралар ўтказиб, урушдан кейинги йилларда яратилган ва яратилаётган асарлар ҳамда уларнинг муаллифларини совет мафқураси ғалвиридан ўтказдилар. Шу йиғилишларда айtilган нутқларда ҳам, газета-журналларда эълон қилинган тақриз ва мақолаларда ҳам ёзувчилар, рассомлар, композиторлар, театр арбоблари устига ботмон-ботмон тухмат тошлари отилди. Вақт ўтиши билан бу тухмат тошларини отган кимсалар ўз қилмишларидан пушаймон бўлган бўлишлари, ён-бериларига қасддан ташланган тузоқларга илинганларини англаган бўлишлари мумкин. Аммо шу йиғилишлар, матбуотда эълон қилинган тухматномалар НКВД ходимлари томонидан диққат билан ўрганилди ва машъум «қора» рўйхатларнинг тузилишида уларга, айниқса, асқотди.

1949 йил 25 июнда Ўзбекистон КП(б) МК бюросида республика ёзувчилар уюшмасининг иши муҳокама қилинди. Муҳокама жараёнида республиканинг қатор кўзга кўринган ёзувчиларини бадном этувчи сўзлар айtilди. Уюшма қошидаги партия ташкилоти аъзолари ўзларига қараганда истеъдодли ҳамкасбларини беҳаёларча балчиққа қордилар. Бюронинг муҳокама қилинган масала юзасидан тайёрланган қарорида айрим ўзбек ёзувчилари ижодида «миллатчилик», «миллий махдудлик кўринишлари», «феодал ўтмишни идеаллаштириш» сингари хато ва камчиликлар оз эмаслиги қайд этилган эди. Агар ўзбек ёзувчилари 30-йилларда «аксилнқилобчилик», «советларга қарши тарғибот», «чет эл фойдасига жосуслик» сингари масалаларда айblанган бўлсалар, энди

ижодий ҳаётдан четлаштириш ва умуман озодликдан маҳрум қилиш учун уларга «миллатчилик», «миллий маҳдудлик кўринишлари», «феодал ўтмишни идеаллаштириш» деган айбларни қўйишнинг ўзи кифоя эди. Шу нарса ажабланарлики, мазкур қарорда ҳам, бюро йиғилишида қатнашган аксар нотикларнинг чиқишларида ҳам танқиднинг захарли найзаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, республика Фанлар академияси гуманитар фанлар бўлими бошлиғи, «Шарк юлдузи» журнали масъул муҳаррири, СССР Олий Совети депутати, Сталин мукофоти лауреати академик Ойбекка қарши қаратилган эди. Бу фавқулудда ҳол, уюшма билан уюшма қошидаги партия ташкилоти ўртасида катта низо ва рақобат пайдо бўлганини, ташкилот раҳбарларининг Ойбекка қарши ошқора курашида уларни ҳасаддек аянчли иллат идора этиб турганини англатар эди. В.Мильчаков, М.Шевердин, С.Сомова ва уларга қўшилган 5-6 та ўзбек ёзувчиси Ойбек ва унинг тарафдорларини уюшма раҳбариятидан четлаштириш, ҳатто жисмоний маҳв этишни ўз олдидарига мақсад қилиб қўйган эдилар. Бошқача айтганда, бу кураш заминда уюшмадаги раҳбарлик лавозимларини эгаллаш, яъни ҳокимият учун кураш масаласи ётган.

Уюшмадаги партия ташкилотини эгаллаб олган кимсалар ортида Совет давлатининг НКВДдек қудратли қатағон машинаси турди. Шу йиллардаги Ўзбекистон КП(б) МК ва унинг бюроси ҳам ўз фаолиятини республика НКВДси билан келишилган ҳолда, ҳатто шу идорадан олинган кўрсатмалар асосида олиб борди. Ўзбекистон КП(б) МКнинг шу йиллардаги мафкура бўйича котиби Ҳабиб Турсунов уюшмадаги соғлом кучлар эмас, балки В.Мильчаков ва М.Шевердинлар томонида туриб, улар тайёрлаб берган маълумотлар асосида Ойбек, Шайхзода, Шухрат, Туроб Тўла, Шукрулло сингари ёзувчиларнинг бадном этилишида фаол иштирок этди. Шундай ачинарли ҳол туфайли уюшмадаги «ҳокимият учун олиб борилган кураш» пировардида Ойбек ва унинг атрофида бирлашган ёзувчиларнинг тўла мағлубияти билан тугади.

50-йиллар аввалида Ўзбекистонда бошланган сиёсий қатағон тарихига назар ташлаган киши шу йилларда камокқа олинган ёзувчиларнинг миллатчилик ва бошқа гуноҳларда айбланиши Ўзбекистон КП(б) МКнинг бевосита иштирокида бўлганини кўради.

Юқорида тилга олинган Ўзбекистон КП(б) МК бюросининг 1949 йил 25 июнда бўлиб ўтган йиғилишида, Абдулла Қаҳҳорнинг

«Қўшчинор» романи ва айрим ёзувчилар ижоди бўйича билдирилган танқидий фикрларни истисно қилганда, нотикларнинг танқидий нигоҳлари асосан Ойбек, Шайхзода, Миркарим Осим ва Миртемирга қаратилган эди. Шу бюронинг 1950 йил 1 сентябрда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон Фанлар академиясининг гуманитар фанлар бўлими ва унинг институтлари ўз ишларини ВКП(б) МКнинг сўнги қарорлари асосида қайта курмаганликда, «буржуа объективизми» ва «космополитизм» ғояларини байроқ қилиб юрۇвчи кишиларга ишлаш имконини берганликда айбландилар. Ойбек айна пайтда академия гуманитар фанлар бўлимининг раиси бўлганлиги учун бу айблар асосан унинг елкасига тушди.

1951 йил 19-20 август кунларида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси правлениесининг VI пленуми бўлиб ўтди. Шу пленумдан бир оз аввал Ойбек оғир хасталикка чалинган ва шу туфайли уюшма правлениеси раиси лавозимидан озод қилинган эди. Шунинг учун пленумда ВКП(б) МКнинг «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги қарорлари ва ўзбек совет адабиёти олдида турган вазифалар тўғрисида уюшма правлениесининг янги раиси Уйғун маъруза қилди. Маърузачи ва сўзга чиққан нотиклар айрим ёзувчилар ижодидаги «мафкуравий камчиликлар»ни очиб ташладилар. Улар фикрига кўра, Туроб Тўла ижодида буржуа-миллатчилик руҳидаги «мафкуравий бузилишлар» пайдо бўлган, Собир Абдулла «Алпомиш» драмасида ўзбек халқининг феодал ўтмишини идеаллаштирган, Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романида «кўпол мафкуравий хатолар» бўлганига қарамай, адабиётшунос олим Иззат Султон бу асарни кўкларга кўтарган эди. Маърузачи ва нотиклар Ҳабибий, Ғафур Ғулом, Ҳоди Зариф, Иззат Султон, Зулфия, Рамз Бобожон, Камтар Отабоев каби ёзувчи ва олимларнинг асарларида ҳам мафкуравий хатолар бўртиб турганини таъкидладилар.

Нихоят, 1952 йил 21-22 февралда Ўзбекистон КП(б) МКнинг мафкуравий масалаларга бағишланган машғум X пленуми бўлиб ўтди. Пленумда МКнинг биринчи котиби А.Э.Ниёзов «Республикадаги мафкуравий ишларнинг ахволи ва уларни яхшилаш тўғрисида» маъруза қилди.

«Маъруза, – деб ёзади «Ўзбекистон тарихидан материаллар» ўқув-методик қўлланмаси муаллифлари, – бошдан-оёқ оғир касалликка ча-

линиб ётган Ойбекни бадном қилишга қаратилди. Ойбек директорлик қилаётган Тил ва адабиёт институтида ўзбек адабиёти тарихининг етарли даражада ўрганилмаётганлиги, «Алпомиш» халқ достонига етарли даражада марксча-ленинча позицияда туриб баҳо берилмаганлиги, ўзбек адабиёти тарихидан 8–9-синфлар учун чиқарилган Ғулом Қаримовнинг Ойбек муҳаррир бўлган дарслигида жадидизмнинг – «ўзбек халқи ашаддий душманларининг ижобий роли тўғрисида шунчаки сўзлаб ўтилганлиги, «Ўзбек поэзияси антологияси»га ёзилган сўзбошида «халққа қарши қаратилган», «зарарли» «Дада Қўрқут» эпосини(нг) қахрамонлик достони сифатида тилга олингани, «Навой» романида тарихий ўтмишни идеаллаштиргани, асарда «кенг халқ оммасига тушунарсиз бўлган арабча-форсча сўзларни кенг қўллагани» учун адибнинг таъзирини бермоқчи бўлишганди. Иш шу даражага бориб етдики, Ойбек(нинг) муҳолифлари қўшни Тожикистон республикасидаги маслакдошлари билан ўзаро тил топишиб, «Коммунист Тажикистана» газетасининг 1952 йил 7 декабрь сонида филология фанлар номзоди Абдулғани Мирзоевнинг «Тарихий ҳақиқатни бузишга қарши» мақоласини чоп эттирдилар. Мақола муаллифи кейинчалик Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони билан шарафланган эди. Мазкур мақолада муаллиф Ойбекнинг «Навой» романидаги айрим тарихий нуқталарни асоссиз танқид қилган бўлиб, унинг асосий мақсади Сталин мукофотига сазовор бўлган ва жаҳондаги бир қатор тилларга ўгирилган асарни чиппакка чиқаришдан иборат эди. «Навой»нинг чиппакка чиқарилиши эса буюк адибнинг ҳалокати билан баравар эди. Ана шу ниятда Ўзбекистон комфирқасининг мафкуравий ишлар бўйича котиби Х.Турсунов кўмагида Ойбек ижодини яхши билган кучлар «Навой» романига қарши мақола тайёрладилар. Аммо бу мақола 1953 йил 16 майда «Қизил Ўзбекистон» газетасида аспирант Ботир Файзиев номидан эълон қилинди»<sup>1</sup>.

Бу сўзлардан яна бир бор аён бўладики, уюшма партия ташкилоти аъзолари орасидаги шовинизм маслаги билан захарланган ёзувчилар Ойбек ва Шайхзода сингари пешқадам ўзбек ёзувчиларига қарши курашда Ўзбекистон КП(б) МК раҳбарларидан мунтазам равишда мадад олишган. Уларнинг гоъвий раҳбарларидан бири М.Шевердин эса шу

<sup>1</sup> Шамсутдинов Р., Қаримов Ш. Ўзбекистон тарихидан материаллар. Андижон. 2004. Б. 590-591.

йилларда МКнинг тарғибот ва ташвиқот бўлимида масъул лавозимда хизмат қилган. Кези келганда айтиш лозимки, Шевердин 1889 йилда Польшанинг Модлин деган кентида ҳарбий врач оиласида туғилган. У оиласи билан Туркистонга кўчиб келганидан кейин меҳнат фаолияти-ни 1917–1920 йилларда Меҳнат ва мудофаа советида бошлаган. Уруш-гача бўлган даврда «Правда Востока» газетаси ва «Бюллетень Сред-него Востока» сингари журналларда фаолият олиб борган. 1942–1955 йилларда эса Ўз КП(б) МКда матбуот шўъбаси мудири, тарғибот ва ташвиқот бўлими мудири ўринбосари лавозимларида ишлаган. 1910 йили Горький шаҳрида туғилган В.Мильчаков эса 1942–1946 йиллар-да махсус батальон штабида иш юритувчи вазифасини бажарган. 1946 йилда урушдан қайтган штабист «Фрунзевец» газетасида бирор ой ишламай, тегишли идоралар томонидан Ёзувчилар уюшмасига ишга юборилган. У уюшма партия ташкилотининг котиби лавозимини эгал-лаб олиб, Шевердин ва бошқа маслақдошлари билан бирга уюшмада кўпоров ишларини олиб борган.

Мазкур пленум Ойбек, Шайхзода, Собир Абдулла, Туроб Тўла, Темур Фаттоҳдан ташқари, файласуф Воҳид Зоҳидов, тарихчи Абдул-ла Бобоҳўжаев, иқтисодчи Олим Аминовнинг тадқиқотларидаги бур-жуа-миллатчилик ва пантуркизм руҳидаги «кўпол сиёсий хатолар»ни кескин танқид қилиб, МК бюросига улар ҳақидаги масалани кўриб чиқишни топширади.

Ўзбекистон КП(б) МК бюроси 1952 йил 27 июнда бўлиб ўтган йиғилишида «ўз асарларида йўл қўйган кўпол сиёсий хато ва мафкура-вий бузилишлар учун ҳамда уларни тан олишни ва тузатишни истама-ганлиги учун» О.Аминовни, ўша йилнинг 22 августидаги йиғилишида эса «кўпол сиёсий ва миллатчиликдан иборат хатоларга йўл қўйганлиги учун» В.Зоҳидовни партиядан ўчиради.

Бундан бир неча ой аввал эса Ёзувчилар уюшмаси правлениеси-нинг йиғилиш ва пленумларида Шайхзода, Миртемир, Миркарим Осим сингари ёзувчилар уюшма аъзолигидан, Ойбек эса правление ва президиум аъзолигидан ўчирилган эдилар.

1952 йил 26 мартда Тил ва адабиёт институти ҳамда Ёзувчилар уюшмасининг ташаббуси билан «Алпомиш» эпосининг шарманда-ли муҳокамаси бўлиб ўтди. Куни кеча «Правда Востока» газетасида «Алпомиш»ни кескин қоралаб чиққан ғайриилмий мақола муаллифла-



ридан бири А. Абдунабиев муҳокамада бу буюк халқ эпосини тадқиқ ва нашр қилган муҳтарам олим ва шоирлар шаънига шундай ҳақорат ва тухмат сўзларини айтдики, унинг қарсақлар билан кутиб олинган бу нутқидан, замондошларнинг гувоҳлик беришларича, 1938 йилдаги суд жараёнларининг «булбулигўё»си Вишинскийнинг қўланса ҳиди анқиб турган. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг бу ноёб дурдонаси муҳокамада «халққа қарши эпос» сифатида яқдиллик билан қораланиб, унинг ношир ва тадқиқотчилари бу «халққа қарши эпос»ни тарғиб ва ташвиқ қилганликда айбландилар.

Илмий, адабий ва маданий ҳаётдаги бундай нохуш воқеалар шу йилларда фақат Ўзбекистонда эмас, айти пайтда собиқ иттифоқнинг барча республикаларида содир бўлаётган ва шу даҳшатли манзара совет мамлакати узра қонли бўроннинг кўтарила бошлаганидан дарак бериб турарди.

Чиндан ҳам, кўп ўтмай, номлари йиғилишларда ва матбуотда миллатчи сифатида тилга олинган ёзувчилар, олимлар, педагоглар, санъаткорлар бирин-кетин қамала бошлади. Шундай фожиали воқеа шоир Шухратни ҳам четлаб ўтмади. У журналист Ислон Усмонов билан қилган суҳбатида ҳибсга олиниш тарихини эслаб, бундай деган эди: «Бир куни нима бўлди-ю таксист билан тортишиб қолдим. Шу нарса баҳона бўлди-ю, мени уюшмада қаттиқ муҳокама қилишди. Бу ҳақда М.Шевердин доклад қилган. Роса олиб бориб-олиб келишган». Шоирнинг айтишича, уни Ўзбекистон НКВДсининг Суханов, Козлов, Конников фамилияли терговчилари тинмай сўроқ қилишган. «Улар, – деган шоир, – маҳаллий тилни билишмас, ўзбек адабиёти билан мутлақо таниш бўлмаган ҳолда мени бекордан-бекор қийнашарди. Уларга Усмон Носирнинг қандай шоир бўлгани бир пул эди<sup>1</sup>. Шу йўсинда мени 21 ой ҳибсда азоблашди... Уларнинг фикрича, мен пантуркист ва оиламда феодализм қурмоқчи бўлган эканман»<sup>2</sup>.

Терговчилар сохта айблар билан қамоққа олинган кишиларни қийнаш, ҳафталаб ухлаш имкониятдан маҳрум қилиш орқали улардан нафақат ўзларини, балки бошқа ҳамкасбларини ҳам қоралаши мумкин бўлган кўргазмаларни олишга уринган ва аксар ҳолларда ўзларининг бу ёвуз ниятларига эришганлар.

<sup>1</sup> Шухратга қўйилган айблардан бири унинг Усмон Носир билан яқин алоқада бўлганлиги эди (Н.К).

<sup>2</sup> Усмонов И. Қатагон қурбонлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1992. Б. 199.

Шухрат НКВД терговчиларининг шундай разилона усуллари тўғрисида сўзлаб, яна бундай маълумот берган: «...Ойбекни Ўзбекистонда(ги) яширин адабий ташкилотнинг раҳбари сифатида айблашганди<sup>1</sup>. Бу борада мендан далил ундиришга кўп бор уринишган. Уни «Ёзувчилар уюшмасига раис», десам, терговчилар: «Йўқ. У антисовет ташкилотига раҳбар», дея оёқ тирашади. Уни буржуа позициясида туриб ижод қилади, асло шўро ёзувчиси бўлолмайди, барибир миллатчи, дея ҳеч ишонишмайди. Тунлари чақириб: «Ойбекни айблаб ёзиб берасан», деб талаб қиладилар. Жуда бўлмагач, «қўл қўймайман», деб ёзиб бердим. Бундай гапга кирмаганим туфайли тиззамгача муздек сувга тикиб қўйишиб, сўкишар ва уришарди. Ўн бир ой якка хонада сақлашди. Шунинг ярми Ойбек учун, ярми Шайхзода учун! Уларга қарши уззу кун мендан далил ундиришга ҳаракат қилишарди»<sup>2</sup>.

1937-1938 йилларда бўлганидек, 50-йиллар аввалида бошланган қатағон тўлкинида ҳам НКВД ходимлари ва уларнинг гумашталари томонидан тайёрланган тухматномалар асосида республикамизда минглаб беғуноҳ кишилар қамолди. «Катта қиргин» давридан фарқли ўларок, 50-йилларда қатағон қурбонларига нисбатан қўлланган жазо 10 йиллик эмас, балки 25 йиллик қамок жазоси эди. Агар қатағон даҳоси Сталин 1953 йил мартида вафот этмаганида, 50-йиллардаги жабрдийдалардан қарийб бирортаси Сибирь ва Колима лагерларидан омон қайтмаган бўларди.

Яна Шухратнинг журналист билан қилган суҳбатига назар таштайлик:

«Асосиз ва пуфлаб семиртирилган айблар учун, – деган эди у, – 25 йил қамок жазосига ҳукм қилиндим. Шундан 5 йил хибсада ўтиришга тўғри келди. Қозоғистоннинг Жезказған шаҳридаги мис қонида, қурилишда меҳнат қилдим. Мен билан бирга Ҳамид Сулаймон, Ориф Юнусов, Ориф Аюбов, Бозорбоев, Маҳмуд Муродов сингари ноҳақ қамалганларнинг кўпи ўтиришган. Саид Аҳмад ва Шайхзода бизга яқин бўлган жойда экан. Тутқунликда бўлган пайтимизда чўнтагимиздан бир парча қоғоз чиқиб қолса борми, якка хонага қамаб қўйишарди.

<sup>1</sup> Мухбир Шухратнинг шу ҳақдаги сўзларини нотўғри эшитган ёки тушунган кўринади. НКВД ходимлари махбуслардан Ойбекнинг гўё Ўзбекистонни СССРдан ажратиб олиш мақсадида тузилган яширин сиёсий ташкилотнинг раиси бўлганлигини тасдиқловчи кўргазмалар олишга уринишган.

<sup>2</sup> Кўрсатилган манба. Б. 200-201.

На ёзиш, на ўқиш мумкин. Умуман, бизни ташки ҳаётдан узиб қўйишга неча бор ҳаракат қилишган. Фақат йилига икки мартагина хат ёзишга рухсат бор...»<sup>1</sup>.

Одатда «Катта қирғин» тўғрисида сўз борганда, НКВД ходимларининг шу йилларда жабрдийдаларни кеча-кундуз демай ҳибсга олганлари ва ўта шафқатсизлик билан қийнаганлари айтилиб келади. Ҳолбуки, 50-йиллар аввалида бошланган ва, бахтимизга, охирига етмай, «қора» рўйхатлардаги қанчадан-қанча кишилар қамокқа олинмай қолган қатағон «Катта қирғин» давридаги қатағондан ҳам даҳшатли бўлиши мумкин эди. Шу йилларда қамокқа олинган машҳур халқ хофиси Муҳиддин қори Ёқубовнинг терговномаси билан танишган киши унинг тергов тугаб, ҳукм чиққанидан кейин ҳам НКВД қамокхонасида ойлаб ушлаб ўтиришгани ва ундан озодликда юрган таникли санъат арбоблари ҳақида маълумот беришни талаб қилишганини билади. Бир қанча «дело»ларга тиркалган ҳужжатлардан маълум бўлишича, шу йилларда Мухтор Ашрафий, Ҳалима Носирова, Комил Яшин, Юнус Ражабий каби санъат дарғаларини сиёсий жиҳатдан бадном этиш ва қамаш бўйича ишлар олиб борилган. НКВД ходимлари шундай қабих мақсад билан нафақат Қори Ёқубов, балки бошқа талайгина маҳбусларни ҳам лагерларга юбормай, улардан навбатдаги «қора» рўйхатлар учун маълумотномаларни, аниқроқ айтганда, тухматномаларни олишга зўр берганлар. Афсуслар бўлсинки, уларнинг бу қармоғига эркинликда юрган ҳамкасбларига нисбатан ғаразли муносабати туфайли ўз хоҳиши билан илинган кимсалар ҳам бўлган.

НКВД терговхоналарида шундай кўпдан-кўп даҳшатли воқеаларни кўрган ва ўзи ҳам «дўстлиги гумон, ғанимлиги аён» кимсаларнинг тухматлари туфайли 50-йилларда қатағон жабрини тортган Максуд Шайхзода «Мирзо Улуғбек» трагедиясида ўртанган дилини бўшатиб, бош қаҳрамон тилидан мустабид давлат ички сиёсатининг устувор белгиси даражасига кўтарилган бўҳтонни бундай таърифлаган эди:

Бўҳтон нима? Ғайриликнинг копогон ити,  
Ийманишдан, хижолатдан холидир бети.  
Бўҳтон, яъни бировларнинг фазилатига  
Ич-ичидан қойил бўлмоқ, зоҳирда эса  
Худди ўша фазилатнинг аксини айтмоқ.  
Тухматчи у – жирканч тана, қуртлаган мараз...

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба. Б. 201.

Бу сатрлар тагига шу даврнинг бошқа жабрдийдалари ҳам имзо чекишлари мумкин.

50-йилларда ижод аҳлининг ажал тегирмонига тушиш сабаблари «Звезда» ва «Ленинград» журналлари тўғрисидаги ва бошқа партия қарорлари, шу машъум қарорлар туфайли бошлаган сиёсий-мафкуравий жараён билан бевосита боғлиқ.

«1946 йилда, – деб эслайди шоир Шукрулло, – ВКП(б) Марказий Комитетининг секретари А.А.Ждановнинг ғоясизлик ва космополитизмга қарши доклади ҳамда Марказий Комитетнинг Ленинграддаги адабий журналлар бўйича қабул қилган қарори ўша кезде ижодга кириб келган биз сингари ёшларга салбий таъсир кўрсатди, десам хато бўлмайди. Ойбек союзда раис, мен эса консультант эдим. Мамарасул Бобоев, Ҳомил Ёқубовлар «Шарқ юлдузи» журналида хизмат қилишарди. Кунлардан бир кун улар мендан бир шеър сўраб қолишди. Уни карангки, 1939 йилда Қорақалпоғистонда ўқитувчилик қилган кезларимда Орол денгизига бағишлаб ёзган «Денгизда бир тун» сарлавҳали шеъримни бердим. Бахтга қарши, шеър эълон қилиниши билан балога қолдим. Айрим сиёсатдонлар учун бу шеър А.А.Ждановнинг ғоясизлик ва космополитизм ҳақидаги докладига мисол қилиш учун кўл келиб қолди. Улар «унда меҳнат кўрсатилмай, қуруқ денгиз манзараси мақталган», деб қўйдилар.

Қарорнинг жойлардаги «ижро»си учун ўша пайтда менинг асаримга ўхшаган шеърлар керак бўлган! Бу 1948-50 йилларда яна асосиз камокқа олишлар учун тайёргарликнинг бошланиши экан. Мени эса 51-йилнинг бошида ҳибсга олишди. Бу пайтгача Шухрат, Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Мирзакалон Исмоилий, Мели Жўра, Ёнғин Мирзо, ака-ука Абдунаби ва Абдурахмон Алимухамедовлар, Неъмат Тошпўлат, Маҳмуд Муродов ва бошқалар турли сабаблар билан камокқа олинган эдилар...

...Менинг устимдан кўзғотилган ишни республика хавфсизлик органининг терговчиси Суханов олиб борди. У менга: «Миллатчилиги учун камалган Усмон Носир ва Чўлпоннинг шеърларини ўқигансан», «Совет тузумидан нолиб, фалончининг тўйида Сталиннинг «Ҳаёт қувноқ, ҳаёт тўкин бўлиб қолди», деган сўзларини мазах қилиб айтгансан» каби айбларни қўйганди... Гарданимизга ҳеч каерда йўқ айбларни қўйишга ҳаракат қилишди. Уйқусиз тунлар, қийноқлар бошланди.

1952 йилда суд бўлди. Бизларни «халқ душмани» деб бир вақтлар кораланган Акмал Икромов, Файзулла Хўжаевларга олиб бориб тақаб қўйишди. Ҳар биримиз 25 йилдан камоқ жазоси, 5 йил сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиндик. 5 йил давомида сургунда яшашга мажбур бўлдик...

...Суд ҳукмидан сўнг Таймир ярим оролига юборишди. Бу ерга бизларни олиб келишганда қуёш ҳали ботмаган, тушдан кейин(ги пайт)га ўхшарди. Атроф-теварак, бараклар куппа-кундузгидек кўришиб турар, лекин одам зоти кўринмасди. Ҳеч ким йўқлиги ваҳимага солган эди. Наҳотки, кимсасиз оролга ташлашди, деб ваҳима босганди. Кейин маълум бўлишича, бу пайтларда Шимолда қуёш ботмайдиган ойлар бўлиб, бизлар борган вақт ярим кеча экан. Ўзимизга ўхшаган бахти қаролар билан «тонг» отгач учрашдик...»<sup>1</sup>

30–50-йиллардаги қатағонга оид ўзбек ёзувчиларининг хотира ва мақолаларида улар яшаган аянчли шароит, улар бошига тушган савдолар одатда четлаб ўтилади. Собиқ маҳбуслар ҳаётларининг сўнги кунларига қадар озодликка чиқиш олдида лагерь ёки қамокхона бошлиғига шу ерга кўрган-билганларини ҳеч зотга айтмаслик ҳақида берган тилхатларига умрбод содик қолганлар. Шукрулло ҳам шу масалада истисно эмас. Аммо у Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг, жамиятда рўй берган оламшумул ўзгаришларни кўриб, бағридаги кўркиш ва ҳадик туйғуларини бир оз бўлса-да енгиб, яна бундай сўзларни ёзган:

«...Икки йил қамокда ўтириб, куч-қувватдан айрилган эканманми, тупроқ ортилган зил-замбил ғалтак аравани базўр итараман. Гоҳида ғалтак арава юриши учун мўлжаллаб қўйилган тахта устида мувозанатимни саклашга қувватим етмай, ағдарилиб кетардим... Ниҳоятда оғир жисмоний меҳнатда қолганлигимдан хабардор бўлган, 7–8 йилдан бери шу лагерда маҳбусликда умр ўтказаятган тошкентлик врач Турғун Алимухамедовнинг раҳм-шафқати сабаб бўлиб, енгилроқ ишга ўтдим. Навбатчи сантехмонтажчи бўлиб олдим. Аммо енгил саналган бу юмушнинг ҳатто ўлимимга ҳам рози қиладиган азоб-уқубатлари йўқ эмас эди...

...Мен навбатчилик қиладиган устахона лагердан 1–2 километр нарида эди. Совуқ 45–50 даражага етиб, қор бўронлари бошланган

<sup>1</sup> Шукрулло. Қасосли дунё. Тошкент: “Ўзбекистон”, 1994. Б. 116-117.

кунлари маҳбуслар баъзан ишга чиқарилмасди. Бўрон вақтида совук 50-60 даражадан ошарди. Аммо менга ўхшаган тунги навбатчилар, қурилишга эртанги зарур нарсаларни тайёрловчи, темирчилик каби касб эгалари эса ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам ишга чиқишга мажбур эди.

Шундай кезларда қўлларида автомат ва итлар ушлаб қуроолланган назоратчилар бизларни сафга тизишарди-да, ҳар доимдагидек: «Бир қадам сафдан ташқари чиқиш ёки орқада қолиш қочиш ҳисобланиб, огоҳлантирилмасдан ўт очилади», деб, юришга буйруқ беришарди...

...Икки кўздан бошқа ҳаммаёқ ўралган бўлиб, очик қолган ерингни бир дамда совук уриб кетарди. Совукдан ёшланган кўзларда киприклар ёнғокнинг ярим палласидек музлаб қоларди. Бир қадам олдинни кўриш ҳам оғир эди. Шундай вақтларда янглишиб, сафдан бир оз ташқарига чиқдингми, ҳаётинг тамом! Ўлиб кетиш ҳеч гап эмас. Сен учун ҳеч ким жавоб бермайди. Мени мана шу бевақт ўлим хавфи ташвишга соларди...»<sup>1</sup>

Шу йилларда Шайхзода, Ҳамид Сулаймон, Шухрат, Саид Аҳмад, Шукрулло, Неъмат Тошпўлат, Ёнгин Мирзо сингари шоир ва олимлардан ташқари, Мухит Комилов, Комил Пўлатов, Абдурахмон ва Абдулхай Раҳмонкуловлар, Абдунаби ва Абдурахмон Алимӯхамедовлар, Имомхон Хусанхўжаев сингари турли соҳа вакиллари қамоққа олиндилар. Афсуски, 50-йилларда Ўзбекистондан қанча кишининг қамоққа олингани тарихчи ва журналистлар томонидан етарли даражада ўрганилмаган. Ҳатто шу йилларда фан ва маданият, саноат ва хўжаликнинг қайси соҳалари қатағон туфайли катта талофат кўргани ҳам маълум эмас. Аммо шу нарса аниқки, агар Совет давлати ва унинг қатағон машинаси 30-йилларда ўзбек адабиётининг Фитрат, Абдулла Қодирий, Чўлпон сингари чинорларини қўпориб ташлаган бўлса, 50-йилларда уларнинг Ойбек ва Шайхзода сингари ҳосилга кирган азамат дарахтларини, Шухрат, Шукрулло ва Саид Аҳмад сингари ниҳолларини кириб ташлашга киришган эди. Совет давлатининг шу ўта даҳшатли режасининг амалга ошиши ва кенг қўлам олишига маҳаллий ғаламислар ўз хиссаларини қўшдилар.

Саид Аҳмаднинг хотирлашича, қамоққа олиниб, «халқ душмани»га чиқарилганидан сўнг, унинг турмуш ўртоғи шоира Саида Зуннунова

<sup>1</sup> Кўрсатилган манба. Б. 117-118.

хам ишдан хайдалиб, ёзувчи оиласи очликка мубтало этилади. Саида Зуннунова шу укубатли вазиятдан халос бўлиш учун оила бошига тушган кулфатларни коғозга тушириб, кайнонаси билан бирга Марказкомга йўл олишади. Улар хатни республика партия ташкилотининг биринчи котиби Усмон Юсуповга шахсан бериш учун унинг Марказкомга машинада етиб келишини интизорлик билан кутишади. Ниҳоят, машина етиб келиб, саркотиб ундан тушиши билан Саид Аҳмаднинг онаси югура бориб унга хатни топширади.

«Шу воқеадан ўн кунлар ўтиб, – деб ёзган экан Саида Зуннунова махбус эрига етиб бормаган бир хатида, – Навоий кўчасида Собир Абдуллани учратиб қолдим. Юсупов бир неча атоқли ёзувчилар билан суҳбат ўтказган экан. Шунда Юсупов Уйғунни тикка турғизиб қўйиб, каттик-каттик гапирибди.

– Ёшларни турмага тайёрлаганмизми?! Қаёққа қараб ўтирибсан?! Агар Саид Аҳмад душман бўлса, сен билан мен ҳам душманмиз! Чунки уни биз тарбиялаганмиз.

Уйғун жавоб беролмай, лавлагидай қизариб-бўзариб, жойига ўтириб қолди.

Бу гапларни Собир Абдулла айтиб берди»<sup>1</sup>.

Шубҳасиз, Ўзбекистонда қатагоннинг кенг кўлам олиши ва қарийб барча таниқли фан, таълим, адабиёт ва санъат намояндаларини ўз камровига олган «қора» рўйхатларнинг шаклланишида шу йилларда Марказдан республикамизга юборилган кишилар муҳим роль ўйнашди. Шундай кишилардан бири Семён Денисович Игнатъев эди.

С.Д.Игнатъев 1904 йилда Херсон губерниясида деҳқон оиласида туғилган. Шу ердаги тирикчилик кўнгилдагидек кечмагани учун отаси қишлоғини ҳам, оиласини ҳам ташлаб, Термиздаги пахта тозалаш заводига ишлашга боради. Орадан 4 йил ўтгач, Семён ҳам отаси кетидан Термизга келиб, Амиробод темир йўли устахонасида чилангарга шогирд бўлиб ишлайди. У 1919 йил охирларида Бухоро темир йўлининг бош депосидаги комсомол ячейкасига котиб этиб сайланади. Ёшлик кучини нимага сарфлашни билмаган комсомолни 1920 йилда Бухородаги қизил қўшиннинг сиёсий бўлимига ишга олишади. Орадан бир йил ўтгач, у Умумбухоро ЧКсининг ҳарбий бўлимига, сўнгра

<sup>1</sup> Саид Аҳмад. Йўқотганларим ва топганларим. – Хотиралар. Адабий ўйлар. – Тошкент: Шарк, 1998. Б. 280.

Бухоро республикасининг Бош милиция бошқармасига ўтказилади. Ижтимоий ҳаёт йўли шундай бошланган С.Д.Игнатъев кейинчалик Москвага ишга таклиф қилиниб, давлат ва партия органларида турли лавозимларда хизмат қилади. 1949 йили Белоруссия Компартияси МКнинг иккинчи котиби лавозимини адо этаётган Игнатъев ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси котиби ва Ўзбекистон ССР бўйича вакили этиб тайинланади.

«Ўзбекистон Компартияси МКнинг собиқ биринчи котиби Нуриддин Акрамович Муҳиддиновнинг хотирлашича, – деб ёзилган Леонид Млечиннинг «КГБ. Председатели органов госбезопасности» деган китобида, – Игнатъев Тошкентга ўз аппарати – бир неча ўн одамлари билан етиб келди. Улар Ўзбекистоннинг маданияти, фани ва санъати соҳасидаги аҳвол ҳақида муфассал хат тайёрлашди. Улар энг таниқли фан ва маданият арбобларининг узундан-узун рўйхатини тузиб, уларни бир-бирлари билан учрашиб, республикадаги ишлар аҳволини муҳокама қилиб, зиёлилар ва ёшлар орасидан ўзларига тарафдорларни ёллаб, фаол миллатчилик руҳидаги ва ғайрипартиявий фаолият олиб бораётганликда айбладилар...

Бу айблар катта ишни қўзғаш имконини берар, Москвадан келган амалдорлар эса шу ҳақда қарнай чалиб, ўзларини кўрсатиб қолишни исташар эди»<sup>1</sup>.

Бугун бу сатрларни ўқиган киши Москвадан Ўзбекистонга келган амалдорларнинг ўзларини Худонинг элчисидек тутганларини, айниқса, «энг таниқли фан ва маданият арбоблари»нинг «бир-бирлари билан учрашиб», «республикадаги ишлар аҳволини муҳокама қилиш»лари ҳамда «зиёли ва ёшлар орасидан ўзларига тарафдорлар»ни топишларини «фаол миллатчилик руҳидаги ва ғайрипартиявий фаолият» деб баҳолаганларини ўқиб, ҳайратга тушиши мумкин. Москвадан Ўзбекистонга кун кеча келган амалдор ҳам, 1917 йилдан кейин Россиянинг турли гушаларидан кўчиб келган катта-кичик шевердинлар, мильчаковлар, сомовалар, брянцевлар ҳам ўзларини серкуёш ўлканинг ҳақиқий эгалари ҳисоблаб, азал-азалдан шу ерда яшаб келаётган халқни инсон ўрнида кўрмас ва минг хил йўллар билан инсоний ҳуқуқларини топтаб, уларни ишдан ҳайдаш, қамаш, сургун қилиш, отиб ташлашни ўзларига касб қилиб олган эдилар. Юрагида мустамлакачилик ва шовинизм қони жўш урган шундай кимсалар туфайли Совет давлатининг

<sup>1</sup> Млечин Л. КГБ. Председатели органов госбезопасности. Рассекреченные судьбы. Москва: Центрполиграф, 2001. С. 333.



катагончилик сиёсати натижасида жаннатмонанд Ўзбекистон 30-йилларда қонга ботирилди. Улар туфайли 50-йилларда ҳам шу дахшатли воқеа такрорланиши мумкин эди ва такрорланди ҳам.

«Ўша вақтда республика МКнинг мафкура бўйича котиби бўлган Муҳиддиновни, – деб давом этади Л.Млечин юқорида зикр этилган манбада, – Москвага чақириб қолишди. У Маленковнинг қабулига кирмокчи бўлди. Маленков уни эртасига эрталаб қабул қилди. Дахшат билан сўради:

– Нима учун сизларда, Ўзбекистонда, мафкуравий ишларда кескин ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган ишлар сусткашлик билан олиб борилмоқда? Эртага котибиятда Игнатъевнинг миллатчилик, маҳаллийчилик, ўтмишни улуғлаш, совет халки ва партия эришган ютуқларни инкор қилиш фактлари ҳақидаги хатини муҳокама қилмоқчимиз.

Муҳиддинов усталик билан суҳбатни буриб юборди:

– Ўртоқ Маленков, Ўзбекистон бўйича МК вакилининг аппарати бу масалаларни атрофлича ўрганди. Москвадан келган ўртоқлар синчковлик билан текшириб, бир қарорга келдилар. Биз буларнинг ҳаммасини ёрдам деб биламиз. Шу билан бирга ундаги кўпол умумлашмалар ва бошдан-оёқ айбловларга қўшилиш мумкин эмас. Масалага бундай ёндашув фақат зиёлиларнигина эмас, балки минг йиллик тарихи ва қадимий маданияти бўлган барча халқни ҳам ранжитиши мумкин. Хатнинг МК котибиятида муҳокама қилиниши ва қабул қилинажак қарор – жуда фойдали. Балки бу хатни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон компартияси МКига бериш яхшироқдир? Бу республика ходимларининг масъулиятини кўтарарди...

Кейин давом этди:

– Менинг яна бир масалани кўтаришимга рухсат беринг. Урушдан кейин МКнинг Ўзбекистон бўйича вакили институти тузилган эди. Уни Семён Денисович Игнатъев бошқармоқда. Унинг ихтиёрида юқори малакали мутахассислардан иборат гуруҳ ишлаб турибди. Менда шахсан уларнинг биронтасига нисбатан эътироз йўқ. Аммо мени ёш партия ходими бўлганим учун бошқа нарса безовта қилмоқда. МКнинг вакили фақат Ўзбекистонда бор, бошқа республикаларда бундай орган йўқ. Шу масалада англашилмовчилик пайдо бўлмоқда. Агар тегилса ва таҳқирланса, миллий туйғулар ўзини намоён қилиши мумкин.

Маленков Муҳиддиновнинг сўзларини эслаб қолди. Ўзбекистондаги мафкуравий ишлар ҳақидаги хат МК котибиятида кўрилмай, жиддий кадровий чоралар кўрилди, хат эса кўриб чиқиш учун Тошкентга юборилди. Кўп ўтмай, Игнатъев Муҳиддиновга қўнғирок қилди:

– Сен билан хайрлашмоқчиман.

– Нима бўлди?

– Сенинг енгил қўлинг билан вакиллик аппарати тугатилди. Мен ишдан олиндим.

– Семён Денисович, – жавоб берди Муҳиддинов, – сизни канчадан бери билишимга карамай, биринчи марта ёлғон гапиришингиз мумкинлигини эшитиб турибман...»<sup>1</sup>

Аникайтиш мумкинки, Ўзбекистон компартияси МК раҳбарларидан бирининг шу жасоратли ҳаракати туфайли ВКП(б) МКнинг Ўзбекистондаги вакиллиги тугатилди ва, янада қувонарлиси, НКВД учун тайёрланган янги «қора» рўйхатдаги 60 киши қатағон тегирмонида мажакланиб ташланишдан соғ-омон қолди.

Совет давлатининг қатағон сиёсати турли даврларга бўлинади. Шундай даврлардан бири 1937-1938 йиллардаги «Катта қирғин» бўлса, навбатдагиси 50-йилларнинг бошларидаги қатағондир. Шу икки давр ўртасида яна бир қатағон бўлган. 1941-1942 йилларда, яъни икки қирғин ўртасида кечган шу қатағон совет давлати қатағон сиёсатининг узвийлигини намоиш этади. Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йилларида давлат ва партия органларида, маориф ва маданият, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида хизмат қилган ходимларнинг қатағон қилиниши 1937 йилда янги куч билан бошланган, 1949–1952 йилларда давом эттирилган жинорий жараённинг таркибий қисмидир. Аммо 1938 йил ноябрида НКВД органларига берилган расмий кўрсатмага кўра, ҳибсга олиш операциялари тўхтатилган эди. Шунинг учун ҳам 1941-1942 йиллардаги «сокин» қатағонни 50-йиллардаги қатағоннинг муқаддимаси сифатида текшириш мақсадга мувофиқ.

Афсуски, шу йилларда Ўзбекистонда кечган «сокин» қатағон тарихчилар томонидан умуман ўрганилмаган. Бинобарин, илмий-сиёсий адабиётда шу даврда жабр кўрган кишиларнинг салмоғи, ижтимоий келиб чиқиши, миллий таркиби ва ҳ.к. тўғрисида бирор аниқ маълумотни топиш маҳол. Фақат шу нарсани айтиш мумкинки, 1941-1942 йилларда

<sup>1</sup>Кўрсатилган манба. Б. 333-334.

ҳибсга олинганлар орасида Сулаймон Азимов, Сотти Хусаинов, Тўхтасин Жалолов, Юнус Латипов, Омил Одилов, Обиджон Ҳошимов, Соли Эминов, Шокир Сулаймон, Шароф Обидов, Раҳим Раҳмонов, Нурулла Отауллаев, Акмал Обидов, Комил Маъдиев, Ҳасан Неъматов, Жўра Икромов, Аҳад Одилов, Хусан Ғозиев, Ғафур Расулев, Раҳимжон Иброҳимов, Акбар Долимов, Файзулла Убайдуллаев, Ҳасан Зуннунов, Аҳад Турсунов. Асад Убайдуллаев сингари илм-фан ва маданият оламига мансуб кишилар бўлишган. Ҳибсга олиш ва тергов ишлари уруш даврида кечгани учун НКВД ходимлари камоққа олинганларнинг «жиноий иш»ларини наридан-бери кўриб, аксариятини шошилишчи равишда отиб ташлашган. Аммо 1954 йилда КПСС МКга келган шикоят-аризалар асосида қатағон қурбонларининг «жиноий иш»ларини қайта кўриш жараёни бошланганда, аксар «иш»лар шахсан НКВД раҳбарларининг хоҳиш-иродаси билан сохта айблар асосида тайёрлангани маълум бўлган.

СССР Бош прокурори Р.А.Руденконинг 1954 йил 19 январда С.Азимов ва бошқаларни айблаш бўйича тузилган ишнинг қайта кўрилганлиги ҳақида КПСС МКга хат йўллаган. Шу хатдан маълум бўлишича, Ўзбекистон КП(б) МКнинг собик котиби С.Азимов, Ўзбекистон КП(б) МК тарғибот ва ташвиқот бўлими мудирининг собик ўринбосари Хусаинов Сотти, «Қизил Ўзбекистон» газетаси таҳририятининг собик бўлим мудирини Жалолов Тўхтасин, шу газетанинг адабий ходими Латипов Юнус, «Муштум» журналининг адабий ходими Расулев Ғафур, «Ёш куч» журнали таҳририяти котиби Омил Одилов, ўрта мактаб ўқув бўлими мудирини Ҳошимов Обид, шунингдек, «Тарокчи» артели ошпази Соли Эминовларни айблаш бўйича жиноий иш 1941 йилда Ўзбекистон ички ишлар халқ комиссари Амаяк Кобулов томонидан кўтарилган.

А.Кобулов Ҳибсга олинганларга нисбатан уруш ва қийнаш усуллари қўллаганидан кейин айбланувчи Жалолов гўё Ўзбекистон КП(б) МК котиби Азимов ташкил этган миллатчилик-қўзғолончилик ташкилоти таркибига кирган ва унинг топшириғига биноан Эминов билан Ҳошимовни шу ташкилотга ёллаган.

Жалолов аксилинқилобий ташкилотга аъзо бўлган вақтдаги шароит ҳақида кўргазма бериб, Азимов билан 1940 йил феввали ва июнида учрашганида ундан Азимовнинг аксилинқилобий фаолиятдан хабар топганини айтган. Бундан ташқари, Жалоловнинг кўрсатишича,

1941 йил сентябрида сайр килиб юрганида, Азимовнинг уйига тасо-дифан кириб қолган, у ерда эса профессор Қори-Ниёзов (ўша пайтда ЎзССР Халқ Комиссарлар Совети раиси ўринбосари, ҳозир Ўзбекистон Фанлар академияси президенти) ва Йўлдошев (Тошкент вилоят партия комитетининг собик котиби) иштирокида «советларга қарши йиғилиш» бўлаётган экан. Азимов гўё йиғилганларга Жалоловни «ўз одамимиз» деб таништирган, шундан кейин улар советларга қарши фаолиятни кучайтириш усулларини муҳокама қилганлар. Азимов 1940 йилда автокатастрофа вақтида оғир жароҳат олиб, Сочи шаҳрида даволангани учун Тошкентда Жалолов билан аксилинқилобий йўналишда суҳбатлашиши мумкин эмас. Аммо Жалолов кўрғазмасининг ёлғонлиги аён бўлганига қарамай, жинойий усуллар билан олинган бу кўрғазма Азимов ва бошқаларнинг ҳибсга олиниши ва маҳбусларнинг йўқ қилиб юборилишига хизмат қилган.

А.Кобулов ҳибсга олинганларни уриб-калтаклашда шахсан ишти-рок этиб, уларнинг аксилинқилобий жиноят қилганликларини тан олишларига муваффақ бўлди, иш шундан кейин СССР НКВД қошидаги Махсус Кенгашга кўриш учун юборилди.

Мазкур иш бўйича тергов қонунни қўпол равишда бузган ҳолда олиб борилди. Масалан, мазкур иш бўйича айблов хулосаси 1942 йил 25 июнда тузилган бўлса, терговнинг тугаганлиги айбланувчиларга фақат 1942 йилнинг 1-2 июлида эълон қилинди.

1942 йил 11-12 августда айбланувчиларга бирор асоссиз Совет ҳокимиятига қарши қуролли қўзғолонни тайёрлаган деган қўшимча айб қўйилди.

1942 йил 12 августда, Тошкентда маҳбусларга туҳматдан иборат қўшимча айб қўйилган кунда, Москвада шу иш бўйича Махсус Кенгаш-нинг қарори чиқарилиб, Хусайнов ва Латипов ўлим жазосига – отувга, Азимов ва Жалоловнинг ҳар бири 10 йиллик муддатли камокка, қолган айбланувчилар эса турли муддатга озодликдан маҳрум қилиндилар»<sup>1</sup>.

«Хат»дан маълум бўлишича, Махсус Кенгашнинг 1942 йил 12 ав-густдаги қарорига биноан Хусайнов ва Латипов отиб ташланган, айб-ланувчи Расулев лагерда вафот этган, судланганларнинг қолганлари эса жазо муддатини ўтаганларидан сўнг чекка жойларда яшаш учун

---

<sup>1</sup> Қаранг: Тарихнинг номаълум саҳифалари. Хужжат ва материаллар. - Тошкент, 2009. – Б. 173-175.

сургун қилинган. Аксилнқилобий жиноятлари учун қораланган шахсларнинг жинойи ишларини қайта кўриш бўйича тузилган Марказий Комитет комиссияси Сотти Ҳусайнов, Юнус Латипов ва Ғафур Расулевни вафотларидан сўнг оқлаган ва қолганлар жабрдийдаларни сургундан озод қилиш ҳақида кўрсатма берган. Руденконинг шу хатидан яна аён бўлишича, мазкур ишни сохталаштирган бош айбдор, «халқ душмани» Кобулов А. хоинлик фаолияти учун СССР Олий Суди Ҳарбий Коллегияси томонидан олий жазога – отувга ҳукм қилинган.

Шуни унутмаслик лозимки, мазкур ишнинг қайта кўрилиши ва бахтсиз маҳбуслардан «миллатчи» ва «халқ душмани» тамғаларининг олиб ташланиши жабрдийдалардан бири – таникли жамоат арбоби Сулаймон Азимовнинг саъй-ҳаракати билан амалга ошган. Аммо қанчадан-қанча жабрдийдалар пок номларини тиклашдек бахтли имкониятга эга бўлмай, совет давлатининг ҳисобсиз азобгоҳларида қолиб кетганлар.

Шу нарса ажабланарлики, Совет давлати урушдан кейинги сиёсий қатағонни фақат СССР ҳудудларида эмас, балки фашизм устидан эришилган ғалаба туфайли ташкил топган социалистик лагеръ мамлакатларида ҳам у ёки бу шаклда олиб борди. Маълумки, совет давлати урушдан кейин таракқиётнинг социалистик моделини «танлаган» бу мамлакатлардаги раҳбар лавозимларга ўзининг таъсир доирасидаги, аксар ҳолларда эса НКВД томонидан ёлланган кишиларни қўйган. Шундай кишилардан бири Польшанинг урушдан кейинги президенти Болеслав Берут эди. Президент вафотидан кейин унинг сейфидан топилган махфий ҳужжатлар орасида НКВДнинг халқ-демократик мамлакатлардаги советпараст раҳбар кадрлар учун тузилган йўриқномаси топилган. 45 моддадан иборат шу йўриқномада, масалан, бундай моддалар бўлган:

«35. Бошланғич ва ўрта мактабларда, бундан ҳам аввал ўрта ва олий ўқув юртларида ўта эътибор қозонган ўқитувчилар ишдан четлаштирилиши лозим бўлади. Уларнинг ўрнига биз томонимиздан белгиладиган кишиларни қўйиш керак.

Фанлар орасидаги фарқ текислаб юборилиши, оригиналлар нашри чекланиши, лотин ва юнон тиллари, умумий фалсафа, мантиқ ва генетика фанларининг ўтилмоғи тўхтатилиши шарт. Тарих дарсларида ўтган сиёсатдонлардан кимлар Ватан равнақи учун хизмат қилишгани

ёки хизмат қилишга уринишгани ҳақида гапириш мумкин эмас; эътиборни фақат подшоҳлар зулми ва уларга қарши қаратилган халқ курашига бурмоқ лозим бўлади. Махсус мактабларда мутахассислик жуда чегаралаб ўтилиши керак.

36. Маҳаллий халқ орасидан чиққан ва инқилобга қадар ёки Иккинчи жаҳон урушигача Совет Иттифоқида яшаган жамоат арбобларининг асарларини нашр қилишга рухсат берилмаслиги керак.

37. Агар бир ташкилот тузилиб, бизнинг давлатимиз билан ҳамкорлик қилиб турса-ю, аммо расмий раҳбариятни, иқтисодий фаолиятни назорат қилишга интиладиган бўлса, уни зудлик билан миллатчилик ва шовинизмда айблаш зарур.

Бу ҳолда қуйидаги усулларни қўллаш лозим: зиёратгоҳ ва мазорларимизни ҳақорат қилишда айблаш; ҳамда биз билан тузган битимларини шубҳа остига қўювчи варақалар тарқатишда айблаш.

Бу ишга маҳаллий аҳолини жалб этиш ва уларнинг бизга нисбатан душманлик руҳидан фойдаланиш лозим бўлади.

...40. Сиёсий рақибларнинг ҳаммаси қамалган бўлиши ҳақида ҳам қайғуриш лозим.

Маҳаллий аҳоли ихлос қўйган ғанимларимизни оғдириб олмоқ ёки қалтакламоқ зарур. Уларни қандайдир қонунни бузганликда айблаб қамаш ёки бахтсиз ходиса деган баҳонаи сабаб билан йўқ қилиб юбормоқ керак...»

Йўриқноманинг шу ва кейинги моддалари билан танишган киши Совет давлатининг СССРнинг миллий республикаларида, хусусан Ўзбекистонда ҳам шу йўриқноманинг ҳарфи ва руҳига тўла асосланган ҳолда иш олиб борганига тўла амин бўлади.

1946–1952 йилларда рўй берган воқеалар яна бир бор республика-миздаги илғор кишиларнинг кўзини очиб, уларни хушёрликка ундади. Совет мустабид тузуми яғодаларнинг ежовлар билан, ежовларнинг бериялар билан, берияларнинг эса яна кимлар биландир алмаштирилиши натижасида ўзгарадиган, ғайринсоний, ғайримиллий ва ғайримаданий пўстлоғидан холи бўладиган тузум эмаслигини яна бир бор намоиш қилди. Зеро, ғайринсоний, ғайримиллий ва ғайримаданий пўстлокни ташлаш билан бирор тузум илғор, инсонпарвар ва тараққийпарвар сиёсий тузумга айланмаган.

40–50-йиллардаги сиёсий компаниялар ва катагон тўғрисидаги фикрларни умумлаштиришдан аввал шу даврда ГУЛАГ лагерларида ва меҳнат посёлкаларида қанча маҳбусларнинг азоб-укубат чекканларига доир айрим рақамларни келтириш мақсадга мувофиқ. Афсуски, бундай рақамлар совет матбуотида эълон қилинмагани сабабли Россия тарихига бағишланган дарслик ва ўқув кўлланмаларининг муаллифлари ҳам хорижий манбалардаги маълумотлардан фойдаланиб келдилар. Шундай асарлардан бири – М.Геллер ва А.Некричнинг «Россия тарихи. 1917–1995» китобида берилган маълумотга қараганда, урушдан кейинги йилларда СССРдаги қамокхона ва лагерларда 8 миллиондан 15 миллионгача киши бўлган<sup>1</sup>. Бошқа бир манбада берилган маълумотга қараганда, 1937 йилдан 1953 йилгача бўлган даврда НКВД органлари «учлиги» қарори билан Ўзбекистондан 100 минг киши қамокқа олиниб, улардан 15 минги отиб ташланган<sup>2</sup>. 1959 йил 1 январгача бўлган вақтда СССРдаги меҳнат-тузатув лагерлари ва меҳнат колонналарида 60 326 та ўзбекистонлик маҳбус бўлган. 1959 йил 1 сентябрга келиб, бу рақам 73 396 га кўтарилган<sup>3</sup>.

Шубҳасиз, бу рақамлар ҳаёт ҳақиқатига мувофиқ келмаслиги мумкин.

Совет давлати 1946–1952 йиллардаги сиёсий кампаниялар ва катагонни амалга ошириш билан, бир томондан, халқни, айниқса, зиёлиларни ўзининг темир панжасида ушлаб турмоқчи, унинг ижтимоий, иқтисодий, маданий ва руҳий ҳаётига хориждан кела бошлаган янги шабадалар олдини олмақчи, иккинчи томондан, қамокқа олинган маҳбусларнинг текин меҳнати билан урушдан вайрон бўлиб чиққан мамлакатни, хусусан, унинг иқтисодини тикламоқчи бўлган. Совет давлатининг бу сиёсий жараёнлардан кўзлаган учинчи мақсади эса халқни доимий кўрқув ва тазйиқ остида ушлаб туриш эди. Зеро, доимий кўрқув остида яшаган халқгина давлатнинг ёлғон ваъдаларига ишониши, ишонмаган тақдирда ҳам ўзини ишонган қилиб кўрсатиши ва давлат орзу қилган овозсиз муте, тобе оммага айланиши мумкин эди.

<sup>1</sup> Қаранг: Геллер М., Некрич А. История России. 1917–1995. Утопия у власти. Книга вторая. Москва: МК, 1996. С. 54.

<sup>2</sup> Қаранг: Известия (газ.) 1990, 14 февраля.

<sup>3</sup> Қаранг: ГУЛАГ: Главное управление лагерей. 1918–1960. Москва: МФД, 2002. С. 446.

Совет давлати ва унинг раҳбарлари бир масалада қаттиқ янглишди: тарихий давр ўзгариб, фашизмнинг янчиб ташланиши билан бирга тарих болтаси совет мустабид давлат тузуми илдизлари узра кўтарилаётган эди.

1953 йил мартида XX асрнинг 30 – 50-йилларида СССРда олиб берилган сиёсий кампаниялар ва қатағоннинг бош ташкилотчиси Сталин ўлди. Аммо у устози Ленин билан бирга барпо этган давлат тузуми 1991 йилга қадар яшашда давом этди. Совет давлатининг Сталиндан кейинги раҳбарлари мамлакатни демократик изга туширишга, миллионлаб бегуноҳ кишиларнинг ёстиғини қурутган қатағон сиёсатини қоралаш ва ундан воз кечишга қанчалик уринган бўлмасинлар, Совет давлатининг моҳияти асло ўзгармай, у мустабид давлат тузумининг мустаҳкам қўрғони бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикаси 1991 йили мустақилликка эришиши билан «Пахта иши», «Ўзбек иши» каби сохта сиёсий кампанияларда айбланиб, беҳисоб лагерларда азоб-укубат чекаётган ватандошларимизни она юртларига қайтариш ва оқлаш ишлари бошланиб кетди. Президент И.А.Каримовнинг иродаси билан ва унинг бевосита раҳбарлигида бошланган бу жараён совет давридаги қатағон қурбонлари хотирасини эъзозлаш ва абадийлаштиришдек хайрли ишлар билан уланиб кетди ҳамда мамлакатимизда бошланган ва муваффақият билан давом этаётган тарихий ҳақиқат ва адолатни тиклаш масаласининг устувор йўналишига айланди.



Бахтиёр ҲАСАНОВ,  
тарих фанлари доктори;  
Баҳром ИРЗАЕВ,  
катта илмий ходим,  
«Қатағон қурбонлари хотираси» музейи

## ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ АСАРЛАРИНИНГ СОВЕТЛАРИНИНГ ҚАТАҒОН СИЁСАТИ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДАГИ АҲАМИЯТИ

Маълумки, Ўзбекистоннинг мустабид тузум даври тарихини ўрганишда Файзулла Хўжаев шахси, унинг фаолияти муҳим ўрин тутади. У ўтган асрнинг 20–30-йилларида шўро давлатининг йирик раҳбарларидан бири сифатида иш олиб борди ва сталинча қатағон сиёсати қурбонига айланди. Умуман, бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар, сталинча қатағонларни баҳолашда турлича қарашларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Умуман, бу давр тарихини мукамал ўрганиш, тарихий адолатни тиклашда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, Президентимиз И.Каримов: «Эл-юртимиз тақдирига дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, халқимиз ва миллатимизнинг яқин ўтмишидаги ёпиқ саҳифаларини тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб, бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантириш, бегуноҳ қурбон бўлган инсонлар хотирасини абадийлаштириш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз»<sup>1</sup>, – дея таъкидлаган эдилар.

Шу ўринда орадан қанча-қанча йиллар ўтмасин тарихий эҳтиёж ва ҳақиқатнинг қиймати олтин сингари ортиб бораверди. Биз бугун сизнинг эътиборингизга ҳавола қилаётганимиз, Ф.Хўжаевнинг ўз даврида яратган асарлари ва улардаги совет давлати ва унинг сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий соҳаларда олиб борган большевикча сиёсатига, унинг муносабатига эътибор қаратмоқчимиз. Аслида унинг қатағон этилишига сабаб бўлган омиллар шу ерда ўзини кўрсатади. Яъни, Ф.Хўжаевнинг кўплаб докладлари ва асарлари қатағон даври тарихини ўрганишда муҳим манба сифатида намоён бўлади. Бугунги кунда бу қимматли асарлар жуда кам миқдорда ва лотин ёзувида бўлиб, муаллифининг «халқ душмани»га айлантирилганидан кейин унинг асарлари ҳам жамоатчилик назаридан четда тutilган эди.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас қуч. Т.: “Маънавият”, 2008. Б.98.

Ф.Хўжаев шахсида жиноят аломатлари йўқлиги ёки сталинча катагон қурбони сифатида оқланганидан кейин, унинг 3 томлик «Танланган асарлари» 1978 йилда нашр этилди. Бироқ, бу асарда ҳам ўз даврида, у ҳақида яратилган бошқа асарлар сингари унинг шахсини аслидан кўра кўпроқ советлаштириш мақсадида тарихий ҳақиқатни яширишга ҳаракат қилингани сир эмас. Бугун истиқлолнинг ҳаётбахш нафаси уфуриб турган шу кунларда халқимизнинг асл фарзанди буюк сиёсий арбоб, оташин нотик, иқтисод билимдони бўлган Файзулла Хўжаевнинг мавжуд асарларини қайтадан ўрганиш, уларни кенг илмий муомалага киритиш, «Танланган асарлари»ни тарихий ҳақиқатни қайта тиклаган ҳолда қайта нашр этиш мақсадга мувофиқ бўларди. Яна бир жиҳати шуки, бугун у билан ўтказилган тергов, сохта гувоҳлар, тухматлар ҳаммаси уюштирилган, тўқиб чиқарилган, олдиндан режалаштирилгани маълум. Адолатсиз тузум кирдикорларини кўрсатиб берувчи бу ҳужжатлар, тергов жараёнлари акс эттирилган жуда кўп материаллар оммага маълум қилинди. Эндиги вазифа уни келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш. Албатта, асл моҳият унинг асарларидадир. Биргина мақолада Файзулла Хўжаевнинг барча асарларини тўлиқ камраб олиш фикридан узоқмиз. Мазкур асарларни ўқир эканмиз, унинг шўро сиёсатига қанчалик «яқин» эканлиги кўз ўнгимизда намоён бўлиб, унинг асл мақсади халқимизни ҳақиқий маънода эрк ва озодликда кўриш орзуси ўз бўйини кўрсата бошлайди.

Ф.Хўжаев «Октябрь инқилобининг ўн йиллигига» деб номланган асарида 1928 йилдаёқ Туркистоннинг чор Россияси мустамлакасига айланиш жараёнини таҳлил этар экан, бу масалага ўз даври учун хос бўлмаган тарзда ёндошади. Мамлакатнинг мустамлакага айлантирилишининг иқтисодий илдизларига эътибор қаратиб, жаҳон савдо капитали равақининг ўзи Туркистоннинг кейинги тараққиётини белгилаб берганлигини, Россия қанчалик мустамлакачилик мақсадида Туркистонга интилган бўлса, Туркистоннинг бой савдо доиралари ҳам бир пайтда тараққий этиш мақсадида Россияга интилганлигига эътибор қаратади ва бу тарихий жараёнларга қуйидагича баҳо беради: «Туркистон тобора Россия бозори билан боғланиб борарди. Бунга яна шу нарса ҳам ёрдам бериб турдиким, Ўрта Осиёга қўшни бўлган давлатлар (Эрон, Афғонистон ва Ғарбий Хитой) ҳам саноат районларидан эмас, балки хомашё районларидан эдилар; Туркистондаги хомашёни

Бўлса бу кўшни давлатлар орқали ғарбий Оврўпонинг sanoатли районларига чиқариш мумкин эмас эди, чунки бир томондан йўл узоклиги, иккинчи томондан арзон ва кулай йўлларнинг йўклиги бунга монеълик қилар эди... Бутун Туркистоннинг асосий иктисоди ва бозори бўлган қишлоқ хўжалигининг экспортга мувофиқланиши шу даражага бориб етдики, деҳқонлар секин-секин ғалла экишдан воз кеча бошладилар; ғалла ўрнига ҳар йил кўпроқ миқдорда пахта экилар эди. Бунинг орқасида нуқул ғалла экиладиган районлар бўлгонлигига қарамасдан Туркистонда ғалла етишмайдургон бўлди. Пахта экувчи аҳолини тўйдириш учун Русиядан олиб келинадиргон ғалланинг миқдори йилига 15 миллион пудга етди. Русиядан келтирилатургон ғалланинг кўпайтирилишига яна шу нарса таъсир бердики, ғалла сероб бўлган районлар (Еттисув, Шаркий Бухоро) арзон кулай йўллар бўлмагани учун ошиқча ғаллани четга чиқара олмас эди (бозор районларга ғаллани етказиш учун уни юз чақиримларча аравада элтишни талаб қилар эди)»<sup>1</sup>.

Аслида бу сиёсат чор ҳукумати томонидан ташкил этилган бўлиб, мустамлака минтақанинг узок муддатли иктисодиётини назорат қилиш ва тўхтатиб туришга қаратилган эди. У шўролар даврида ҳам мазкур сиёсатнинг давом эттирилаётганига алоҳида урғу беради. Орадан ўн йил ўтиб, 1935 йилда ёзган «Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши ҳақида» асарига юқоридаги фикрларини янада тўлдириб, «Ўрта Осиёнинг «вахший» халқларига нисбатан ўзининг маданият келтирувчилик вазифаси ҳақида бутун дунёга кенг шов-шув қилган чор ҳукумати, Туркистонни босиб олгандан кейин, Ўрта Осиё халқларининг ана шу турмуш оқимини ҳақиқатда ўзгартирмади. Бундан икки момент мустасно: биринчидан – у, Ўрта Осиёнинг анчагина қисмини – Фарғонани, Сирдарё водийсини, Зарафшоннинг яримисини (Самарқанд ҳам шунинг ичида) ҳам Закаспий вилоятини ажратиб олиб, уларни Россия империясига бевосита кирғизиб, парчаланган Бухоро ҳам Хоразмни ярим мустақил вассал давлатлар ҳолида қолдирди; иккинчидан – империалистик «маданиятчилар»нинг келуви билан Ўрта Осиё халқларининг меҳнатқашлар оммаси бу «маданият»нинг мевалари билан яқинроқдан бевосита таниша олдиларки, бу мевалар – мустамлакачиларнинг, рус sanoати ҳам молия капиталининг ўз қўли билан, тезда қайтадан

<sup>1</sup> Октябрь инкилобининг ўн йиллигига. Ф.Хўжаев. Ўздавнашр. Самарқанд. 1928. Тошкент, 35-36-бетлар.

курилиб ва мувофиқлашиб олган маҳаллий савдо ва судхўр буржуазия вакиллари оркали ҳам меҳнаткашларнинг меҳнатларини зўр бериб капиталистик йўл билан эксплуатация қилишдан иборат эди. Албатта, капитализмнинг ўзи Ўрта Осиёнинг турмушига кўп янги нарсалар киргизди – телеграф, темир йўллар, кишлок хўжалик хом ашёсини дастлабки равишда, яъни ишлайтурган кичик саноат корхоналари, бир мунча шаҳарларнинг пайдо бўлиши – мана буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёнинг илгариги қиёфасини сиртдан ўзгартди. Бироқ, капитализм Ўрта Осиёнинг тарихий муаммоларидан биттасини ҳам ҳал қилмаслик устида, бирлашган иктисодий районларни (Зарафшон воҳаси ҳам Закаспий вилоятини) империалистик мулоҳазалар юзасидан бўлак-бўлак қилиб бўлиб юборгани орқасида, бир халқнинг ўзини сунъий равишда турли маъмурий территорияларга бўлиб юборишни кучайтирди, ҳам буни келажак бутун давр учун мустақкамлади, Ўрта Осиё халқларининг эзилиш ҳам сиқилиш остида қолишларини янада кўпроқ кучайтирди.

Халқларнинг на миллий, на хўжалик эҳтиёжларига жавоб бермайтурган мана бу ясама маъмурий чегаралар иктисодий нуқтаи назардан яна оғир натижаларга олиб борди. Улар миллий қарама-қаршиликни кучайтирдилар: сувдан фойдаланиш масалаларини ва шунинг сингариларни янада кўпроқ чигаллаштириб юбордилар. Мана буларнинг ҳаммаси ягона натижага Ўрта Осиёдаги турли халқлар ўртасидаги душманликнинг кучайиб боришига олиб борди, Ўрта Осиёдаги айрим районларнинг хўжалик жиҳатидан нормал ўсувларига ҳалал берди<sup>1</sup> (Таъкид бизники – муаллифлар), деб хулосалайди. Албатта, бу жуда ўз вақтида чиқарилган хулосалардан бўлиб, бугунги кунда мазкур муаммолар бизга ҳам бегона эмас. Бир пайтда мустабид тузум тарафдорларининг «маданият келтирувчилик» фаолиятининг ҳам асл башарасини кўрсатиб ўтиб, у «Рус капиталистларининг буржуа «маданияти» ва маданият келтирувчилиги янги шаҳарларнинг чегараларидан нари кетмади: мактаблар, касалхоналар ва маданиятнинг бошқа мевалари Туркистонни босиб олганларнинг мулкига айланади ва имтиёзли капиталистик синфларгагина хос бир нарса бўлиб қолади. Ўрта Осиёнинг ерли халқлари мана бу роҳатларнинг ҳаммасидан ҳам маҳрум эдилар. Уларга нисбатан, рус фатҳчилари келмасдан илгари

<sup>1</sup> Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши ҳақида. Ф. Хўжаев. Ўзпартнашр. Тошкент, 1935. 4–6-бетлар.

хам мавжуд бўлган муассасаларни, эски усул мактабларидан тортиб қозихоналаргача ҳаммасини сақлаб турадилар. Бу соҳада улар томонидан қўшилган ягона нарса – миссионерларнинг ишлари ва русско-туземний мактаблардир»<sup>1</sup>, дейди.

Сталин ҳукумати ўзининг оламшумул муваффақиятлари билан бутун дунёнинг кўзини бўяётган бир пайтда, Ф.Хўжаев совет саноатидаги нооқилона иқтисодий сиёсатни кўрсатиб ўтишдан тап тортмайди. У ўзининг 1934 йилда ёзилган «Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари» асарида, саноатдаги камчиликларни кўрсатиб ўтар экан, жумладан, «Маълумки, бизнинг саноатимиз, айниқса, жумҳурият аҳамиятига эга бўлган саноат, 1933 йилда программани бажармади, баъзи тармоқларда ҳатто 1932 йилги даражадан пасайиб кетди... Бу вазифалар яна, бизнинг саноатимизда ишлаб чиқарилатурғон нарсаларнинг сифатини яхшилаш, ёқув маҳсулотларини иқтисод қилиш, иш кучларидан рационал (тўғри) фойдаланиш ва бошқа йўллар билан боради. Бизнинг саноатимиз шу йўлларнинг барчасида ўз вазифасини бажара олмади.

Бу ҳол, бизнинг саноат корхоналар, трест ва саноат халқ комиссарликларимиз йўлбошчиларининг 1934 йил программаларининг тўла равишда амалга ошириш учун курашдаги масъулиятларини икки ва уч баравар кўпайтирадилар. Ўтган йилги планнинг бажарилмай қолишига асосий сабаб нима? Баъзи бир ўртоклар, бош сабаб ҳам мол ва ёқув нарсаларининг етишмаслиги ҳамда электр кучи билан таъмин этишда корхоналарнинг кўп вақт ишдан тўхтаб узулишларга сабаб бўлганлиги деб кўрсатишадилар.

Мен юкорида кўрсатилган аҳволларнинг кўн ва оёқ кийими саноатига ҳамда Самарқанд шаҳри доирасида жойлашган саноатга бир қадар таъсир этганлигини рад этмайман, лекин мазкур сабабларни ҳеч бир асосиз равишда саноатимизнинг барча ишларида баҳона қилиб олишга ҳеч рози бўлиш мумкин эмас. Масалан, 1933 йилги режани 37,6% бажарган гишт саноатига, Фарғона тўқимачилик фабрикаси ва бошқа бир қатор корхоналарга бу сабабларнинг ҳеч бир даҳли йўқ.

Асл сабаблар, энг олдин, корхоналарда йўлбошчилик ишининг бизда шу вақтгача жуда ёмон қўйилишидан иборат. Бизнинг халқ ко-

<sup>1</sup> Ўрта Осиёнинг миллий чегараланиши ҳақида. Ф. Хўжаев. Ўзпартнашр. Тошкент, 1935. 6-7-беглар.

миссарликлар ва хўжалик ташкилотларимиз корхоналарнинг ишлари-га конкрет йўлбошчилик қила билмадилар, ишлаб чиқаришни чинакам уюштира олмадилар, янги техникани ўзлаштириш, меҳнат унумини юқори кўтариш ва меҳнат интизомини мустаҳкамлаш учун тегишли равишда курашмадилар ҳамда ишчилар оммасига маданият ва турмуш жиҳатидан хизмат қилишга тегишли равишда диққат қилмадилар... Цех мудирлари, кўпинча, халқ комиссарлиги ва трестларнинг йўлбошчиларинигина эмас, ҳатто йўлбошчи составнинг тез-тез ўзгариб туриши натижасида ўз фабрикаларининг директорларини ҳам билмаганлар... Ҳисобга олиш ва назоратнинг йўқлиги бир қатор жуда қимматбаҳо молларнинг ҳам нотўғри сарф бўлишига сабаб бўлди<sup>1</sup>.

1932 йил нашр этилган, «Икки доклад» асарида эса Ф.Хўжаев совет саноатидаги хўжасизликларни тилга олар экан, бу иқтисодий сиёсатнинг умуман нотўғри йўлга қўйилганлигига ва мустамлакачилик характерига аҳамият қаратади. У фикрини асослаш мақсадида қатор далиллар келтиради. «Мен Ильич заводини назарда тутаман. Халқ Хўжалиги Шўроси ва заводнинг ўзига маълум бўлганки, завод режаси бўйича ишлаш учун 50% маъдан етишмайди. Бундан қандай натижа чиқарув керак? Биринчидан, темир парчаларини сафарбар қилиш керак эди. Аммо, шундан сўнг ҳам етишмас экан, у ҳолда заводнинг ишини керакли равишда қайтадан қуриш лозим эди. Халқ Хўжалиги Олий Шўроси билан завод раҳбарияти нима қилади? Улар, илгари тузилган катта режанинг бажарилишига мўлжалланган ишчи кучини ва шу режанинг бажарилиши билан боғланган бутун нарсаларни сақлайдирлар. Натижа нима бўлади? Сарф кўпайиб кетади. Асоссиз иш ҳақлари, иш унуми ҳеч йўл қўйилиши мумкин бўлмаган даражага тушади ва натижада завод ўзининг молиявий аҳволи бўйича оғир аҳволга тушиб қолади ва энди бир комиссарликдан иккинчи комиссарликка югуриб заводни сақлаб қолиш учун банкнинг ёрдами тўғрисида гапирадилар. Фарғона тўқимачилик фабрикасининг ишини олайлик. Унинг бутун иши тажрибавий ишлаб чиқариш бўлиши керак эди. Фабриканинг унча катта бўлмаган ҳажмига қарамасдан, биз уни диққатимизнинг марказига қўйган эдик. Унга зўр сиёсий аҳамият берган эдик. Бу фабрикада нима рўй берди? Икки йилдан бери фойда ўрнига зарар келтириб

<sup>1</sup> Қурилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Ф.Хўжаев. Тошкент. Ўздавнашр. 1934.11-12-бетлар.

ишлаб тургани камдек, кўп бетартибликларга йўл қўймоқда. Фабрика ишидаги тартибсизликлар нималардан иборат? Аввало, механизмлар, дастгоҳлар ва машиналардан хўжасизларча фойдаланиш натижасида унинг эҳтиёт қисмлари зарарланган. Ишчи кучининг оғиб туриши фабрикада 100%ни ташкил қилади, дейиш мумкин. Агар бу кун юз кишини ишга олишган бўлса, бир ҳафтадан сўнг яна юз кишини ишга оладилар, чунки аввалги юз киши фабрикадан чиқиб кетган бўладир. Бунинг сабаби шуки, на Халқ Хўжалиги Олий Шўроси ва на фабрика маъмурияти ишчилар учун ҳеч қандай шароит яратиб бермаганлигидир. Марказдан ихтисосли ишчилар чақирадир. Бу ишчилар ҳам кетишади. Яна қайтадан чақирадилар. Шу билан яна пул сарф қилинади. Колхозлардан келган ишчиларга муносабат ҳам шу. Ишлаб чиқарган нарсаларининг сифати ёмон. Фабрика пахтачилик районининг марказида бўлувига қарамасдан, негадир унга учинчи нав пахта берилиши керак. Яна уни бошқа районлардан олиб келтирилиши керакдир. Ҳолбуки, пахтаи Фарғонанинг ўзидан олиш мумкин. Буни ВХБОнинг Ўрта Осиё бўлими қиладир. Раҳбарлик ҳайъатидан ҳеч бир киши бу тартибсизлик ва жиноий иш тўғрисида на партия, на шўро ташкилотлари олдига масала қўймайдир»<sup>1</sup> (Таъкид бизники – муаллифлар). Шунингдек, асарда қурилишдаги сусткашлик, сансалорликлар, кустар саноатга нисбатан шўролар давлатидаги нооқилона муносабатни танқид қилади.

Қишлоқда сталинча сиёсатни амалга оширилишига ҳам Ф.Хўжаев ўз тажриба ва билимларига асосланган ҳолда муносабат билдиради. У пахта майдонларини қисқартириш ва алмашлаб экишнинг афзалликларига алоҳида эътибор қаратиб, колхознинг иқтисодий базасини мустаҳкамлашга интилади. Кузги шудгор, шўр ювиш ва бошқа радионал усуллар орқали унумдорликни ошириш эвазига пахта майдонларининг тинимсиз кенгайтириб борилаётганига қарши чиқади. У лалмикор ерларда кузги шудгорни сифатли амалга ошириш, омоч билан тирнаб чиқиб, «донни сепиш ва кам ҳосил навлар натижасида ҳосилдорлик 3-4 центнердан ошмайди. Ўша ҳосилнинг ҳам ярми гармсел шамоллари натижасида йўқ бўлмоқда. Яхши навлар учун курашиш лозим», дейди. Айниқса, қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган зўравонликлар ва буйруқбозликларни қаттиқ танқид остига олади.

<sup>1</sup> Икки доклад. Ф.Хўжаев. Тошкент, 1932. Самарқанд. Ўздавнашр. 23-24-бетлар.

У «Икки доклад»да бу масалада тўхталиб, «Ҳолбуки, шундай районлар бор эканки, у ернинг пахтабини 5 мартаба суғориш аини зиёнининг ўзгинаси. Бундай ерлар пасткамлик, зах ерлар бўлиб, 5 мартаба суғорилганда ботқоқликка айланадир. Бундан бошқа нарса чикмайдир. Шундай ерлар ҳам борки, сув жуда пастда бўлиб, ер куриқ бўладир. Бундай ерларни 7 эмас, 8 суғорув керакдир. Бу фойда берадир. Дехқонлар буни билмайдиларми? – Албатта, жуда яхши биладилар. Улар тажрибали. Нега бўлмаса уларнинг тажрибасидан фойдаланмайди? – Чунки, маъмуриятга қараб иш қилиш жуда кўпайган. Вакиллар ўз ёнларида агроном олиб келадилар, аммо улар бу ерни билмайдилар ва бу ерда ўн йиллаб ишлаган дехқон билан маслаҳатлашиш ўрнига суғориш ва чопик тўғрисидаги дерективани механик тарзда амалга оширадилар<sup>1</sup> (Таъкид бизники – муаллифлар)».

Шунингдек, пахта монокултурасига қарши чиқиб, «Курилишимизнинг энг муҳим вазифалари» асарида «Шу билан бирга, кўп мартабалар ўртоқ Бауман докладларида ва Ўртоқ Икромовнинг ушбу қурултойда айтиб ўтган мавзу тўғрисида ҳам айтиб кетишим лозим. Бу мавзу ёлғиз пахтагина экиш масаласидир. Ёлғиз пахта экиш фикрига қарши кураш олиб боришимиз лозим. Экинларимизнинг 90–95 % фақат пахтадан иборат бўлган даврлар ҳеч бир натижага олиб боролмади... Тўппатўғри айтиш керак, бизда пахта масаласини ҳозирги пайтда фақат майдонлар билангина ҳал қилишни истаган ва бу колхоз, участка ёки районда қанча кўп пахта экилса ўшанча яхши деб ўйловчи «сўл»лар бор. Улар колхозчи учун маълум озиқ базаси зарур бўлганида, колхоз оти, хўкизи ёки сигири маълум ем-хашаклар талаб қилганига аҳамият бермайдилар<sup>2</sup>.

Мамлакатдаги сталинча бошқарувнинг қарор топиши натижасида асрий хўжалик умуман тиклаб бўлмас даражага келиб, донли экинлар етиштириш масаласида аҳвол ниҳоят оғирлашиб борди. Боиси обикор ерларнинг пахта майдонларига ажратилиши бу соҳани тобора хонавайрон этаётган эди. Ф.Хўжаев масалани таҳлил этар экан, 1928 йилдан 1933 йилгача обикор ерлардан 349,1 минг гектар донли экин сиқиб чиқарилди. Бу йилларда лалмикор ерлар 773,4 минг гектардан 1118,5

<sup>1</sup> Икки доклад. Ф.Хўжаев. Тошкент, 1932. Самарқанд. Ўздавнашр. 33-34-бетлар.

<sup>2</sup> Курилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Ф.Хўжаев. Тошкент. Ўздавнашр, 1934. 49-50-бетлар.



минг гектарга ортишига қарамай ҳосилдорлик 1 млн пудга камайиб кетганлигини таъкидлайди<sup>1</sup>. Шаҳрисабз районининг Матрид қишлоғидаги «Қизил Октябрь» ва Паркент районининг «Янги турмуш» колхозлари мисолида ғаллакор колхозлардаги аҳволни таҳлил этади. Унда 1931-1933 йилларда мазкур колхозлардаги хўжаликлар, экин майдонлари ва иш ҳайвонларининг йилдан-йилга камайиб борганлигини кўрсатиб, бу ҳолларнинг очиқ сабаби сифатида қуйидагиларни айтиб ўтади. «Маъмурий ўзбошимчалик – бу районлардаги ташкилотларимизнинг бош методидир. Инқилобий қонуниятни ҳам молия бўлими, ҳам қишлоқ шўроси ва ҳам милиция бузиб келмоқда... Биз бу районларда маҳаллий кадрларни вужудга келтиришимиз... Ундан ташқари, ҳозир Марказқўм Халқ Комиссарлари Шўросининг топшириғи бўйича, Ер ишлари Халқ Комиссарлиги район ва ички планлаштирувда қилинган хатоларни, баъзи колхозларнинг кўп, баъзиларининг кам олишлари, якка дехқонларга уларнинг имкониятларини ҳисобга олмай иш юклаш каби нотўғри ҳолатларни тузатиш лозим»<sup>2</sup>, дейди. Фикрини давом эттириб, «Сўз тўғри келганда шуни айтиб ўтишим керакки, ўрмон хўжалиги тўғрисидаги масала, бу ишни амалга қўйиш ҳам... баҳорикор районлар учунгина эмас, балки бошқа нуқтаи назарлардан ҳам муҳимдир. Ўрмон хўжалигини тўғри уюштириш – бизнинг сув бойликларимизни кўпайтириш учун курашдир. Тоғларимизда ўрмон ўтқазсак сув запасларимиз албатта кўпаяжак, бу – ҳеч шубҳасиз ҳақиқат. У фан томонидан исбот қилинган, минг йиллар давомида амалда синалгандир. Бизнинг сув манбаларимизга қарасангиз, ўрмонлар йирткичларча кесиб олинган, ўрмонлардан фойдаланиш ва уларни ривожлантириш ишлари яхши йўлга қўйилмаган жойларда сув сўнгги йилларда камаётир. Ўрмон, ерларимизни қумларнинг ҳаракатидан сақлаш нуқтаи назаридан ҳам катта аҳамиятга эга. Бу масала Хоразм ва Бухоро районлари учун муҳим<sup>3</sup>», деб кўрсатади.

Чорва моллари сонининг кескин камайиб бориши колхозлаштириш жараёнининг сунъий тезлаштирилиши, зўравонликлар ва халққа ту-

<sup>1</sup> Курилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Ф.Хўжаев. Тошкент. Ўздавнашр., 1934.74-бет.

<sup>2</sup> Курилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Ф.Хўжаев. Тошкент. Ўздавнашр, 1934.80-81-бетлар.

<sup>3</sup> Курилишимизнинг энг муҳим вазифалари. Ф.Хўжаев. Тошкент. Ўздавнашр, 1934.59-60-бетлар.

шунтиришда камчиликка йўл қўйилганликнинг оқибати эди. Ф.Хўжаев ҳар қандай ҳолатда мамлакатда обод хўжаликни сақлаб қолиш тарафдори бўлди, у «Биз, умуман ўз олдимизга ушбу вазифани – Шўролар Иттифоқининг асосий пахта базаси бўлган Ўзбекистонни, шу билан бир вақтда, ўзини ғалла билан етарли миқдорда ўзи таъмин қилишга интилиши лозим бўлган ва кучли ғалла хўжалигига молик жумҳуриятга айлантириш вазифасини қўйишимиз лозим, ундан ташқари, Ўзбекистонни катта чорвачилик базасига айлантириш вазифасини ҳам қўя олишимиз, масалани мутлақо ана шундай қилиб қўйиш тўғри бўлажак. Ана шунинг учун, Бухоро районларидаги қорақўл қўйларини сиқиб чиқариш эмас, балки аксинча, бу қўйчиликни ҳар томондан авж олдириш лозим ва шундай қилиш керакки, ҳар бир қолхоз, ҳар бир қолхозчида қорақўл қўйи бўлсин, шундай қилиш керакки, Фарғона, Тошкент ва Самарқанд районларидаги ҳар бир қолхозда қўйрукли қўй бўлсин, шундай қилиш лозимки, Тошкент ва Қашқадарё районларида қорамолчилик ривож топсин. Зарафшон, Шаҳрисабз ва Чирокчи районларида йилқичиликни авж олдириш керак. Бойсун ва Паркент районларида эчкичиликни ривожлантириш лозим... Жун ва тери, бизнинг ҳозиргача ҳам молларга бўлган эҳтиёжи тўла қопланмасдан келаётган қўн ва жун саноатимиз учун энг зарур хомашёдир»<sup>1</sup> (Таъкид бизники – муаллифлар).

Под словом «свой», «наш» надо понимать условное обозначение участника группы Бату. Я Бату уважал как старшего брата, способного поэта, создавшего много хороших вещей. Он меня больше знал и понимал. Я выполнял все его указания безоговорочно. Я поехал с Миртемиром в Фергану в связи с приглашением на свадьбу Хусаинова Сатти. Но основная цель поездки заключалась в другом, т.е. в организации отделения «Кизыл калама».

Перед поездкой в Фергану Бату мне давал установку такого содержания. В Коканде работает участник его группы Наим Саидов. Прежде чем приступить к организации, надо с ним поговорить, кто из молодежи занимается литературной деятельностью, узнать их склонность к национализму. Когда я приехал в Коканд, [меня] встретил Наим Саидов. Я ему объяснил цель своей поездки. Он сказал, что сейчас лето, никого не найдешь и не соберешь никого. Но он постарается собрать, но не обещает. Я тогда ему сказал: «Съезжу на свадьбу в гор. Скобелев, на обратном пути оттуда буду у тебя». Приехал обратно, он [мне] заявляет: «Не могу. Никого из молодежи нет». Тогда я [сказал, что] тебе поручаю организовать это дело и результат сообщить Бату. Он дал мне свое согласие, я уехал в Самарканд.

По линии «Кизыл калама» делал доклад о правом уклоне [в литературе] в Самарканде. Доклад построил так, чтобы не сказать о контрреволюционном происхождении и сущности кулачества, как умирающего класса. Ограничился общими словами, говоря, надо вести борьбу с правым уклоном. На меня на этом собрании обрушился «с критикой» Рамзи, не давая узнать сидящим о намеренно, умышленно сделанном докладе. Рамзи боялся, [что] кто-нибудь из сидящих в аудитории выступит и разоблачит меня самого как правого оппортуниста. Рамзи в своем выступлении защищал меня так, что якобы я не был подготовлен к докладу, поэтому забыл сказать о контрреволюционной сущности правого уклона...

После доклада, на улице, Бату, Рамзи меня ругали за доклад: «Смотри, если такой доклад где-нибудь среди русских сделаешь, [то] в тот же момент полетишь из партии».

Доклад Хамида Алимджана так же был построен, он тоже ограничился общими словами, не разоблачал ни Эльбека, ни Айбека, ни Бату. При желании можно было в их творчестве найти массу националистических примеров, восхваляющих старый быт и т.д... Хамид Алимджан этого не сделал. Однажды вечером ко мне приходит Бату, приглашает меня в гости к Фитрату, я пошел с ним. У Фитрата были музыканты, Эльбек, Кары Якубов, русский преподаватель музыки, было большое угощение. Во время угощения Бату обратился к Фитрату, называя его «домла» – учитель: «Вы [бы] сделали нам доклад в «Кизыл каламе» о истории узбекской литературы». Он Бату ответил: «Ўғлим – сынок, я уже старик. Лучше не беспокой меня, пускай молодежь, образованная в марксизме, делает доклад, я марксизм не знаю. Если я сделаю доклад, потом меня будут ругать в печати». Вот все то, что я знаю о разговоре с Фитратом. Больше я у него не был.

Влияние Фитрата на «Кизыл калам» было только через Бату. Бату к Фитрату ходил очень часто. Бату Фитрата очень уважал, хотел, чтобы он делал доклад, [думал] о вовлечении Фитрата в работу «Кизыл калама».

Я раньше в своих показаниях говорил, больше об этом ничего не имею [сказать].

### **О моих ошибках в области теории литературы**

Я не помню, когда написал статью, посвященную разбору творчества некоторых узбекских поэтов в газете «Кзыл Узбекистон», я там говорил об отношении попутчиков к пролетарской литературе и отрицал существование пролетарской литературы в узбекской литературе, поэтому утверждал, [что] не может быть попутчиков в несуществующей литературе. Пока нет пролетарской литературы, не может быть и попутчиков. Я указал, [что] пролетарская литература еще в зачаточном состоянии. Самое главное, я упустил из виду основные условия пролетарской литературы, как диктатуры пролетариата. В этом гвоздь моей ошибки. Поэтому она является антимарксистской трактовкой во-

проса о создании пролетарской литературы в Узбекистане (см. журнал «Новый Восток» за 1929 г., статью Аршаруни). Это у меня исходило от непонимания основ марксизма-ленинизма в вопросах литературы. Эта теоретическая ошибка является моим недостатком и большим минусом в моей дальнейшей работе в области теории литературы.

### Об убийстве Абида Саидова

В 1930 г. я доходил до такого состояния, что все для меня стало безразлично, поэтому любое показание я подписывал без отказа. Я брал на себя (на очной ставке) показания Хайруллы Аляви о том, что якобы я, по поручению Бату, передал ему яд в конверте и сказал, что это для последующей передачи Насыру Саидову. Я это показание подтвердил. На самом деле никакого яда я не давал, даже Аляви Хайруллу я не видел в жизни ни разу. Он абсолютно мне незнакомый человек. Кроме того, я признал свое участие в разговорах о подготовляющемся убийстве, в чьей квартире, сейчас не помню, т.е. слышал разговор об убийстве Абида Саидова. Все эти мои показания от начала до конца неправильные, не соответствуют действительности. Я и сейчас заявляю: разговор об Абиде Саидове, о его убийстве я нигде не слышал, поэтому я не участник этого дела.

Сирожддин АХМАД,  
санъатшунослик фанлари номзоди,  
«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи

### САЛИМХОН ТИЛЛАХОНОВ

Дунёда шундай инсонлар борки улар ўз жонидан, шахсий ҳаётидан Ватан, эл-юрт манфаатини устун қўядилар. Шу йўлда ишлашдан чарчашмайди. Шу сабабли уларнинг номи асрлар оша яшайверади. Мулла Солиҳбек додхоҳ, Мунавварқори Абдурашидхонов, Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдувоҳид Абдурауф қори ўғли, Фитрат, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон, Убайдулла Хўжаев, Садриддинхон Шарифхўжаев, Заҳириддин аълам Қосимов, Лазиз Азиззода ва уларнинг сафдошлари, издошлари, хусусан, Салимхон Тиллахонов номлари тарихий тимсол даражасига кўтарилган сиймолардир.

Туркистонда маориф, олий таълим, миллий истиқлол ҳаракати, жумладан, «Кўмак» уюшмаси ҳамда «Миллий иттиҳод» ташкилоти ҳақида гап кетганда, албатта Салимхон Тиллахоновнинг номи тилга олинади.

Салимхон Тиллахонов XX асрнинг бошида истиқлолчилик мафкураси остида шаклланган зиёлилардан биридир. У 1898 йилда Тошкент шахрининг Калонхона маҳалласида сувоқчи оиласида дунёга келди. Оилада тўнғич фарзанд, бир укаси ва икки синглиси бўлган. У 1929 йил 25 ноябрда ГПУ терговчиларига берган жавобида шундай дейди: «Укам Хўжахон «Туркипак»да инструктор бўлиб ишлайди, синглим Хосият 21 ёшда, Арслон қори Валиевга турмушга чиққан. Куёвим Самарқанддаги мактабларнинг бирида ўқитувчи. Унинг отаси Валихўжани илгари (Тошкентда) эски шаҳарда баққоллик дўкони бўларди. Хосият ҳозирги пайтда «Қизил Ўзбекистон» газетасида муҳаррир бўлиб ишляпти. У коммунистик университетни битирди. Иккинчи синглим Ибодат 50 ёшда, уй бекаси, Ҳошимхўжа Абдурауфхўжаевга турмушга чиққан. Зах мавзеида 7 таноб ери бор. Шу жойда дехқончилик қилади. Унинг уч ўғли бор: 1) Саидахмад Абдурауф Хўжаев, 25 ёшда, у ҳам хўжалик билан шуғулланади; 2) Саидазим Абдурауф Хўжаев, 22 ёшда, Бешёғочдаги ўн йиллик мактабда ўқитувчи, учинчисини билмайман. Она томондан қариндошлардан менга маълумлари: тоғам Абдуллахўжа, 50 ёшда, дурадгор, вафот этган. Ўғиллари бор: 1) Асадулла Абдуллахўжаев, тахминан 30 ёшда, этикдўз, она томондан ўғай тоғам – Баҳриддинхўжа сартарош. Ота томондан қуйидаги қариндошларим бор: амаким Рустамхон – сувоқчи, унинг 4 ўғли бор: 1) Аъзамхон Рустамхонов 27 ёш, ўқитувчи, Никольск кишлоғидаги 2-босқич ўзбек мактабида ишлайди, сиёсий кифаси йўқ тоифа; 2) Акрамхон Рустамхонов, 18 ёш, Маскавда ўқийди ва Мансурхон 13 ёшда, 1-босқич мактабда ўқийди».

Салимхон Тиллахонов дастлаб Ҳасан қори Хоний ва Эшонхўжа Хонийнинг янги усулдаги мактабида савод чикарди, кейинчалик Мунаввар қори мактабида ўқийди. 1917 йилда қисқа муддатли ўқитувчилар курсини тугатиб, мактабларда ўқитувчилик қилади. Рус, форс, умумтуркий тилларни пухта ўргангани ва эгаллайди, 15-16 ёшларида маданий-маърифий ишларда иштирок эта бошлаган, хусусан, 1914–1917 йилларда «Турон» труппасида иштирок этиб, кичик, эпи-

зодик ролларни ўйнаган. Унинг тиришқоклиги, фикрлаш доирасининг кенглигини кўрган устозлари Абдуваҳҳоб Муродий ва Қаюм Рамазон билан бирга Боку шаҳридаги педагогика техникумига ўқишга юбордилар. А.Муродий – зироат, Қ.Рамазон – тил-адабиёт, С.Тиллахонов – иқтисод бўлимларида ўқиб, шаҳодатномани қўлларига киритиб, 1918 йилда Тошкентга қайтиб келадилар ва ўрта мактабларда ишлашни давом эттирадилар.

Тиллахонов ва Муродий ўқитувчилик билан кифояланмай мактабларда кенг қулоч ёзган бойскаут программасини амалга оширишда ҳам фаол қатнашган. Жумладан, «Изчилар» тўдасида иштирок этиб, А.Икромов, Боту, Ф.Умаров, Саид Аҳрорий билан бирга ёшларни касб-хунар, ҳарб ишларига тайёрлаган, уларда юксак маданиятни тарбиялаб, ватанпарварлик руҳини мустаҳкамлаган. Ўзбекпочта хизматининг собиқ ходими Мирхалил Каримов 1930 йил 20 апрелда Масковдаги Бутирка камоқхонасида берган кўрсатмасида 1919 йилда «Изчилар» тўдасида бўлгани ва Салимхон Тиллахоновдан сабоқ олганини айтади.

1918–1920 йилларда Тошкент эски шаҳар маориф бўлимида, Маориф халқ комиссарлигида, Миллатлар халқ комиссарлигида турли лавозимларда ишлаган, Хотин-қизлар институтида мудир вазифасини бажарган. 1918 йилда «Турк адам марказият(Мусовот)» фирқасига аъзо бўлиб, миллий озодлик учун курашчилар сафига кўшилган. 1921 йилда Ўрта Осий давлат университетининг иқтисод факултасида таҳсил олади, 1923 йили Мунаввар қори Абдурашидхонов ва бошқалар билан бирга «Нашри маориф» уюшмасини ташкил этади, шу йўналишда қизғин фаолият олиб боради ҳамда университет студентлар ва ерлилаштириш кўмиталарини бошқаради. У университетда ўқиш ва ёшларга раҳнамо бўлиш билан чекланмай, айна пайтда иқтисод асослари фанидан дарс беради. Кейинчалик ўқилган маърузалари, олиб борган илмий изланишлари натижасида «Молия ва иқтисод фанлари асосий предмети» асарини яратади. Афсуски, бу асар ёруғлик юзини кўрмай ГПУ хоналарида қолиб кетди. Қамоққа олиниш арафасида «Ўлка мева-вино уюшмаси» ташкилий бўлимида инструктор вазифасида ишлаган.

Салимхон Тиллахонов ўз халқини ва ватанини жонидан ортиқ кўрган. Бу унинг дўстлари Қаюм Рамазон, Абдуваҳҳоб Муродий билан бирга 1918 йилда Озарбойжонда нашр этиладиган «Очиқ сўз» газетасида барча туркий халқларга мурожаат қилиб, ўзбеклар «сарт» эмас, бу сўз



ҳақорат эканлигини англатиб, мақола ёзганидан ҳам сезилади. У севгиси каттик бўлгани учун ҳам 1920 йилда Бокуда ўтган Шарқ халқлари съездида иштирок этди. Съезд кунлари Мунаввар қори раҳбарлиги остида Туркистон вакиллари сафида бўлиб, Анвар пошо билан учрашди. Мустамлакадан қутулиш, бошланган курашнинг нечоғлик асосли эканлигига ишонч ҳосил қилиш учун Анвар пошого Туркистон ҳаётида содир бўлаётган воқеалар, Бухоро ҳаёти, мужоҳидлик ҳаракати ҳақида саволлар беради. Анвар пошодан – тажрибали кўмондон ва маълум миқдорда сиёсатчидан саволларига қониқарли жавоб олиш уни сиёсий курашда собит қолдиради. Шу боис 1920 йилдан то 1923 йил охиригача «Миллий иттиҳод» махфий ташкилотидида иш олиб борди. Гарчи у ташкилот марказий ҳайъатининг аъзоси бўлмаса ҳам барча ишлар унинг қўлидан ўтарди. Вилоятлардан келган вакиллар топшириқни кўпинча ундан олишган.

1924 йилда Ўзбекистон шўро жумҳурияти барпо этилгач, «Миллий иттиҳод» ташкилотининг фаолияти тўхтатилади. 1923 йилда ишлаб чиқилган ва ҳукуматнинг расмий руҳсати билан фаолият бошлаган «Нашри маориф» уюшмасининг аъзоси сифатида маориф соҳасида иш олиб боради. Аммо ўзбек халқига нисбатан иккиюзлама сиёсат олиб бораётган марказ бу уюшманинг ишларини тараққий эттиришга имкон бермайди.

1925 йилда Маориф кўмиссарлиги Ўзбекистон Молия кўмиссарлигига Тошкент вилоятида молия курсини ташкил этишни таклиф қилади. Шу таклифга биноан Салимхон Тиллахонов 1928 йилгача шу курсда мудир вазифасида ишлайди. 1929 йил 6 ноябрда собиқ «Миллий иттиҳод» аъзоларидан 26 нафар киши, шулар қатори Салимхон Тиллахонов ҳам қамоққа олинади. 1929–1930 йил июнь ойларигача у қўйилган барча айбларни рад этади, ўзини тўла бегуноҳ ҳис этади. Сўроқларда ўзини ҳимоя қилади. Аммо ГПУнинг Ўрта Осиёдаги тўла ваколатли вакили Бельский билан Мунаввар қори Абдурашидхонов ўртасида бўлиб ўтган кескин суҳбатдан сўнг атоқли жамоат арбоби, ватан фидойиси бир амаллаб сафдошларига махфий хат чиқариб, агар кўрсатма бермасалар, бутун ўзбек халқини бошига катта кулфат тушишини, кўп одамлар гуноҳсиз қурбон бўлишини маълум қилади. Ўзи қамоқхонадошлари орасида ҳам бу фикрни тарқатиб, халқни сақлаб қолишга ундайди. Бельский, унинг ёрдамчиларидан Агидуллин ва бошқалар жисмоний қийноқни жорий этадилар. Шундан сўнг очлик,

калтаклаш, карцер ва узлатда саклаш, очлик, конвейр услубида тергов олиб бориш натижасида махбуслар сўроқларга юзаки шаклда бўлса-да, аслида тарих учун хотира ва жавоб ёзиб қолдирадилар. Қаттиқ азоб ва босим остида мажбурлаб ёздириб олинган бу хотиралар яхшилаб ғалвирдан ўтказилганда, миллатимиз вакилларининг ҳақиқий жавоблари маълум бўлади. Салимхон Тиллахонов ҳам 1930–1931 йил мобайнида кўп хотиралар ёзган. Унинг ёзганлари орасида ГПУ ходимлари тазйиқ ва босими остида мажбуран киритилган гпучиларнинг фикрлари ҳам бор. Миллий зиёлиларимизнинг ватан озодлиги учун кураш тарихидан, уларнинг инқилобий ахлоқ умдаларидан (принцип), шўро ҳуқуқшуносларининг «одам бўлса, бас, айблаш учун «Иш» топилади», деган ақидасидан беҳабар кишилар махбусларни ноўрин айбашлари ҳеч гап эмас. Шу боис уларнинг хотираларини «бир-бирини сотиш» нуқтаи назаридан эмас, балки «ҳақни ноҳақдан ажратиш» мулоҳазасидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ олиб бориш лозим. Жумладан, Салимхон Тиллахонов хотираларига ҳам.

Хотираларда Тиллахоновнинг жумхуриятимизнинг пешқадам зиёлилари билан дўст бўлгани яққол сезилади. Шарқшунос олим Лазиз Азиззода 1931 йил 3 февралда берган кўрсатмасига қараганда, С.Тиллахонов 1927 йилда Самарқандга хизмат сафари билан борган. Шу чоқда у Самарқанддаги Вершчагинский кўчасидаги Раҳмон Бердиев уйида самарқандлик зиёлилар – Шоқобил Камолов, Абдухат Маъруфжонов, Вадуд Маҳмуд билан кўришади. Ҳатто Вадуд Маҳмуд ва Ҳожи Муъин уйида меҳмон бўлади. С. Тиллахоновнинг ўзи ёзган хотираларда ҳам унинг кўпгина таниқли кишилар билан дўст бўлгани кўзга яққол ташланади. Юқорида номи тилга олинган М.Каримовнинг хотирасига қараганда, С. Тиллахонов 1926 йилда ўтган Абдулла Қодирий судига ҳам бефарқ қарамаган. У Каримовдан В.Маҳмудга махсус хат юборган ва суд жараёни билан қизиққан. Қодирийга ёрдам кўрсатиш масаласида бош қотирган, лекин хати В.Маҳмудга етиб бермаган. М.Каримов хатни вақтида топшира олмаган.

Улуғ инсон хотиралари жуда катта ҳажмда бўлиб, унда 70 нафарга яқин замондошлари, ҳаммаслақлари ҳақида қисқа-қисқа маълумот-тавсиф беради. Хусусан, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Убайдулла Хўжаев, Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Ғулом Зафарий, Санжар Сиддик, Қайом Рамазон, Лазиз Азиззода, Ғози Юнус каби зиёлилари-

миз олиб борган тенгсиз кураш ҳақида маълумот бор. Сабаби шундаки, Мунаввар кори Абдурашидхонов 1929 йил тахминан август ойларида, яъни қамалишидан уч ой олдин уни чақириб, «Турли шахсларнинг қўлида йиғилган ташкилот ишига оид ҳужжатларни тарих учун тўплаш» керак дейди ва Толибжон Мусабоев, Ғофуржон Мусахонов, Тангрикул Мақсудий, Убайдулла Эргозиев, Лазиз Азиззода, Миродил Мираҳмедов, Эшонхўжа Хоний, Носир Саиднинг укаси, Шаҳобиддин Аҳмедов қўлида сақланган архив ҳужжатларини олиб, жамлаб, ҳеч ким билмайдиган бир узокроқ кишлок жойга яшириб қўйишни топширади. Аммо у ҳужжатларни тўплашга улгурмайди. Чамаси ана шу кезларда Салимхон Тиллахонов ўзи билган кишиларни бирма-бир кўз олдидан ўтказиб, нималарнидир ўрганган. Шу боис бўлса керак, ўзи таниган, билган кишилар ҳақида ихчам маълумотлар эзиб ўтади.

Салимхон Тиллахонов тарихчи бўлмаса-да, ўз даврининг сиёсий тарихини, воқеаларни батафсил ҳикоя қилади. Хусусан, 1919-1920 йилларда фаолият олиб борган тўдалар ҳақида қизиқарли маълумот беради. У «Туркистон миллатчиларининг асосий мақсади» хотирасида кундалик сиёсий воқеалар, уларнинг фаоллари тўғрисида гапириб ўтаркан, тўдалар хусусида шундай ёзади: «Овруполилардан кутулиш лозим» деган сўзни сўзлар эдилар. Бунинг учун тутган тактикалари: энди ёшларни яхшироқ ташкил қилиш, «Иттиҳоди тараққий» фиркасини мустақамлаш ва барча ёшларни тўплаш, ҳукумат ишида ишловчи ёшларни ўзларининг ҳимояларини остига олиш, мактабларда болаларга ҳарбий маълумот ўргата боришда ҳар қайси мактабларда йигитлардан тўдалар ташкил қилиб, ҳарбий таълимотлар ўргата бориш, мактабларда болаларга, тўдаларда йигитларга миллий руҳ бериш, миллий маршлар ва миллий шеърлар ўргатиш, булардан ташқари йиғинларда, «гап»да бошқа турли тўплашларда миллий тарбия бериш чораларини кўриш бўлди. Ишлар жуда очик суратда ишланур эди...

Бинокорлар союзини(нг) катталаридан бўлгон Акбархўжа Қосимхўжаев, Мирсоат Маллабоев, Асом Жалолийлар ҳам «Иттиҳоди тараққий»ни(нг) аъзолари дейилса мумкин, эди. Чунки булар тўғри «Иттиҳоди тараққий»ни(нг) аъзолари бўлмасалар ҳам шунинг томонидан ташкил қилингон Саид Аҳрорий бошлик бўлуб идора қилингон «Изчи» тўдасини(нг) аъзолари эдилар. «Изчилар» тўдаси, «Темур» тўдаси, «Тараққий дарнаги», «Турк кучи», «Турон кучи» – бир неча

тўдалар ташкил қилдилар. Бу тўдаларнинг ёнларида, «Иттиҳод ва тараққий»ни(нг) ишончли кишилари ила турк зобитлари турар эдилар. «Изчи» тўдасида Муҳаммад Саид Аҳрорий бошлиқ эди. Бунинг ёнида ёшлардан Абдувахҳоб Муродий, Раҳим Иноғомов, Акмал Икромов, қарироклардан Маллабоев, Акбархўжа Қосимхўжаев ва Мунаввар қори, ман ўзум, Абдулхай Тожиев ҳам шул «Изчилар» тўдасига аъзо ҳисоб қилинур эдилар. «Темур» тўдасининг бошида Ҳайдар Шавқий бўлуб, унинг ёнида Отахон Назирхўжаев, Шоисхоқ қори, Юсуфжон Исҳоқжонов, Қаюм Рамазон, Хатибзода, Лутфулла қори, Юсуфбек ва шуларга ўхшаш бир нечалари турар эдилар. «Турк кучи» тўдасида Шукрибек бошлиқ бўлуб, теварагида Тангрикул хожи, Йўлдош Ҳожизода, Махмудхўжа Нурий ва бошқалар турар эдилар. «Тараққий дарнаги»да Абдурахмон (Исмоилзода – С.А.) афанди бўлуб, бунинг ёнида Абдуллажон Зиёбоев, Муҳаммадёр Умаров, Насриддин Олимув ва бошқалар турар эдилар. «Турон кучи»да бошлиқ Ғолиббек ва Рожий афандилар бўлуб, буларни(нг) ёнида Исроилжон Иброҳимов, Саъдуллахўжа (Турсунхўжаев) ва бошқа анча киши бўлур эдилар. Тўдаларга олинадурғон кишилар мактаб ёшидан ошган йигитлар ва йигитлардан катталари ҳам жуда кўб бўлур эди. Бу тўдаларга эски савдогарларни ўзлари ва ўғуллари ҳам жуда кўп киргон эдилар. Тўдалардаги бошлиқлар, муаллимлар ва бошқалар тўдаларни ўзини тарбия қилиши лозим эди. Тўдаларни ўзларини тарбияси эса бутунлай ўқуш, лексиялар эшитиш, фанний ва илмий саёҳатлар қилиш, ҳарбий маневралар қилиш, ҳар турли ҳарбий усуллар ўргатиш, муомалаларни билиш, ўзларини тартибли сурагда олур юришни билиш, эски хурофотлардан сақланишни билиш ва бутунлай янги тартибга кириш эди. Тўдалар томонидан халқни тарбия қилиш бўлса, театрулар қўйиш, кечалар ясаш, намойишлар кўрсатиш ва шул театру кеча ва намойишлар ва ҳар турли миллий ташвиқотлар қилиш ва халқни маорифга ва янги турмушга чақириш, эски хурофотлардан ажратиш эди. Бундан ташқари ҳар қойси тўда аъзоси ўз маҳалласидаги тўда аъзолари ила бирлашуб маҳалла болаларини мактабга юбортириш ва катталарни ҳар турли ишларни енгиллатуб, оларга ёрдам қилиш ва қўлидан келган маслаҳатини бериш ва олар олдида тўдаларнинг эътиборини кўтариш ва ўзлариға миллий рух бериш ҳаракатида бўлур эди».

Дарҳақиқат номлари зикр этилган тўдалар, уларнинг театр ва музика бўлимлари, мутахассислик олган йигитлари миллий маданият ва sanoat ривожига катта хисса қўшдилар. Театр ва музика бўлимларидан Аброр Ҳидоятлов, Босит Қориев, Фатҳулла Умаров, Сайфи қори Олимов, Обид Жалилов, Раҳим Пирмухамедов, Қурбон Чорбоев, Мансурӣ, Музаффар ота Муҳамедов каби артистлар, бастакорлар, Хуршид Шарафиддинов, Абдурахмон Исмоилзода, Марди Нуриддинов сингари номлари унутилган ва унутилмаган драматурглар етишиб чиқдилар. Бу ҳаракатнинг авж олиши, кенг тарқалишида Салимхон Тиллахоновнинг ҳам ўзига хос ўрни бор, албатта. Чунки у Тошкент эски шаҳар маориф бўлимининг кўмиссари бўлиб турган кезларда зикр этилган тўдалар ниҳоятда фаол ишладилар.

Фидойи инсон Салим Тиллахонов хотиралари ниҳоятда оғир жисмоний-маънавий босими остида ёзилганига қарамай, миллатимиз истиқлол учун олиб борган кураш саҳифалари бўлиб қолади. Унинг дастхатига диққат билан разм солган киши фикримизга тўла қўшилишади, деб ўйлаймиз. Бирок қийноқлар остида ёзилган тарих миллатимизнинг тўлиқ ва ростгўй тарихи, деб айта олмаймиз. Чунки таъкидлаганимиздек, хорлик ва хўрлик билан ёзилганига қарамай, унда гуруч ичига тушиб қолган қора тошдек ГПУ терговчилари томонидан мажбурий сингдирилган фикрлар ҳам йўқ эмас...

Салимхон Тиллахоновнинг ўзи ёзган «Хотиралар», турли шахслар томонидан берилган кўрсатмалар, тергов материалларига қараганда, «Миллий иттиҳод» ташкилоти 1923 йил охири, 1924 йил ўрталарида ўз фаолиятини расмий тўхтатганига қарамай, 1927 йилгача маориф соҳасида миллий кадрларни етказиш, уларни давлат ишларига ўрнаштириш масаласида ўз маслақдошлари билан бирга иш олиб борган.

Миллат учун ҳаётини гаровга тикиб хизмат қилган барча ватанпарварлар ГПУ қаттоллари томонидан ғайриинсоний қийноқлар билан ўз-ўзига бўҳтон қилишга мажбур этилган бўлсалар-да, лекин уларнинг ҳаёти сақлаб қолинмади. Салимхон Тиллахонов ҳам устози Мунавварқори Абдурашидхонов, сафдошлари Саид Аҳрорӣ, Тангрикул Максудӣ, Мирзағофир Мусахонов, Асадулла Хўжахонов ва бошқалар билан бирга Масковдаги Бутирка камокхонасида кечирган азоб-укубатлардан сўнг 1931 йил 25 апрелда Масковдаги Ваганково

кабристонида отилди. Узоқ йиллар давомида унинг покиза номига лой чапланди, тухматлар килинди. Фақат миллий мустақилликдан сўнг унинг номи тикланди.

Ҳа, Салимхон Тиллахонов ҳам, сафдошлари ҳам мисли қақнусдек дунёга қайта келиб, номлари тикланди. Чунки улар ўзбек-турк зиёлиси қандай зиёли инсон эканлигини мустамлакачиларга кўрсатиб қўйишдан ташқари, чин миллат зиёлиси қандай бўлиши кераклигини авлодларга мерос қолдиришди. Шу боис уларнинг руҳи доим бизга ҳамдам.

## УЗЛАТДА БИТИЛГАН ХОТИРАЛАР (ПАРЧАЛАР)

**АБДУРАУФ ФИТРАТ<sup>1</sup>**

**20 август 1930 йил**

1919–1920 йилларда Фитрат ўзига алоҳида тўда килуб, «Чигатой гурунги» исми<sup>2</sup> ила бир гап ҳам уюшма ташкил қилғон. Шул воқтда шул «Чигатой гурунги»ни мақсади тор миллатчилик, ўзбекчилик бўллуб, бутун қилғон ишлари шул тор миллатчилик, ўзбекчилик билан кетғон.

«Чигатой гурунги»нинг бошлуғи Фитрат ўз ёнига ўшал воқтдаги ёшларнинг янги ўсуб, етишуб кела турғонларидан энг иктидорли кучлиларини тўплаган ва ҳам оларни ўз фикрига, яъни холис ўзбекчилик асосига бўйсундириб, тарбия қила борғон. Чунки ул воқтда Фитрат маъмурий ишларда эмас эди. Унинг қиладурғон иши ёлғуз муаллимлик эди ҳам эски шаҳардаги Машраб (номидаги) мактабининг мудури эди. Шунинг учун Фитратнинг ўшал вақтда асосий қиладурғон иши тарбия ва театру ҳам бошқа китоблар ёзиш бўлди. Бу китоб ёзишга сабаб бўлғон нарса ҳам Фитратни театру ишига ҳавас қўйғонлиғидан ёки театру ишининг яхши кўрганидан эмас эди. Ўшал воқтда уни теварига йиғилғон ёшларни бир бўлаги Абдуманнон Мажидуф, Қудратулла Юнусов ҳам булардан бошқа театру ҳаваскорларининг тўдаси бўлғон.

---

<sup>1</sup> *Абдурауф Фитрат* (1886–1938) – ўзбек шоир ва драматурги, адабиётшунос олим, давлат ва жамоат арбоби.

<sup>2</sup> “*Чигатой гурунги*” – 1919 йилда Фитрат томонидан ташкил этилган адабий уюшма ва шу уюшма нашр этган газетанинг номи.

«Карл Маркс»<sup>1</sup> тўдасини барча аъзолари деярлик Фитратнинг атрофига тўпланган эдилар. Шунинг учун Фитрат бир томондан олорга, яъни артистларга театру китоби ёзуб иш топуб берса, иккинчи томондан, ўзининг асосий мақсади бўлгон ўзбекчиликка ёзув ила ишлаган. Чунки ёзгон китобларининг барчаси ҳам бир томондан эски турк тарихининг энг жозибадор қисмларидан бўлиш ила баробар соф ўзбек ва чигатой сўзлари ила ёзилгон, яъни унинг китоблариндаги жумлаларнинг барчаси ҳам форсча ва арабча сўз қотуштирилмасдан ёлғуз турк сўзларидан мураккаб қилингон жумлалардур.

Мана шул йўл ила Фитрат ўз маслакинда ишини давом этдирган. Ўзбек ёшларини ўз исмларини ўзгартиришлари ҳам шул вақтдан бошлангон ва ҳозир ҳам давом этуб келаду. Масалан, биринчи мартаба Фитрат ўз теварагига йиғилгон ёшларни кўпларин отларини бошқа қилгон. Оларга ўз исмларини ўрнига янгидан қўйилгон исмлари ҳам эски турк тарихидаги машҳур кишиларнинг исмлари ёки хос турк исмлари бўлгон. Мисол учун шуларни кўрсатмак мумкин. Абдуқаюм Рамазоннинг исми «Ўқтам»<sup>2</sup>, Абдуманнон Мажидийни – «Уйғур», Маҳмуд Максуд – «Боту»<sup>3</sup>, Машрик Юнус – «Элбек»<sup>4</sup>, Абдулҳамид Сулаймон – «Чўлпон»<sup>5</sup> ва Абдубосит ўзиға «Санжар»<sup>6</sup> исмларин қўйгон. Шул ўзгартуриш шундан бошлаб ҳозир ўқувчи ёшларнинг орасинда от ўзгартиришлар давом этаду.

Фитрат мана шундай тор миллатчилик йўли ила ишга киришиб кетган. Шунинг учун Фитратни теварагинда бўлгон ёшлар ҳам жуда

---

<sup>1</sup> Маннон Мажидий-Уйғур (1897–1955) – драматург, режиссёр, ўзбек малакали театрининг ташкилотчиси. Қудратулла Юнусов (1897–1937) – “Турон” труппаси актёри, Москвадаги Китоб палатаси ходими. “Турон” труппаси шўро ҳокимияти сиёсати босимини сўндириш учун 1920 йилда Карл Маркс номи билан аталган.

<sup>2</sup> *Қаюм Рамазон* (1901–1938) – тилшунос олим, “Ўзбекча тил сабоқлиги”, “Наҳв” муаллифларидан бири, театр танкилчиси, актёр.

<sup>3</sup> *Маҳмуд Ҳодиев (Мақсудов)* – *Боту* (1904–1938) – Ўзбекистон Маориф халқ комиссари ўринбосари, шоир, “Аланга” журнали муҳаррири.

<sup>4</sup> *Машрик Юнусов – Элбек* (1898–1938) – шоир ва муаллим.

<sup>5</sup> *Абдулҳамид Сулаймон – Чўлпон* (1897–1938) – шоир, драматург, мунаққид (Отасининг исм фамилияси Сулаймонқул Юнусов, вафоти 1929 й.) шоир “Чўлпон” таҳаллусини 1914 йилдан қўллаган Фитратга алоқаси йўқ.

<sup>6</sup> *Сиддиқов Босит – Санжар* (1901–1938) – журналист ва таржимон, “Таржима назарияси асослари” китоби муаллифи.

холис ўзбекчи бўлиб ўсганлар. Эски жадидлик даврида ёшлар Мунаввар қори атрофига қандай тўпланган бўлсалар кейинги «Чигатой гурунги» вақтидан бошлаб ҳаттоки ҳозиргача жуда зўр ва кучлик ўзбек ёшлари Фитратни теварагига йиғилгон. Бу йиғилгон ёшларни орасинда яхшигина кучга эга бўлгон Абдуқаюм Рамазоний эди ва ҳам Фитратнинг энг яқин ўнг қаноти эди. Шунинг учун ҳам унинг исмини «Ўктам» деб қўйгон. Абдуқаюм Рамазоний ҳам Фитратга тил ва адабиёт ишларинда ва бундан ташқари «Чигатой гурунги»нинг барча ишларида жуда кўб ёрдам берган. Шунинг учун ҳар вақт ҳам Абдуқаюм Рамазонийни «Фитратнинг нойиби» деб юргузилмоғи мумкин (Абдуқаюм Рамазоний ҳам Фитрат ҳақинда илгариги ёзувларимда ҳам кўброк ёзуб ўтганман. Шунинг учун озорни янадин ёзгонимда такрор бўлиб қолиши учун ёзмайдурман).

Фитратнинг яқин кишиларидан бири Қаюм Рамазонийдан кейин Элбекдур. Чунки Элбек ҳам яхши муаллимлардан ҳисоб қилинур эди. Хусусан, уни табиатида шоирлиғи борлиғидан тил текширувда жуда ҳаваскор эди. Шунинг учун Элбек ҳам Фитрат ила бирга ишлашда Қаюм Рамазонийдан қолишмагон, баробар ишлаб келган, балки баъзи ўрунларда Элбек шоир бўлгонлиғи учун Қаюм Рамазонийдан кўра кўпроқ ишлаган. Албатта, Қаюм Рамазонийни ҳам Элбекни ишлаган ишлари ёлғуз адабиёт ила баробар ўзбекчилик учун кўпроқ ишлаганлар. Ҳар ҳолда «Чигатой гурунги»нинг бошлуғи Фитрат бўлса, унинг икки қаноти шул икки киши Абдуқаюм Рамазоний ҳам Элбек бўлгонлар. Бунинг сабаби Абдуқаюм Рамазоний ила Элбеклар русчани жуда кучсиз билгонлар. Буларни кўб уринган нарсалари арабча ила форсча бўлгон.

Худди Фитрат ҳам шуларга ўхшаш русчадан мутлақо хабарсиз ва арабча, форсчани мукамал билгувчи, бунинг устига ўзи Истамбул «Дорулмуаллимин»ини тамом қилуб, турк маданияти ила жуда ошно ҳам Бухоро ёшларини(нг), жадидларининг энг биринчи кишилариндан бўлгонлиғи учун буларни бир-бирлари ила ишлари ўзлари учун жуда енгиллик берур эди. Фитрат бўлса, буларни ишга солуб, ишлатиш баробарида яна тарбия қилиб борур эди. Абдуқаюм Рамазоний ҳам Элбекни мияларинда жуда кўб ўрин олгон нарса ҳам яна шул Фитратни тарбияси бўлгон ва ҳамавақт ҳам бўлса, Фитратни кўрсатган йўли ила юрадургон бўлуб қолгонлар ва Фитратнинг таъсири остида ўзларининг миллий мафқураларини ва адабий кучларини ошурганлар.



Боту ҳам Саидахмад Назирув<sup>1</sup>лар бўлсалар, «Чигатой гурунги» вақтида илмий кучлар оз ҳам арабча ва форсчага Абдуқаюм Рамазоний ва Элбекларга ўхшаш усто бўлмагонлиқлариндан Фитрат ила жуда кўб ишлашмаганлар. Балки Фитратда жуда яхши ўқуғонлар. Фитрат ҳам буларни иктидорларини ўткурлигини билуб, келажак учун тайёр қилғон. Ҳақиқатан Боту ва Саидахмад Назирувлар жуда яхши ўзбекчи ва илмий кишилар бўлуб етушгонлар, хусусан, Боту шеърда ва ёзувда жуда яхши ва ўткур бўлуб етишган. Мундан тошқари, Боту илгари вақтда «Иттиҳоди тараққий» ва «Миллий иттиҳод»ни аъзоси бўлғон. Ул воқтда уни оти Боту бўлмасдан Махмуд Максудов эди. Шундай қилуб, Ботунинг ўзи эски миллатчилардан бўлғонлиғи учун Фитратни тор миллатчилик йўли бўлғон ўзбекчилик йўлига яхшигина киришуб кетган.

Боту Саидахмад Назирувга қарағонда ва балки янги ёшларнинг кўпига қарағонда жуда пишиқ ва устодур. Масалан, ман бир воқтда (1927 йил бўлса керак) ҳукумат иши ила Самарқандга борғонимда Ботунинг уйида турғонман. Шунда ҳар кунни эрта бирлан Самарқанд кўфихонасида чой ичишур эдик. Бир кун шул кўфихонада чой ичиб ўлтургонимизда Саидахмад Назирув манга қараб «Сиз жуда яхши қилурсиз, ҳеч май ила ишингиз йўк, роҳат қилуб ўз муаллимлигингизда ва ўз илмий ишингизда юурсиз» деди. Шунда Боту Саидахмад Назирувга қараб, кўзини олойтириб, қараб қўйди, ҳам шундан кейин Саидахмад Назирув сўзни бошқасини сўзламади. Саидахмад Назирувнинг манга сўзлаган сўзига унинг рози бўлмагонлигини сабаби ҳам бўлса, Саидахмад Назирув ўз сўзи ила «ҳукумат ичида ишлаш жуда оғир, ҳама воқт виждони азоб бўладур, ўзингни хоҳлаганингча очигроқ ишлай олмайдурсан» деб манга ҳасрат қилмоқчи бўлғон эди. Боту бўлса Саидахмад Назирувга сўздан қойтаруб шундай сўзни Салимхонга ойтиш яхши эмас, дегандек унга кўзи ила ишорат қилуб қўйди. Ботуни эски воқтда юрадургон ўртоғи кўпинча Акбар Аскарров ва Акмал Соатийлар эди. Кейинги воқтда уни яқин ўртоғи Саидахмад Назирув, Элбек, Қаюм Рамазоний, Бурношев<sup>2</sup> ва бошқалар бўлғон. Локин Боту «Иқтисодий факулта»ни тамом қилғонидан кейин Фитрат ила қандай

<sup>1</sup> Саид Ахмад Назиров (1900–1931) – «Ўзбекистон» давлат нашриёти директори.

<sup>2</sup> *Ханиф Бурнашев* (1900–1938) – Ўзбекистон Маориф халқ комиссарлиги ходими, кейинчалик бошқа ишда ишлаган.

алоқада бўлгонлиғини яхши ойтуб беролмайдурман. Шундан кейин ҳам Ботуни Фитрат ила алоқаси яхши бўлса керак. Чунки Ботуни ўзи иктисодчи бўлса ҳам шоирлик ва ёзувчиликда давом этуб келадур.

Булардан бошқа Фитратнинг ёнида бўлгон кишилар Санжар, Ғози Юнус, Қудратулла Мағзумов<sup>1</sup> ҳам Карл Маркс тўдасининг аъзолари бўлгонлар. Қисқа қилуб айтгонда, ҳозирғи маориф кўмиссарлиғининг кучлироқлари Фитратнинг тарбияси ила етушгон кишилардурлар (Санжар ва Ғози Юнуслар<sup>2</sup> ҳоқинда илгариде ёзгонман. Шунинг учун янаде ёзуб ўтуруш ортукча бўлодур деб ўйлайман.) Ҳарҳолда ҳозирда ҳам Боту ва Саидахмад Назирувга ўхшагон кишиларни чин ва ҳақиқий кўммунист деб айтиш кийинроқдир. Чунки оларда Фитратнинг таъсиридан ўтган ўзбекчилик ҳали ҳам бордур. Шунинг ила баробар Боту ва Саидахмад Назирувлар орасинда махфий бир нарса бор ёки йўк деб фикр бера олмайман. Чунки бу ҳақда ҳеч бир кимдан маълумот олгоним йўк.

## ЧЎЛПОН ҲУЗУРИНДА

15 май 1930 й.

Чўлпон манга яхши меҳмондорчилик кўрсатди ва «Сиз ҳам мени йўқлар экансиз-ку?» деди. Чўлпон артистлар орасида ҳам ва ҳамма жойларда ўзбеклар, хусусан ўзи ҳам чиқиштирилмаётганини сўзлади. Гарчи Чўлпоннинг олдида унчалик кўп сўзламасам-да, унга «Бунда хусусан ёшларнинг ўзлари айбдор, олар бир ғояга қовушмай, аниқ бир йўлдан юрмайлар», дедим. Ман у билан очик гаплашмоққа журъат этмадим, чунки ман унга юмшоқ табиатли киши деб қарар эдим, бошқа томондан эса у шоир, бизни ҳам сирларимизни очиб кўйиши мумкин эди. Шунга қарамай бизлардан бошқаларга очуқ айта олмайдурган, кўнглида йиғилиб қолгон дарду аламларини тўкиб солишига имконият бермоқ учун у билан тез-тез учрашиб турмоқ лозим эди. Ман Чўлпон

---

<sup>1</sup> Қудратулла Мағзумов (1897–1970) – “Турон” труппаси мудир, кейинчалик бошқа ишларда ишлаган.

<sup>2</sup> Ғози Юнус (1896–1942) – драматург, мунаққид, журналист, таржимон, “Қизил байроқ”, “Меҳнатқашлар товуши”, “Зарафшон”, “Туркистон” газеталари масъул муҳаррири, “Муштум” журнали муассис ва ташкилотчиларидан бири ва биринчи муҳаррири, камокка олинишидан олдин “Ўзбекистон кишлок хўжалиғи” журналида мусаххих.

уйидан чиққач бошқа ҳеч ким билан учрашмадим, тўғри Тошкандга қайтиб келдим. (Шу доврда Чўлпон Абдулахад<sup>1</sup>нинг ховлисинда яшар эди.)

## АБДУЛҲАМИД СУЛАЙМОН (ЧЎЛПОН)

20 июнь 1930 й.

Абдулхамид Сулаймон (Чўлпон) Фарғонада машҳур пахтачи бойнинг ўғлидур. Локин ёшлик воқтида Чўлпон ёшларга кўпроқ аралошиб кетганидан отаси Сулаймонбой ила келишмайдир-да юрган ва ҳам жуда ёшлиқдан бошлаб «Садойи Туркистон» ва «Садойи Фарғона»<sup>2</sup> ғазеталарига мақола ёзиб, ёшлар орасида шуҳрат чиқарқон. Шундан кейин шеър ёзишга киришуб, доимий суратда шеър ёзиб юргон. Бутун ёзгон шеърлари миллий шеърлар бўлиб кўб шеърларининг газет ва журналларда ёзиб чиқарғон. Чўлпоннинг миллий ташкилотга коерда ва қойси воқтда олинғонини яхши айтолмасам ҳам Чўлпон адабиёт ила оролошғонидан буён миллий адабиётга хизмат қилодур ва миллий йўлда ишлайдур. Шунинг учун Чўлпон ташкилотнинг энг яқин кишиларидан ҳисоб қилинодур. Локин ул ташкилотнинг ташкилот этишдагина ишлаган ишчиси бўлмаса, ёзувчилардан ҳеч ким Чўлпондек реалний ташвиқот қилғон эмас. Унинг учун Чўлпон ҳозир ҳам Ўзбекистоннинг иккинчи биринчи миллий шоиридур. Чўлпонни ёлғуз миллатчилар эмас, Ўзбекистоннинг ҳамма кўммунистлари ҳам яхши кўродурлар. Чунки ҳақиқатан ҳам Чўлпон Ўзбекистон шоирлари орасида биринчисидур. Чўлпоннинг кўммунистлар ҳам яхши кўришларининг сабаби, Чўлпоннинг адабий шоирлиғи учундур. Унинг ҳам сабаби ҳозир Ўзбекистон кўммунистларининг кўплари ҳали миллият хаёлидан қутилғонликлари йўқ.

Чўлпон 1920 йилларда Ғози Юнус, Санжар, Элбек ва бошқалар ила бирлашуб, «Чигатой гурунги» ила эски ёшларга қарши бўлиб юрди. Шундан сўнгра кўп ўтмасдан яна ўзининг йўли бўлғон миллатчиликка қойтуб яна миллий шеърлар ёза бошлади.

---

<sup>1</sup> *Абдулахад Маъруфжонов* (?–1937) – самарқандлик жамоат ходими ва педагог. Чўлпон 1927–1928 йилларда шу кишининг уйида яшаган.

<sup>2</sup> *“Садойи Туркистон”* – 1914 йилда Убайдулла Хўжаев муҳаррирлигида Тошкентда нашр этилган миллий газета. *“Садойи Фарғона”* – 1914 йилда Обиджон Маҳмудов муҳаррирлигида Кўконда нашр этилган миллий газета.

## БОСИТ ИСРОИЛ ЎҒЛИ (САНЖАР)

Санжар бўлса, ул ҳам Тошканда машҳур Исроилжон чойфурушнинг ўғли бўлиб, ўзининг асли оти Босит Исроилжон ўғли. Санжарнинг отаси Чўлпоннинг отасидек жадидчиликга қоршу эмас, билакс Санжарни отасининг ўзи жадидчилар ва ёшлардан бўлиб, ҳаттоки миллий ташкилотнинг аъзолариндандир. Санжар ҳозирғи воқтда Ўзбекистонда ёзувчиликда биринчиликни олодур. Ҳозирғоча махсус асар ёзмагон бўлса ҳам ёзувчилар орасинда энг маълумотлиси шул Санжардур. Санжарнинг ҳама воқт ёзгон асарлари миллий йўлда бўлгон ёзув ила миллий ташкилотга ёрдам бериб, миллият учун жуда яхши ташвиқот қилгон. Санжарнинг ўзи илгари воқтларда ташкилотга аъзо бўлмаса ҳам миллий адабиётга жуда яхши ишларди. 1926 йилда Лазиз Азиззода<sup>1</sup> Санжарни ташкилотга олинғонини сўзлагон эди. Локин Лазиз Азиззода Санжарни «Миллий истиқлол»га қабул қилинғонми? Ёки ташкилотнинг эски исмига қабул қилинғонми, бу ҳоқда манга сўзлагони йўқ эди. Лазиз Азиззода кўброк миллий йўлда ишлаш томонида эди. Ман унга бир оз қоршулик қилар эдим. Манинг кўрсатган сабабларим ҳозир ёшларнинг энг яхшилари миллатчиликдан айнаб кетганлар. Шунинг учун овора бўлиб ўлтурсак ҳам тўғри келмайдургонга ўхшайдур, деган сўзларга ўхшаш сўзлар ила қоршу турар эдим. Ўшал воқтларда Лазиз Азиззода манга хотиржам қилмоқ учун жавоб бергани-да, йўқ. «Салимхон афанди ундай эмас, ҳозир ёшларнинг кўплари яна қойтуб миллатчи бўлиб кетадурлар, масалан, Мирмуҳсин Шермуҳамедов<sup>2</sup> ман ила кўп сўзлашадур. Ул ҳозирда кўммунистликдан қойтиб бутунлай миллатчи бўлиб олғон, бутун кўммунист ишчиларнинг борчасига ҳам қоршидур. Санжар бўлса жуда яхши бўлуб қолғон. Ҳаттоки Санжарнинг ташкилотга аъзо қилуб олғонмиз. Санжарнинг ташкилот ишида яхшиғина ишлатилса бўладур» деб манга Санжарнинг ташкилотга олинғонини маълум қилиб ўтган эди. Ҳоқиқатан шундан кейин Санжар ила бир-икки дафъа тўғри сўзлашуб қароғонда, унинг Лазиз Азиззода айтганидек яхшиғина миллатчи бўлғонини онглағон эдим. Локин Санжарга ташкилот томонидан иш топширилгон эмас. Мирха-

<sup>1</sup> *Лазиз Азиззода* (1895–1987) – шарқшунос олим, “Бухоро ахбори” масъул муҳаррири, 1920 й.

<sup>2</sup> *Мирмуҳсин Шермуҳамедов* (1889–1929) – журналист, “Иштирокиюн”, “Қизил Ўзбекистон” газеталари масъул муҳаррири.

лил Каримов ва Ғулом Икромовлар тройка ташкил қилғон воқтидан илгарироқ тройкага аъзо қилмоқ учун Санжарни ҳам ўйлаб қўйилғон эди. Шул воқтда Санжарнинг Самарқандга ишга кетиб қолиши оник бўлғонлигиндан Санжарга билдирилғон эмас. Бўлмаса Санжарнинг тройка ичига киришга Мунаввар кори<sup>1</sup> ҳам тарафдор бўлғон эди. Сўнг-ра Самарқандга кетуб қолғондан кейин Санжар ила алоқа қилинғони йўқ ва ҳам Санжарга махсус иш топшурилғон эмас.

### МАШРИҚ ЮНУС (ЭЛБЕК)

Машрик Юнус (Элбек)нинг отаси Тошканд тарафиндаги Хумсон кишлоғидан, бир деҳқоннинг ўғлидур. Элбекнинг отаси жуда ҳам камбағал киши эди. Элбек ёшлиғидан Эшонхўжа Хонийнинг<sup>2</sup> қўлида тарбия кўрган. Шул Эшонхўжа Хоний мактабида хужрада турар эди. Ман ҳам шул воқтларда Эшонхўжа Хоний мактабида муаллимлик қилар эдим. Элбек Эшонхўжа Хонийнинг мактабини тамом қилғондан кейин Мунавварқорининг мактабига бориб ўқуғон. Чунки Эшонхўжа Хонийнинг мактаби тўрт синфлик эди. Мунавварқорининг мактабида бўлса яна уч йиллик рушдий синфи бор эди. Шунинг учун ўшал воқтда ҳар қайси жадиид мактабининг тамом қилғон болалар Мунавварқорининг мактабига келиб рушдий синфига кирур эди. Элбек шул рушдия синфини ҳам тамом қилғондан кейин шул Мунавварқорининг мактабида муаллим бўлиб ишлаган. Февраль инқилоби воқтларида ҳам шул мактабда дарс берур эди. «Турк адам марказият» ташкил қилинғонда «Мусовот»<sup>3</sup> фиркасига аъзо бўлиб ўтгон. «Мусовот»дан кейин «Иттиҳоди тараққий» фиркасиқа ҳам ўтуб кетган бўлса керак. Элбек ташкилот аъзоси бўлмағон ҳолда ҳам жуда ўткур миллатчилардан эди. Ёзғон асарларининг барчаси ҳам миллий йўлда ёзилур эди. Элбек ва Чўлпонларнинг миллий руҳда ёзилуб матбуотга ёки юзага чиқарилғон жуда кўб миллий шеърлари бордур.

<sup>1</sup> *Мунавварқори Абдурашидхонов* (1878–1931) – Туркистонда миллий истиклол ҳаракати намояндаси, педагог, “Адиби аввал”, “Адуб ус-соний”, “Ер юзи”. “Ислом тарихи”, 1925-1926 йилларда нашр этилган уч қисмдан иборат “Ўзбекча тил сабоқлиги” муаллифларидан бири.

<sup>2</sup> *Эшонхўжа Хоний* (1878–1931) – машҳур педагог, “Миллий иттиҳод” ташкилотининг аъзоси.

<sup>3</sup> “Турк адам марказият. Мусовот” – 1917 йилда “Турон” жамияти заминида Туркистонда ташкил этилган партия.

Элбек ҳам Ўзбекистоннинг Чўлпондан кейинги миллий шоиридур. Локин Элбек Чўлпонга ўхшагон содда эмас, жуда пишиқдир, шунинг учун кўб воқтларда ёзгон шеърларининг кўбини замонга тўғрилагон бўлиб ёзадур ҳам шунинг ила кўммунистларнинг ва ёшларнинг иккисини ҳам қаноатлантирадургон йўлдур. Танҳо Чўлпон мундай ўткур хийлакор эмас, бир воқтда жуда ўткур миллий шеърлар ёзув юборса, яна бир тўғри келиб қолгонда ўткур болшевикча, пролетарча ёзгон бўладур. Локин миллий руҳда ёзгон нарсаларин ўз дилидан чикоруб ёзгон бўлса, пролетар руҳида ёзғони буюртурмага ўхшаб турадур. Чўлпон, Элбек ва Санжар бир воқтларда 1920 йилларда эски ёшлардан ойнуб миллатчиликдан қайтгон тусмол бўлсалар ҳам кейинлари яна ўзларининг миллий йўлларини ташлай олмасдан, миллий ёзувлар ёзишга киришиб кетдилар. Масалан, Чўлпон томонидан нашр қилингон «Булоқлар» чиқиши ила эски ёшлар жуда ҳайрон қолгонлар. Чунки «Булоқлар»нинг ичиндаги ёзилгон шеърларнинг борчаси деярли жуда ўткур миллатчилик руҳида ёзилгон ва ҳаттоки Туркиянинг машҳур шоири Маҳаммад Аминнинг<sup>1</sup> «Турона дўғру», «Каказа дўғру», «Туркистона дўғру» деб ёзилгон кичкина-кичкина рисоалари бор эди. Шул «Булоқлар»нинг орасинда Чўлпон томонидан ёзилгон шеърлар ҳам худа ўшал Маҳаммад Аминнинг ёзгон шеърлариға жуда ўхшарди ва ҳаттоки «Булоқлар»нинг нусхаси ва формати ҳам ўшал «Турона дўғру»нинг худди ўзидек келур. Ёшлар бу «Булоқлар»нинг чиқишиға Чўлпон томонидан шундай миллий шеър ёзилғониға ҳайрон бўлишдан кўра, кўпрак шул шеърлар мажмуасини нашр қилгон давлат нашриётиға ҳам давлат нашриётида турган кўммунист Саидахмад Назировға ҳайрон бўлгонлар ва ҳам ёшлар ўз ораларинда «Агар шунга ўхшаш бир китоб эски ёшлар томонидан ёзилуб ҳам шул давлат нашриётида эски ёшлардан бир киши тургон воқтда нашр қилингон бўлса эди, дарров ёзувчи ҳам нашр қилишға сабаб бўлгон давлат нашриётининг мудирини аллақачон хибсға олуб ҳукм қилинурда, китобнинг барчаси йигиб олинур эди. Энди бу китобнинг ёзгон шоири ва нашр қилгон идоранинг бошлуғи Ўзбекистон ҳукуматининг бошлиғи бўлуб тургон кишиларнинг яқинлари бўлгонлиғидан булар учун ҳеч нарса қилинмайдур», деб сўзлаб юрдилар. Шунингдан билинганға кўра Чўлпон, Элбек, Саидахмад Назиров ва бошқа бир қанча янги ёшларнинг миллатчиликға қайтқонлари билинди

<sup>1</sup> Муҳаммад Амин Юрдакул (1864–1944) – машҳур турк шоири.

ва шундан кейин Чўлпондан бошқалари ҳам миллий ёзув ва миллий рисоалар чиқора бордилар. Ва сўнгра «Нашри маориф»га<sup>1</sup> киришгандан кейин миллатчилик учун янги ёшлар эски ёшлардан кўра яхшироқ ва жиддийроқ ишлаб кетдилар.

## АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ – ЖУЛҚУНБОЙ

Абдулла Қодирий (Жулқунбой)нинг<sup>2</sup> отасининг ким эканини билмайман. Локин Жулқунбой 1914 йилдан бошлаб ёшларга оралошуб келган, ҳаттоки ўша воқтда китоб ёзғон ва ундан кейин яна бир театру китоби ёзғон. Танҳо театру китоби татарчадан иқтибос қилинғон бўлса керак. Чунки Жулқунбойнинг ёзғон театру китобига ўхшаш тоторча театру китоби бор эди. Жулқунбой «Турк адам марказият» воқтида ташкилотга кирган ва шундан кейин «Иттиҳод ва тараққий» ва «Миллий иттиҳод»<sup>3</sup> фирқалариға ҳам ўтуб кетгон.<sup>4</sup> Локин Жулқунбойға ташкилот томонидан махсус вазифа топширилгонини билмайдурман. Танҳо Жулқунбойнинг жуда кўп ёзғон нарсалари миллий йўлда бўлар эди.

Жулқунбойни ёзувда, матбуотда, унинг миллатчи эканини очик кўрсатғони ТурЦИК томонидан чиқадургон «Инқилоб»<sup>5</sup> журнали воқтида бўлди. Тахминан 1922 йилда Мунавваркори ила Санжар орасида имло ҳоқинда жанжал бошланди. Буларнинг ҳар икковлари ҳам газетада жуда кўб мақола ёзишдилар. Шулар мақолаларда Мунавваркори тўғри «Мунаввар» деб имзо қўяр эди. Санжар бўлса ўз имзосини яшириб «Биров» деб имзо қўйиб юрур эди.

---

<sup>1</sup> «*Нашри маориф*» – 1921 йилда тошкентлик зиёлилар томонидан «Иттиҳоди тараққий» ва «Миллий иттиҳод» ташкилотлари тарқатилгач, уларнинг заминида ташкил этилган маърифий уюшма.

<sup>2</sup> *Абдулла Қодирий* (1894–1938) – атоқли ўзбек романнавис адиби.

<sup>3</sup> «*Миллий иттиҳод*» – 1918 йил февраль ойи бошида Қўқон шаҳрида барпо этилган «Туркистон Мухторияти» конли равишда бостирилиб, тарқатилгач, махфий ташкил этилган яширин ташкилот. 1921 йилда С.Шарифхўжаев, Мунавваркори, О.Каримий ва Ю.Қурбонбоевларнинг камокка олинishi муносабати билан ўз-ўзидан тарқатилган.

<sup>4</sup> Бу жумла ГПУ ходимлари тазйики билан ёзилган. Жулқунбой махфий ташкилотга аъзо бўлмаган.

<sup>5</sup> «*Инқилоб*» – Ўзбекистон МИК томонидан ташкил этилган адабий, ижтимоий, сиёсий журнал. Н.Тўракулов масъул муҳаррирлигида нашр этилган, А.Қодирий адабий ходим бўлиб ишлаганлигига ишора қилинмоқда.

Мунавварқори эски имло тарафдори бўлиб ёзур эди. Санжар бўлса янги имло тарафдори бўлуб ёзур эди. Ҳар икки томондан ҳам бир неча мартабалаб мақолалар ёзилгонидан сўнгра газета ўз томонидан «энди бу ҳақда (янги ва эски имло ҳақида) Мунаввар ила Бировнинг ёзарларининг қабул қилмасмиз ва охирада ўзимизнинг бетараф фикримизни ёзуб ўтурмиз» деб яна Санжарнинг ўзи Мунавварқориға қаршу мақола ёзуб, бундан бошқа мақола олинмаслигини ва босилмаслигини таъкидлаб кетгон эди. Шундан кейин Жулқунбой «Инқилоб» журналоида «Янги ситам, бетарафлик» сарлавҳаси ила газетада ёзилгон бетарафлик мақоласи бетараф бўлмасдан илгариги Мунавварқориға қарши ёзилуб юрилгон мақолаларни бири эконин ва бефикр бу мақолани илгари ёзилгон мақолалардан кўра қаттиқроқ ёзилгонлигини кўрубу бу мақола бетараф эмас, биртарафлик деб катта бир мақола ёзиб чиқди. Шундан кейин Жулқунбой ўзининг ёшларға тарафдор эканини жуда ҳам равшан қилиб кўрсатди ва мундан кўб ўтмасдан Мунавварқориға қаршу мақола ёзиб юргон «Биров» Санжар ҳам янадан келиб Мунавварқорини ўзи ила бирлашиб кетди. Шулу воқтда Жулқунбой ТуркЦИК<sup>1</sup> томонидан чиқодуркон «Инқилоб» журналоини идора қилуб турур эди.

Чўлпон, Элбек, Санжар, Жулқунбой ҳозирда Ўзбекистоннинг энг ўткур адибларидан ҳисоб қилинодурлар. Локин буларнинг барчаси ҳам миллий адиблардурлар. Буларнинг тутгон услубларида марксизмга яхшироқ тушунодургон Санжардур. Ундан кейин Чўлпон. Жулқунбой ила Элбек бу ҳоқда кейинроқда қолгонлар. Доимо Элбек ўзини ленинчи қилиб кўрсатгувчи бўладур. Баъзи воқтдаги ёзгон нарсаларидан ленинчилик кўринса, ўзининг сўзининг эшитгондан кейин ул ёзгон нарсасини фақат карьера учун ёзгонлиғи билинадур. Хусусан, Элбек ва Санжарлар орасиға Эҳсон<sup>2</sup> ва Иброҳим<sup>3</sup> афандилар кўшулгонларидан кейин булар яна кўпроқ ёзувларда туркча системаға ўта бошладилар. Бундан илгари буларда Фитратнинг таъсири бўлуб, ўзбекча шевада ёзур эдилар. Фитратнинг ҳам шеvasи туркча шеваға ўхшаш ўзбек мил-

<sup>1</sup> ТуркЦИК – Туркистон Марказий Ижроия Кўмитаси (1918–1914).

<sup>2</sup> Эҳсон – Шохид Эҳсон Мусаев (1897–1938), машхур педагог, Истанбул университетини тугатиб, ўша жойда социология фанидан дарс берган, 1921 йилда Тошкентга қайтиб келган.

<sup>3</sup> Иброҳим – Иброҳим Сулаймонов – турк зобити, 1920 йилда ватанга қайтиш чоғида Москвада отиб ташланган.



лий усулидур. Ҳозиргоча буларда адабиётни ҳақиқий марксизм диалектикаси ила текширгон эмаслар, ҳаттоки чин марксизм диалектикаси ила текширишга бошлагонлари йўқ. Агарда булардан бирор нарсани марксча қилиб ёзиб қўйса, дарров бошқалари «жудаям юқорилаб болшевик бўлиб кетибсиз» деб таъна қиладурларда кесатадурлар. Чунки унинг ҳам ёзгон нарсаси ҳақиқатан қўнгулдан берилиб ёзилмасдан келишув ториқасинда ёзилгон бўладур. Чўлпон, Санжар ва Элбеклар ҳақинда илгари ҳам ёзгон асарлари ва қилгон ҳаракатлари ва сўзларидан ҳам очиқ маълум ўзбекларнинг миллий адибларидурлар. (П 33391, 13 том. 20 июнь 1930 й.)

## ВАДУД МАҲМУД ВА БАҲОИЗМ

1 июнь 1930 й.

Вадуд Маҳмуд<sup>1</sup> ташкилотга аъзо бўлмагондан унинг 1923 йилларда Тошкандда, «Туркияга ёрдам» жамиятида ишлайдургон воқтида танидим. Шу йил ман газета идорасига бир иш ила борганимда Вадуд мани кўрмаса ҳам уни кўруб, Вадуд шул киши бўлмосун, деб қўйгон эдим. Бир воқтида ул манга қараб тургон – «Салимхон ман сиз ила кўришмоқчи ва сўзлашмоқчи эдим. Манимча энди ёшларнинг бултуб юриши лозим эмас, бирлашиш керак-а?» – деди. Ман унга гўёки шул ерда сўзлашуб бўлмосликини билдируб «Яхши, сўзлашсамиз бўладур» деб жавоб бердим. Шундан кейин унинг ила бир неча мартаба сўзлашдук. Ҳаттоки ман ила сўзлаша бошлагонидан кейин Вадуд Маҳмудий бошқалар ила оз алоқа қиладургон бўлди. Унинг асли мутахассислиги бошқа бўлгон ҳолида ман ила бирлашуб, шу йилда Ўрта Осиё дорулфунунининг иқтисод факултасига студент бўлиб кирди. Шул воқтда ул Шайх Ҳованд Таҳурда, Эшонқулидодхоҳ мадрасасининг хужраларидан бирида турор эди. Вадуд Маҳмудий ила бирга Самарқанддан Зеҳний<sup>2</sup> ҳам келган эди. Зеҳнийнинг ҳам Тошкандга келишидан мақсади ўқуш бўлса ҳам шул ўзига лойиқ ўқийдургон курс ёки мактаб тополмоғонлигиндан ул кўпинча эски

<sup>1</sup> *Вадуд Маҳмуд* (1897–1961) – шоир, мунаққид ва таржимон, “Маориф” журнали муҳаррири (1925й.).

<sup>2</sup> *Зеҳний* – *Назирқул Тўрақулов* – XX аср биринчи яримида Самарқандда яшаган шоир ва мунаққид, педагог.

шаҳар Навоий мактабида Эсон ва Иброҳим афандилар ила бўлур эди. Балки олоннинг ўзларида ўқур эди. Бир қонча воқт ўтгандан кейин бир кун Тангрикулҳожии манга «Зехний ГПУ агенти экан, эҳтиёт бўлиш керак» дегандан кейин алоқа қилгоним йўқ. Бир-икки кўришгон бўлсамиз ҳам кўп сўзлашмадук. Шунинг ила орамиз-да узоқлаб кетди. Вадуд Маҳмудий Эшонқулидодхоҳ (мадрасасида) хужрада тургон воқтида ҳар турли янги турк газеталари келтурур эди. Бу газеталарнинг ўшал воқтда Тошкандда чиқадуркон «Иштирокиюн» газетасининг идорасиндан олур эди. Шунда ул ўз аҳволидан хикоя қилди: «Ман илгарилари миллатчилик учун қаршу бўлуб олуб, ҳар қаерда динга, миллатга ва динчи ва миллатчиликка очук қаршу чикқонман ва шул қадар болшевикча очук болшевик бўлуб кетгонманки, бир кун Самарқандда бўлгон митингнинг ўзида чиқуб сўзлаб, бутун йигилгон кишиларга қороб йўқ худоға нима (учун) ишонув, керак эмас, деб бақириб юборғанман. Ман шундан кейин ўзимнинг хабарим йўқ бутун халқ манга қаршу бўлуб қолурлар, ҳаттоки бир воқтда маориф томонидан раҳбар бўлуб, ишламоққа чиксам, мандан илгари акам қишлоққа чиқуб қолгон экан, қишлоққа борсам ҳеч ким ман ила сўзлашмайдур, олар ила ҳар қандай яхши муомала қилмоққа тиришсам ҳам қишлоқнинг эсли кишилари бир томонда турсун, маориф кишилари ҳам қисқа жавоб беруб қўяқоладурлар. Халқнинг аҳволиға тушунмасдан мана шундай ишлар ҳам қилуб юборгонман, дейди. Ман унга «Шул воқтда жуда аҳмоқ вақтингиз эди, зарари йўқ» дедим. Шундан кейин ул ўз сўзида давом этуб, сўнгра яхшилаб суруштириб қорасам, ишлар бутунлай бошқача экан. Туркистон ҳукумати қилуб бизни ёлгондан олдаб қўйгон эканлар, ҳозир энди, ман, сандан ҳам миллатчидурман. Илгари воқтларда ҳеч нарсага тушунмасдан номаъқул қилиб юргон эканмиз. Қачондан ман миллатчиликка қайтгонимдан кейин Туркистон кўмсўмўлларининг съездида ман Марказий кўмитанинг аъзоси бўлгоним учун Марказкўмдан қилинадургон докладни манга топширдилар. Ман бу ерда докладни бутунлай миллий асосга буруб доклад қилдим, десам бўлодур. Шундай қилуб кўмсўмўллар орасида миллий рух очишга сабаб бўлдим. Баъзилар қоршу бўлдилар ва баъзилар манинг томонимда бўлдилар. Ҳарҳолда илгарилари ишлаб юргон ишларимдан жуда катта ойирма бўлди ҳам шул ўртада ул мандан ташкилот ҳоқинда савол қилди. Ва шул воқтларда ташкилот бутунлай

бўгилуб ҳеч ким ташкилот учун ишламас эди. Шунинг учун ман унга ташкилот ҳоқинда бошқа бир воқтда сўзлаб берурман деб ваъда қилдим. Ўшал воқт Вадуд Маҳмудий Маннон Рамзийлар<sup>1</sup> ила ҳам жуда яхши алоқада эди. Чунки эски ёшлар ила янги ёшларнинг бирлашган воқтлари эди. Буларнинг бирлашдурмок учун Вадуд Маҳмудий ҳам бир қонча ҳаракат қилғон эди. Яна бир кун ул манга «нима учун мани ташкилотга олмайдурсизлар? Манинг эшитувимга қарағонда ташкилотларингиз жуда зўр эмиш, мандан бошқа ҳама борга ўхшайдур, ман бўлсам, ҳозирқача ташкилотнинг ички аҳволотиндан ҳеч нарса билмайдурман», деди. Ман унга яна «вақт келуб қолур, билурсан, ташкилот аъзолиғига олиш бўлса, олдин яна озроқ ўзингни кўрсатишинг керак, шундан сўнгра мумкин, бўлодур» деб жавоб бердим. Шундан сўнгра Вадуд Маҳмудийда диний жараён бошланди. «Қизил қалам»<sup>2</sup> жамиятида, бошқа ўрунларда диний сўллик чиқара бошлади. Шундан кейин ман Вадуд Маҳмудий ила кўришиб, сўзлашдим, ман ундан нима учун яна диний хурофотларга киришиб кета турғони ҳоқинда савол қилдим. Ул манга «жуда мандан халқ қайтуб кеткан экан, энди шул йўл ила бир оз халққа якин бўлмоқчиман» деб жавоб берди. «Ҳаттоки ҳозир бир қанча кишилар асли махзумзода бўлғонидан кейин қаёққа борур эди, яна аслига қойтодур: «Кулли шайъун яржиъуний аслия» деганлар деб юродурлар деб диний йўлга киргон бўлса ҳам тасмия бергондек қилиб кўрса эди. Шундан кейин ман унга «ҳар нарсада ҳам сабаб керак эмасми? Илгари халқ олдида худо йўк деб чиққонинг ила ҳозирғи диний бўлуб кетишинг орасида нима ойирма бор? Манимча, мундай бўлиши керак эмас, сандан хурсанд бўлса, ёлғуз эски кишиларгина хурсанд бўладурлар. Замоннинг кишилари бўлғон бутун ёшлар бўлса хафа бўладурлар. Бундай ишнинг санинг томонингдан бўлиши яхши эмас, аввалда жуда сўл – болшевик эдинг, шундан кейин қойтиб миллатчи бўлдинг, энди шунда туриш керак эди. Яна қойтуб диний бўлуб қолишинг жуда хунук бир нарсадур», дедим. Ул манга сўзлаб диний бўлғонлиқи қиндан эмаслиғини сўзлади, шундан кейин ул воқтларда унинг ташкилотга олиш хаёли кўзғолуб юргон бўлса ҳам

<sup>1</sup> Маннон Рамз (1895–1938) – Ўзбекистон Маориф халқ комиссари, сўнг Ростов шаҳарида завод ишбошқарувчиси.

<sup>2</sup> «Қизил қалам» – 1927–1930 йилларда фаолият олиб борган шўро ёзувчилари уюшмаси, шу номда нашр этилган адабий-бадий тўплам. Икки бўлаги нашр этилган.

масаланинг жуда чуқур томонларини ҳам оқдоруб қарашимиз (лозим бўлгон). Шул воқтда бизнинг ўртамазда тургон Шоҳрасул Зуннун<sup>1</sup> жуда хайрон эди. Баъзи воқтда (шартдан чиқуб) «Сизларнинг шундай киши эканингизни ҳеч билмас эканман» дер эди. Шундан Шоҳрасул Зуннун баҳойликдан қойтуб, баҳойликни қилмайдургон бўлди ва ҳам ўшал кун Вадуднинг олдида қолмасдан ман ила бирга манинг уйимга қойтиб кетдимиз. Вадуд Маҳмудий ўз сўзидан «Ҳар қандай бўлса ҳам инсоннинг бир қарорга келмаки (керак) эканини шунинг учун ман баҳойликни қабул қилдим», деб сабаб кўрсатган эди.

Вадуд ўз ҳаётида ҳар қойси йўлга кириб ишламак бўлгон бўлса ҳам унинг ҳар томондан ишонмаслик ва баъзи ердан қувулишликлари бўлгон. Ҳаттоки шул воқтга қадар ёшлар ташкилотга ҳам қабул қилмагонлари ва балки баъзи ёшлар Вадуд Маҳмудийдан қочгонлар ва ундан йироқ юргонлар. Шунинг учун Вадуд Маҳмудий ёшлар теварагидан ажролуб, диний йўлга кируб, шул диннинг йўли ила баҳойига учраб қолгон. Баҳойлик<sup>2</sup> бўлса, янги бир нарса бўлгонлиғи учун Вадуд ҳам ёш куч бўлгонлиғи учун кизиқуб кетган. Бу суратда баҳойлар бунӣ ўраб олгонлар ва шул йўл ила шу кейинги тевараги зўр чиқуб, баҳойликни ҳайдаб юборгон (яъни ривожлантириб юборган – С.А.). Балким шул Вадуд Маҳмудий бўлса, яна бир кун мундан ҳам ойнаб, бошқа бир йўлга киришига шубҳа йўқдур. Ман Вадуд ила ўшал кўришгонимдан кейин учрашгоним йўқ. Балки баҳой дини ислом динининг группаси бўлуб, баъзи ерларинда янгилик бўлса, кўп жойлари ўшал эски исломнинг ўздурки, диннинг дунё учун бўлгон хусусиятини кўрмадим. Балки ўзимнинг баҳойликдан хабарим жуда кўб эмас, фақат баҳойлар ила учрашиб катта суҳбатда бўлдим. Бошқа воқтда бўлгоним йўқ.

Баъзи кишилардан ҳеч бир (киши) дин, ой, кун, число ишига киришган эмас. Киришган бўлса ҳам ўшал воқтда бўладургон ҳисоботга қараб тўғирлагон, масалан, шамсия йиллари ила қамария ойлариининг орасинда ойирма оздур. Сиз бўлсангиз, баҳоизм бўлса дунё

---

<sup>1</sup> Шоҳрасул Зуннун – таникли педагог, “Миллий иттиҳод” ташкилоти аъзоси.

<sup>2</sup> Баҳойлик – XIX асарининг 40–50-йилларида Боб лакаблик Мирзо Али Муҳаммад томонидан Эронда ташкил этилган диний мазҳаб. У 1849 йилда вафот этгач, унинг ишини Баҳаулло лакаблик шогирди Мирзо Ҳусайн Али давом эттирган. Бобийлик ва баҳойлик атамалари шулар фаолияти ва лакаби билан боғлиқ.

ишига оролашмайдуьгон бир дин (демокчисиз). Ҳозир дунёда биринчи ўлчовдан тараққий қилуб олтинчи ўлчовни чиқоруб турьон бир воқтда ва бутун дунё бир-бирига бойланмайдуьгон янги ўлчовларни ташлаб ўнлик ўлчовини қабул қилиб турьон бир замонда сизга нима бўлди? Бир йилнинг ҳеч келишмаган қилуб 19 ойга ва ҳар ойда 19 кундан ҳисоб қилиб, бир йилда 361 кун, ортуқча тўрт кун баҳойлар сьезди куни окдасининг ўзида кўрсатилмиш жуда қизиқ нарсадур. Бир ой, кун масаласи бир томондан ҳайъти илмий (астрономия) бўлса, иккинчи томондан ҳолис иқтисодий бир масаладур. Ҳар икки томондан қаральонда ҳам охиратга теюшли бўлмасдан худда дунёнинг ўзгинасининг ишидур. Шунинг учун бу ерда баҳоизм дунё ила иши йўқ, диний (дейилмоқи) фақат оғиздаьина бўлуб ҳақиқатда бўлса, дунёда янги ва катта бир инқилоб қилмоқ учун чизилган бир йўлдир. Бунинг учун сизнинг қийнолуб, овора бўлуб ўтуришингиз ортуқча бир нарсадур. Бугун, манимча бутун динларни йўқотиш керак, дунёнинг ўзи учун алоҳида хос эътикодий бир йўл топиш керак, дедим. Ман ўзум на исломга ва на бошқа бир динга эътиқодим йўқликени билдирдим. Бу суратда жуда кўп сўзлар бўлди. Кўп далиллар кўрсатилди, ҳар иккимиз жуда қаттиқ кетдимиз, дунёни титратгон ва бир қанча инсонларнинг ҳаётига зарар бергон бир нарса эмасми? Бугун сиз буни мансух қилуб, бундан кўра яхшироқ ва янги замоннинг тўьриланьон деб эътикод қиладуьгон ақидангиз... шул куннинг ўзида ҳаётга тўьри келмайдуьгон бир нарса эканида шубҳангиз борми, деб ман шунга ўхшаш бир қонча савол бергонимдан кейин ул баҳоизм дунё ишига аролашмайдуь, урушни ёмон кўродур, барча халқлар баробар яшамоқини хоҳлайдуь, дегон сўзларни сўзлади. Ман унга урушни ёмон кўришингиз ва барча халқни баробар яшамоқини хоҳласангиз биринчидан, шунинг ўзи ҳаёт масаласи эмасми? Бу ерда баҳоизмнинг дунё ишига оралашмоьони коердан чиқодур. Ҳаттоки баҳоизм шундай нарсаларнинг истар экан, ул воқтда алоҳида бирдай чиқоруб тушургандан кўра ҳаётнинг асли ўзидан олиньон кўммунизмнинг ўзини қабул қилуб кўяқолиш керак бўладир. Сиз ва умуман динчилар ўз йўлларингни илохий деб даъво қилсаларингиз ҳам шул диннинг илохий эканини яна шул дунё нарсалари ила, диалектика ила исбот қилмоқчи бўладурсизлар. Ҳолбуки, сизлар бир томондан ислом динини ҳурмат қилурсизлар ва иккинчи томондан, унга мункир бўлурсиз ҳам баҳойликни

кувватлайсиз, бу кунгача бўлгон динларнинг барчасининг энг яхшиси демокчи, бўлурсиз ва бунинг дунё ила иши йўк дейсиз, бу сўзларингиз очикдан-очик ёлгон сўзлар. Бу кунгача бунинг натижасини кутмакка тўғри келди. Натижада, Вадуд Махмудий диний йўлнинг давомида баҳойй бўлуб ислом динидан ҳам қойтуб кетди. Локин бир сафар ҳам баҳойй бўлишини ҳамадан яшируб юргон воқтларида ҳам одамларнинг сўзига ишонма деб жавоб беруб юрди. Йил охирида 1929 йилда Тошкандга келуб турди. Шул воқтларда ман Шоҳрасул Зуннун ила кўпрок кўришиб юрор эдим. Ул манга баҳоййлик ҳокинда бир конча сўзларни сўзлаб юрар эди. Ман Шоҳрасул Зуннуннинг баҳоййларнинг қайси бири ила алоқаси бор экан, деб сўраганимда Вадуд Махмудий жуда яхши баҳойй бўлгон, хаттоки баҳоййларнинг энг катта халифасига «Арзи бандалик» ёзгон. Бунинг ёзгон «Арзи бандалик»ини қабул қилгонлари ҳозир Вадуд Махмудий баҳоййларнинг зўр кишиларидан ҳисоб қилинадур. деди. Ман унга. «бўлмаса ман унинг ила бир мартаба кўришмоқим лозим экан, ман сўраган воқтларимда ёлгондан мани алдаб юргон экан», дедим ва ҳам шул кун Шоҳрасул Зуннун ила Вадуднинг турган жойига бордимиз, ҳам шу ерда ўтурушуб сўз очилди. Бул ерда Вадуд Махмудий мандан сирини яшира олмайдургон бир воқтга тўғри келди. Ман унинг олдида тургон Қуръонни олуб тафсирини кўрсатуб, шул сўзнинг бутун борлиқнинг эгаси ва барча нарсанинг йўқдан бор қилғувчи ҳам уларнинг орасинда инсоннинг ва инсоннинг аҳлини ҳам халқ қилувчи зот деган зотингизнинг сўзлаган сўзи ҳозирги дунёда яшаб тургон кишиларнинг оддий қисмининг ҳам тушунчасидан бўш эканини кўрсатмайдурми? Диний этикоддан ва диний фалсафалар асли ҳақиқати ила текширилганда пуч нарса эмасми? Ҳолбуки, шул Қуръон бир воқтларда бутун кишилардан эшитуб биларман... (фикр тугамай қолган – С.А.) Вадуд Махмудий манинг ила яқин ўртоқим эди. Ул ойнаб диний йўлга кируб, ман бўлсам қўммунизмга жиддият ила киришмоқчидурман. Кўрарсиз, ким ва кимни енгуб чиқодур. Буни келажак ҳал қиладур.

## ГУЛОМ ЗАФАРИЙ

Ғулом Зафарий<sup>1</sup> жади́д мактабларининг муаллимларидан эди. Бир қанча вақт Тошкандда очилгон «Мактаб» кутубхонаси мудир

---

<sup>1</sup> *Ғулом Зафарий* (1886–1938) – ўзбек шоир ва драматурги, актёр ва мусикашуноси.

бўллуб, ширкатни ҳар турли жаид китоблари ва миллий газеталар (таъминлаб) таркотуб тургон. Ўшал илгари вақтларда миллатчиларни бошлиқларидан бўлмаса ҳам яхшигина фаол миллатчилардан ҳисоб қилинур эди. Инкилоб бўлмасдан илгари ташкил қилинғон «Турон»<sup>1</sup> тараққийларвар жамиятининг яхши фаол аъзоси эди. Февраль инкилобидан кейин ёшлар ила жиддий ишлашуб кетган. Ва ҳар қаерда ташвиқот ишлари ила машқул бўлғон. Ўшал вақтда ёшлар қайси ишларга аҳамият берган бўлсалар Ғулом Зафарий ҳам шул ишларни ишлашда фаолият кўрсатган. Локин унинг қойси вақтда ташкилотга кирганидан хабарим йўқ. Балки «Турк адам марказият» вақтида кируб, сўнгра «Иттиход ва тараққий»қа ўтуб кетган бўлса керак. «Иттиход ва тараққий»да бўлғон вақтида ҳар қаерда ишлаган бўлса ҳам «Иттиход тараққий»ни буйруқларини адо қилуб юргон. 1920 йилда «Чигатой гурунги» жамиятини чиқиши ила Ғулом Зафарий ҳам «Чигатой гурунг»чилари ила бирлашуб, туркчиликдан ўзбекчиликка ўтган ва шундан бошлаб ул ҳам Фитрат ва Қаюм Рамазонийлар ила бирлашуб кетган ва мундан ташқари Ғулом Зафарийда артистлик ва тиётр китоблари ёзувчидан бўлғонлиғидан Карл Маркс тўдасига ҳам аъзо эди. Шунинг учун «Чигатой гурунги» учун онча яхши ишлаган дейилса мумкиндур.

Ғулом Зафарийда илмий куч йўқ. Ҳамма вақт деярлик унга ёрдам қилуб келган Фитрат ҳам Қаюм Рамазонийлар бўлғонлар. Уни миллий йўлда ишлаган ишлари матбуотда қилғон иштироки ва ёзгон шеърлари воситаси ила қилғон ташвиқотлари, театру китоблари ва ундаги миллий ташвиқотлар, театруларда ўқиладургон миллий шеърлари, ёзиб беришлари ва ундан тошқари ўтурушларда, мажлисларда, гапларда қилғон ташвиқотлари бўлғон. Ҳозир Ғулом Зафарий «Қалдирғоч»<sup>2</sup> тевараги атрофида юрубдур. Кўпроқ қиладургон ишларни Фитрат ва унинг атрофида бўлғон кишилардан ўрганадур. Ғулом Зафарий ила жуда кўп вақтлардан бери кўришган эмасман. Шунинг учун унинг фикрида кейинги вақтларда қонча инкилоб бўлғонлиқидан хабар беролмайдурман ва буни ўзгариши ҳокинда бошқа бир кишидан ҳам

<sup>1</sup> «Турон» – 1914 йилда шу номли театр труппаси паноҳида тузилган ижтимоий-сиёсий уюшма.

<sup>2</sup> «Қалдирғоч» – Тошкент шаҳрининг Олой бозори атрофида ташкил этилган ўзбек зиёлилари яшашган маҳалла номи (1923 йилда ташкил этилган).

эшитганим йўқ. Ғулом Зафарий ҳоқинда Элбек, Боту ва бошқалар яхши биладурлар. Чунки Ғулом Зафарий олар ила бир йўлда юрадур дейилса мумкинмур.

## АБДУҚАЮМ РАМАЗОНИЙ

5 май 1930 й.

1917 йилда биз уч киши – ман, Абдуқаюм Рамазоний ва Абдуваҳоб Муродий<sup>1</sup> Боқудан қойтиб келишимиз ила «Турк адам марказият» фирқасига тўғридан-тўғри қабул этилгон(миз). Шундан кейин Абдуқаюм Рамазон ҳам фирқага аъзо ҳисоб қилинодур ва «Турк адам марказият, мусовот» фирқаси «Иттиҳод ва тараққий» бўлуб ўзгарганда Абдуқаюм Рамазоний ҳам «Иттиҳод ва тараққий»га аъзо бўлуб ўтган. Шунинг учун ул ташкилотнинг эски аъзолариндан ҳисоб қилинодур. Лоқин ташкилот ишида қандай ишлар бажаргонини яхши билмайдурман. Балки жуда кўб ишлаган бўлса керак.

1920 йилларда Фитратнинг «Чигатой гурунги» ила кўшилишуб «Чигатой гурунги»нинг энг фаол ишчиларидан бўлуб кетган. «Чигатой гурунги» бўлса, Туркистонда воқтинча тургон турк асирларига ишонуб бўлмайдур ва умуман усмонли туркларидан ёрдам кутиш тўғри эмас, шунинг учун Туркистоннинг ерли кишиларидан ишбиларманлар етказиш керак. Тошқаридан бўладургон ёрдамдан бутунлай воз кечиш керак. Ерлиларнинг ўзларидан кадрлар етказиш керак, деган мақсадлар ила майдонга чиққонлар ва бутун кучлари ила ўзбекчиликга ҳаракат қилғонлар ва шул воқтда Абдуқаюм Рамазоний «Чигатой гурунги»нинг бошлуғи Фитратнинг ўнг қўли эди, ва бутун ишларни Фитрат ила биргалиқда қилар эди. «Иттиҳод ва тараққий» фирқаси ўшал воқтларда Абдуқаюм Рамазонийдан бизнинг сирларимизни очган деб хафа бўлуб юрган. Қаюм Рамазоний сирларни очгон бўлса ҳам «Иттиҳод ва тараққий» қилгон ишларини очмагон бўлса керак. Чунки яхши билмайдур. Асосан баъзи ерларда эски ёшларнинг туркчилиғидан зорлануб, «Иттиҳод ва тараққий» дегон махфий жамяятлари нима қилиб берар эди, деб юрган бўлса керак. Шунинг сабабиндан баъзи билган кишилар ҳам «Иттиҳодий тараққий»нинг борлиғидан хабардор бўлгон

---

<sup>1</sup> *Абдуваҳоб Муродий* (1901–1942) – Германияда ўқиган, кишлок хўжалик соҳасидаги илк дипломлик мутахассис.



бўларлар. Эҳтимол, масалан, бир йўлда унинг қилгон хиёлати бир ерда бир қонча кишилар ўтурушиб шу ўтуришда бўлгон кишиларнинг борчаси ҳам «Иттиҳод ва тараққий»га аъзо бўлгон тақдирда ва бир-бирининг ғайри расмий суратда билган ҳолида очикдан-очик сўзлаша олмас эдилар. Абдуқаюм Рамазоний бўлса «Шундай мажлислар ва «Иттиҳод ва тараққий» нима қилуб берар эди» деган сўзлар ила очуб юборгон бўлса керак. Мана шул ҳаракатларини хиёлат ҳисоб қилуб юргонлар. 1920 йилларда ёшлар иш ташлашларидан илгари Абдуқаюм Рамазоний, Санжар ва Ғози Юнуслар ила бирга бутун ёшларга ҳужум қилишдилар. Бундан ҳам буларнинг мақсадлари кейинги бўладургон ҳукумат кишиларини ўз томонлариға тортмоқ учун бўлгон ҳаракат эди. Бу ҳақда Абдуқаюм Рамазоний жуда жиддий ишлаган.

Бухоро инқилоби «Чигатой гурунги»га ҳам таъсир қилди. Бир томондан эски ёшлар жўнаган бўлсалар, иккинчи томондан, «Чигатой гурунги» ҳам Фитрат ила Бухороға жўнаб кетган, Тошкандда бир-бирилари ила сўқушуб юргон ёшлар Бухороға боргонларида жуда топушуб кетганлар ва ҳаттоки Бухорода ташкилотнинг бутун аъзолари бир-бирларининг тонийдургон бўлгонлар. Ҳаттоки Саъдуллаҳўжани тонимагон бир киши келуб арзимагон бир нарсани сўрагон. Турсунхўжаев қабул қилмасдан қайтаргон воқтда «Шумо ҳам аз худ омоқу» нимага қайтарасиз, қилуб бера қолинг-де деган» («Шумо ҳам аз худ омоқу» дегани – «сиз ҳам ўзимиздансиз-қу» деган сўздур).

Мана шундай қилуб, Бухорода Абдуқаюм Рамазоний ва бошқалар бутунлай очик ишлаб кетганлар. Абдуқаюм Рамазоний ундан кейин бир қанча вақт яна Фитратни ташлаб, Фитратнинг сўзи ила бўлмасдан унинг теварагиндаги Чўлпон, Элбек, Санжар, Боту, Саидахмад Назирув ва бошқалар ила жуда қаттиқ ишлашуб кетганлар. Олдида тадрижий суратда миллатчиликка қайтиш бўлиб бир воқтларда ҳаттоки эски миллатчилардан ҳам ўткурроқ миллатчи бўлуб қолгонлар ва бунинг устига Эҳсон ва Иброҳим афандиларнинг келишлари жуда ҳам буларга жончи ва ораларинда жуда қатта қаттиқ бойланиш пайдо бўлқон. Олар Эҳсон ва Иброҳим афандиларга бойланишга бир томондан мажбур ҳам эдилар. Чунки оларнинг ораларинда бўлгонлардан бир қанчалари русий адабиётдан фойдалана олсалар, баъзилари фойдалана олмас эдилар. Шунинг учун Абдуқаюм Рамазоний ва Элбеклар учун Эҳсон ва Иброҳимлар сувдан ҳам зарур эдилар. Ҳақиқатан ҳам

олар Эҳсон ва Иброҳимдан қонча фойдалангон бўлсалар Эҳсон ва Иброҳимлар ҳам маълумот жихатдан олордан кучли бўлгонлиқлари учун оларнинг ўз таъсирларининг остига олуб қўйгонлар ва шунинг учун кейинги воқталарда олар Эҳсон ва Иброҳимсиз тура олмайдургон бўлиб қолгонлар. Абдуқаюм Рамазоний ҳам сўнги воқталарда жуда кучли миллатчи бўлуб, кўб ерларда ман ва Мунавварқорининг қилгон харакатларини ёқтурмасдан танқид қилуб юргон ва энг охирда Мунавварқори ва Шорасул Зуннун ила бирлошуб, бирга ишлашуб кетгонлар. Мунавварқорининг сўзиға қарағонда, китоб ёзишганларида бир қанча яхши миллий мазмун берадургон ҳикоят ва шеърларни Абдуқаюм Рамазоний топганлиғини сўзлагон эди. Ҳарҳолда Абдуқаюм Рамазоний яхшиғина миллатчи бўлса ҳам ёзувда ва сўзда ташвиқот ва тарғибот ишларини қила оладур. Маъмурий ишларни қила олмайдур. Шунинг учун ул кўп воқталарда матбуот, китоб ёзувдан бошқаларға мақола ёзиб беру ишларида бўлгон. Маъмурий ишларда бўлмагон ва хар бир қилгон ишида ҳам деярлик Фитрат афандининг маслаҳати ила иш кўргон. Аммо ҳозирда Қаюм Рамазоний ёш илмий кучларнинг бошлиқлариндан ҳисобланадур.

### **Абдуқаюм Рамазонийнинг миллий назариялари**

Абдуқаюм 1920 йиллардан кейин Фитрат ила кўшилуб эски ёшларнинг тутгон йўлларини ёқтурмасдан ўзларига алоҳида бир йўл таъқиб қилиб олгон эдилар. Ул ҳам бўлса, «Чигатой гурунги»нинг ўтган йўли бўлиб, тошқоридан келгон кишилардан ёрдам сўрашдан ўз ичимиздан кишилар етиштурмоқимиз лозим, тошқари кишилари воқтинча туруб яна ўз ватанларига қайтуб кетадургон бир меҳмонлардурлар, деган назариянинг мустаҳкам ушлаган ва шу йўлда майдонга отилиб чиққон кишиларнинг зўрларидан эди. Ҳақиқатан, ҳозирғача ҳам ўшал ўзининг ёқлагон фикрига мувофиқ ишлаб келуб, ҳозир ҳам шул замоннинг ўзида етишуб чиққан кишилар ила бирга ишлайдур ва олар ила бирга улфатчилик қиладур. Унинг энг кўб бирга бўладургон кишилари Маннон Рамзий, Элбек, Саидахмад Назирий, Боту Ҳодиев, Санжар, Чўлпон, Эҳсон ва бошқалардурлар. Бунинг атрофига йиғилгон кишилар ҳозирги замонда ўзбеклар орасидан чиққан энг кейинги кучлардур. Локин Абдуқаюм Рамазоний олордан кичик бўлса ҳам

унинг тажрибаси жуда зўрдур. Ўзбекистон ёшларидан энг кўб тажриба кўргон кишиларидан Абдуқаюм Рамазоний дейилса ҳеч бир хато қилинмагон бўлинадур. Шунинг учун Абдуқаюм ўз тажрибаси ила оларга жуда кўб ёрдам берадур ва жуда кўб ҳаракатларида олоннинг янглиш масалалари учун эски ёшларнинг қилгон хатоларидан жуда кўб мисолларни кўрсатуб олонни мустаҳкам қилуб олуб юрса керак.

Абдуқаюм ўз тажрибасида кўб нарсаларнинг ўз қўли ила ишлатган бўлса, ишлаган кишиларнинг қилгон ишларига жуда катта аҳамият ила қараб яхшигина муҳокама қилиб юрган. Локин Абдуқаюмнинг табиатини ман жуда яхши биламан, чунки энг кичиклигидан бирга келганмиз десам ҳам бўладур. Абдуқаюм жуда пишиқ бўлиб, ўзининг сирларини ҳар кимга сўзлаб юрмайдур, ёлғуз лозим деб топган кишигагина сўзлайдур ва шунинг ила фитначи бир кишидир. Локин бунинг фитначилиғи Эргаш Нурмуҳаммедовга ўхшагон краевой провакотор эмас ёки Убайдуллақорига ўхшаш бузук эмас, чунки оларнинг қилгон ишлари дарров очик натижа беруб, кўзга кўринуб қолур ва ишни шулардан бўлгонлиғи билинадур.

Қаюмнинг фитначилиғи (бунтарства) жуда тез натижа бермаса ҳам жуда кучли бўлиб чиқадур ва шул фитнанинг Абдуқаюм томонидан бўлгонлиғини кўб кишилар билмайдур. Бунинг фитнасини бунинг ила жуда яхши бирла ўсган ўртоқлари биладурлар. Дастлаб бунинг фитнасини Абдувахоб Муродий, Абдулхай Тожиевлар била олурлар, бошқалар бўлса ҳеч бир воқтда билмайдурлар. Чунки бул фитна кўзғотғонда, унинг сўзи ила ҳаракат қилиб фитнанинг бўлишига сабаб бўлгон киши ҳам шул Абуқаюмнинг фитнаси ила иш қилгонини(нг) сезмай қоладур. Бизнинг ўртоқларимизнинг орасиндан фитна кучи Абдуқаюм Рамазонийда жуда зўрдур. Ёшлук воқтинда ҳам шул ишга жуда қобилиятли эди. Абдуқаюм Рамазоний ҳоқинда ундаги бўлгон кейинги ўзгариш ёки кейинги воқтдаки фикрни яхши билмайдурман. Чунки кўб воқтдан бери унинг ила кўришгоним йўқ. Ҳарҳолда Абдуқаюм Рамазоний кўммунист эмас ва фирқага кирган эмас ва илгари воқтда ҳам киришни хоҳлагон эмас. Бир воқтда бир ерда уч-тўрт киши ила меҳмон бўлуб қолгонмиз. Шунда Абдуқаюм Рамазоний ҳам келуб қолди. Шул ўртада бир кишининг қойси бириси ҳоқинда ҳам бўлса ҳукуматнинг асос йўлидан ҳаракат қилмасдан эгрироқ кетгани чиқуб қолди. Шунда Абдуқаюм Рамазоний томонидан «бундай ишларни яхши бажариш

керак, локин ман ўзим контрман, яна мани мундан ҳукумат тарафдори сонолмасун», деган сўзларни сўзлагон эди. Шунинг учун Абдуқаюм Рамазонийда ҳукуматга ишлаб туруб миллий ҳаракат қилиш керак, деган фикри чикодур, ҳарҳолда унинг кейинги ҳаракатларини билмасам ҳам «Қалдирғоч» маҳалла кишиларининг отокли кишилариндандур.

## ҲАСАНХЎЖА ХОНИЙ

15 май 1930 й.

Ҳасан қори Хоний эски жадид зиёлиларидан ҳисобланади. Шунинг учун у «Турк адам марказият, мусовот» фирқасининг энг биринчи кунидан аъзо бўлган, деб ўйлайман. Ўз даврида эски жадид зиёлиларининг орасида энг фаол ходимлардан ҳисобланар эди. Жадидларнинг китоб дўкони «Туркистон кутубхонаси»<sup>1</sup>га мудир эди. Унинг «Мусовот» фирқаси фойдасига қиладургон иши шу китоб дўкони орқали Туркистоннинг турли ўрунлариға янги адабиёт ва газеталарни торқатиш эди.

Февраль инқилобидан сўнг Ҳасан қори Хоний жадид зиёлилари билан бирга ишласа-да, унча фаоллик кўрсатмади. «Турк адам марказият» фирқаси торқотулуб, ўрниға «Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти билан бир воқтда эски шаҳар кўммунистик фирқаси ташкил этилгоч, 1918 йилда фирқа аъзолиғига кирди, ҳатто эски шаҳар фирқа кўмитетининг раиси бўлди.

Эски шаҳар кўмфирқа кўмитасининг раиси бўлиб тургон пайтда юқори фирқа ташкилотларининг буйруқларини бажармас эди. Булар кўб ҳолларда эски шаҳар Ижроия кўмитаси томонидан бажарилар эди.

Ҳасан қори ўзи бошқараётган партия кўмитасининг асосий вазифаларини ҳам билмасди. У фирқақўмда ишлагон воқтда асосан фирқа аъзоларини қабул қилиш бўлуб, бу ҳолларда ҳам «Иттиҳод ва тараққий» кўрсатмасига биноан фаолият олиб борарди, яъни «Иттиҳод ва тараққий»га керакли шахсларни фирқаға қабул қиларди. «Иттиҳод ва тараққий» аъзолари фақатгина «Иттиҳод ва тараққий» учун керак бўлиб қолгандагина фирқа аъзолиғига кирар эдилар.

---

<sup>1</sup> «Туркистон кутубхонаси» – 1916 йилда Тошкент зиёлилари томонидан ташкил этилган нашриёт

Кўмфирқага кириш учун масъул шўро-фирқа ходимларининг гавсияси керак бўларди. Масъул ходимлар «Иттиҳод ва тараққий» рухсат берган кишиларгагина тавсия берардилар. «Иттиҳод ва тараққий» ижозат бермаган кишиларни жанжал чикмаслиги учун бир яхши баҳона билан бирор одамнинг олдига юборур эдилар. Фирқага «Иттиҳод ва тараққий» аъзоси бўлмаган кишилар кириши учун ариза берса, унинг ижтимоий келиб чиқишини, тавсия бергон кишини қаттиқ текширар эдилар. Ана шундай жиддий текширишдан кейингина партияга қабул қилишар эдилар. Шу сабабли ўша пайтда кам фирқага киргонларнинг бир қисми ҳақиқий камбағаллардан, бошқа қисми «Миллий иттиҳод» аъзолари эди.

Ҳасан қори Хоний «Иттиҳод ва тараққий»нинг бу тактикасини тушунмас, шу сабабли Отахон Назирхўжаев<sup>1</sup> нимани айтса шуни қилар эди. Отахон Назирхўжаев ўша пайтда сўл эс-эрлар фирқасининг аъзоси эди. Ҳасан қори Хоний эски шаҳар фирқа кўмитетининг раиси эди.

«Иттиҳод ва тараққий» ташкилоти кўмфирқага унчалик хайрхоҳ эмас эди. Шу боис кўмфирқанинг Ҳасан қори Хоний ва Ҳикматулла Мағзумов каби содда раислари ажролиб турор эди.

Ҳақиқатан ҳам бундай кишилар кўмитетга Раис бўла туриб, кўммунистик фирқа душманларининг қўлларидида курул эканликлари ҳақида ўзларича ҳисоб ҳам бермасдилар. Бир воқтни ўзида «Иттиҳод ва тараққий» бундай фирқакўм раисларини аъзоси билан ўз манфаати учун ишлатар эди. Ўртада англашилмовчилик бўлмаслиги учун ўзлари фирқакўм ишига тўғридан-тўғри аралашмай ўз аъзоси Отахон Назирхўжаев орқали таъсир ўтказишар эди.

«Иттиҳод ва тараққий»нинг унчалик миллатчи бўлмагон аъзолари кўмфирқага, ашаддий(лари) сўл эс-эрлар фирқасига юборилар эди. Сўлроқлари кўмфирқага юборилганлиги учун унинг сафидаги аъзолар сўл эс-эрлар фирқасига нисбатан озроқ эди.

1918 йилда кўмфирқага кириш масаласи илк бор кўтарилғонда, бизнинг «Муаллимлар жамияти»да «Иттиҳод ва тараққий» номидан козок ўқитувчи Тузел Жонбоев<sup>2</sup> (у албатта, «Иттиҳод ва тараққий»

<sup>1</sup> *Отахон Назирхўжаев* – “Жамияти имдодия”, “Турон” уюшмалари аъзоси, журналист, жамоатчи.

<sup>2</sup> *Тузел Жонбоев* (1901–1923) Тошкентда яшаб фаолият кўрсатган козок муаллими, журналисти, жамоат ходими.

номидан деб очиқ гапирмади) доклад қилди. У докладида шундай деди: «Биз ҳаракат қилишимиз керак. Шу сабабли аъзолар бошқа фирқаларга аъзо бўлмасликлари лозим. Шу боис бу масала узок муҳокама қилингандан кейин («Иттиҳод ва тараққий» ҳисобланг – С. Тиллахонов) бу мажлис чокирилди. Ҳар бир одам сўл эс-эрлар фирқасига кириши лозим. Ҳозирги пайтда икки фирқа: болшевиклар ва сотсиалист-революционерлар фирқаси мавжуд. Бизга сўл эс-эрлар фирқаси маъқулроқ, чунки уларнинг программаси болшевикларникига нисбатан ўнроқ, бинобарин биз учун фойдалидур. Болшевикларнинг программаси ёмон. Шунинг учун чин миллатчилар сўл эс-эрлар фирқасига сўлроқ миллатчилар кўмфирқасига кириши керак. Болшевиклар фирқасига озгина бўлса-да, барибир аъзо бўлиши керак, уларни четлаб ўтиб бўлмайди.

Мундан сўнг «Иттиҳод ва тараққий»нинг ҳар бир аъзоси ўз раҳбарига қайси фирқага аъзо бўлишни уқтиришларини сўраб мурожаат қилди. Ана шу раҳбарлар орқали ташкилот кимнинг қайси фирқага аъзо бўлишига кўрсатма берди. «Иттиҳод ва тараққий»нинг ушбу тактикасига биноан «Иттиҳоди тараққий»нинг кўпгина аъзолари сўл эс-эрлар фирқасига, озгина қисми кўмфирқага кирдилар. Шундай тарзда Ҳасан қори Хоний ва Ҳикматулла Мағзумов эски шаҳар фирқа кўмитасининг бошига келиб қолдилар.

Ман юқорида айтганимдак, Ҳасан қори Хоний эски шаҳар фирқа кўмитасининг раиси бўла туриб ўзининг вазифасини билмас, ҳатто аъзолик бадалини ҳам воқтида йиға олмас эди. У раҳбариятда бўлишига қарамай раҳбар эмас, балки бошқалар, хусусан, Отахон Назирхўжаев кабилар иродасининг ижрочиси эди. Ҳасан қори Хоний «Иттиҳод ва тараққий»нинг ҳақиқий аъзоси эди.

Ҳасан қори Хоний эски шаҳар фирқасидан чиққандан кейин Девонбеги маҳаллалик Нормухаммад Нормухамедов<sup>1</sup>га гумашта бўлиб ёлланиб Владивостокка кетди. Ўша воқтда у ерда тошкентликлардан Имомбой Мусабоев ва Мурод Зиёвуддинов (яшар эдилар). У Владивостокдан 1922 йилда Тошкандга келиши билан «Ўзгиз» нашриётининг китоб дўконига жойлашиб, 1929 йилгача ишлади. 1929 йили дўкондан бўшаб, интернатларидан бирида хўжалик мудири бўлиб ишлади.

<sup>1</sup> Нормухаммад Нормухамедов – Владивостокда савдо ишлари билан шугулланган шахс.

Ҳасан қори Хоний ашаддий миллатчи, аммо миллатчилик фаолиятида собит эмас. Чунки алоҳида қобилиятга эга эмас, лекин шуни таъкидлаш керакки, у катта ҳазилкаш. У шўро ҳукуматининг тадбирларини ҳам, айрим кишиларни ҳам кулги йўли билан танқид қилади. У кўнгли очик, хушчакчак одам, айёрликни билмайди.

## УБАЙДУЛЛА АСАДУЛЛА ХЎЖАЕВ

5 май 1930 й.

Убайдуллахўжа Асадулла Хўжаев<sup>1</sup> биринчи мартаба ўзбеклар орасидан адвокат бўлгон ва бир мартаба рус маорифидан хабардор бўлгон бир кишидур. Ўқишни битириб Тошкентга келганича биринчи навбатда Мунаввар қори ва унинг тўдасига киришиб кетган. Убайдуллахўжа келмасдан илгари ёшлар ўзларини у қадар кўрсата олмас эдилар. Бунинг ҳам сабаби ўзбек ёшлари орасида рус тилига уста кишилар йўқ эди. Ёлғуз рус тилига эмас, умуман ул воқтда жадидлар кўп насага тушунмас ва билмас эдилар. (Ҳаттоки жадидлар ҳақида Убайдуллахўжанинг отаси Асадуллахўжа махсумни бир танкиди бор, ул ҳам бўлса шундан иборат: «Бутун атрофингга қарасанг жадид бўлиб кетубдур, ўзларини сўрасанг ҳеч нарсани билмайдурлар. Ҳар ким ҳам «афандим, маним фикримча, виждоним қабул қилмайди» мана шу уч сўзни билса жадидия бўлиб кетадур. Ҳаммалари ҳам шундай бўлса ман ҳам жадид! Ман ҳам шул сўзларни биламан. Умуман кўпрак ўқиш керак, кўп нарсани билиш керак, сўнгра жадидман, деса ярашадур», дер эди. Чунки Убайдулланинг отаси Асадуллахўжа, Шариф афанди<sup>2</sup> ва шуларга ўхшагон биринчи ишга (киришгон) қари кишилар – Мунаввар қорилар эди. Илгариги тараккийпарварлар теврасидан бўлгонлар ўшал воқтда Тўлаган<sup>3</sup> охунд домла аларнинг катта лидерларидан бўлгон. Шунинг учун Убайдуллани ўқушни битириб келиши жуда катта аҳамиятга эга бўлгон ва ҳақиқатан ҳам жадидлар шундан сўнг жонлана бошлагонлар.

<sup>1</sup> Убайдулла Хўжаев (1885–1938) – биринчи ўзбек хусусий адвокати. “Садойи Туркистон” газетаси муҳаррири, “Жамияти имдодия”, “Турон”, “Наши маориф” муассисларидан бири, “Туркистон мухторияти” ҳарбий министри.

<sup>2</sup> Шариф афанди – бу кишининг шахсини аниқлаб бўлмади.

<sup>3</sup> Тўлаган домла Каттабоев (1867–1931) – “Эшонкулидодхоҳ мадрасаси” мудариси, эски тараккийпарварлардан.

Убайдуллахўжанинг энг якин дўсти жадидларнинг каттаси – Мунаввар қори бўлгон. Шундан кейин жадидлар Убайдуллахўжанинг эътиборини халқ орасида кўтаруб юборганлар, ҳаттоки халқнинг ўртасида Убайдуллахўжанинг ўзини кўрмагон бўлса ҳам исмини эшитгон киши колмогон дейилса бўладур. Шул воқтларда халқ жуда мутаассиб бўлғонидан Убайдуллани кўргонлар жуда хайрон бўлуб, «Ўзи хўжазода бўлса ҳам шапка кийиб юрар экан, шул иши яхши эмас экан» деб юрар эдилар. Мана шул воқтларда Убайдуллахўжа жадидларнинг ҳар томондан ҳимоя қилувчи аризаларин ёзиб берувчи, ҳар турли ишларга буюрмакни маслаҳат берувчи ва шунга ўхшагон нарсалар ила ўзига тортар эди. Шундан кейин Убайдуллахўжа Мунаввар қори, Абдуҳаким Икромов, Салоҳиддин Муфтизода<sup>1</sup> – бир неча жадидларнинг ўшал воқтдаги катталари йиғилуб Чайкин<sup>2</sup> томонидан чиқориладургон русча «Туркестанский голос» газетасининг таржимаси бўлгон (яъни «Садоий Туркистон» – С.А.) бўлса ҳам мақолалар ҳар қайсисинда ҳам алоҳида ёзилиб ишламоққа киришди. «Садоий Туркистон» газетасини чиқаргонлар. Шунинг ила баробар Фарғонада «Садоий Фарғона» газетасининг чиқора тургонлар. «Садоий Туркистон» газетасининг бош муҳаррири Убайдуллахўжа Асадулла Хўжаев эди. Мана шул йўллар ила жадидликни тараққий қилдируб юборгонлар.

Мундан ташқари маориф ишимизни йўлга солуб жадид мактабларни тузатиш учун ўшал мактабнинг теварагиндаги бойлардан ёрдам олишда мактаб программаларини кенгайтириш – таълим ва тарбия усулларини тузатиш ишига ҳам киришдилар. Шул воқтларда ҳам Убайдуллахўжа Чайкин ила жуда дўст эди. Керенскийлар ила ҳам якин ошно бўлса керак. Шул йўл ила жадидлар 1916 йилгача бир қадар ўзларини тузатиб олгон эдилар. Шул йил ёзда муаллимларнинг маълумотларини оширмоқ учун илгари воқеъ бўлмагон курс ҳам очилди.

---

<sup>1</sup> Салоҳиддин Муфтизода – ёш тарққийпарварлардан бири, Ўзбекистон Ички ишлар комиссари, 1930 йилда қатагон қилинган, қайтиб келиб, тахминан 60-йилларда вафот этган.

<sup>2</sup> Вадим Чайкин (1886–1941) – рус эс-эрларидан, журналист, “26 Боку комиссари” китоби муаллифи.



Курсда Ҳоди Файзий<sup>1</sup>, Булат Солиев, Шаҳидуллин, Мустақаев, ўзбеклардан Мунавварқори, Муродхўжа, Абдулазиз қори<sup>2</sup> дегон кишилар дарс берар эдилар. Шул воқтда... ҳукумат томонидан ерлилардан ишчи (лошмон) олиш ҳаракати бошланди. Шул воқтда Убайдуллахўжа ва Мунавварқорилар воқтдан фойдаланиб, ҳукуматнинг ишчи олишига қоршу ҳаракат қилмоқчи бўлдилар. Албатта мунинг орқасида Чайкинлар ҳам бўлса керак. Мунаввар қорининг ташқарисинда бўлгон курснинг талабаларидан (бизлардан) фойдалануб ҳам бизлардан бошқа ёшларни ишга солуб халқ орасида «Биз ишчи бермаймиз, йигит бермаймиз» деган сўзларни тарқатишга бошладилар. Бунинг ҳам сабаб бўлгон нарса эскидан ёшларнинг фикрлари, тўғриси айтгонда ёшларнинг бошлиқларининг фикри ҳукумат Туркистондан аскар олса эди, бир канча кишиларни ҳарбий ишга ўргатган бўлар эди. Кўб кишилар ҳарбий ишга ўрганалар, сўнгра инқилоб ҳаракатларини қилиш енгил бўлур эди, деган фикрларни юргизур эдилар. Шунинг учун бир ерда халққа ташвиқот қилингонда «ҳукумат ишчи бергондан кўра, аскар бериш керак, чунки ишчи берганда, ишчилар урушда аскарларнинг олдига ўтуб, окоп қазийдурлар, ундан кейин шул қозилгон окопга аскарлар кируб душман ила урушадурлар, ўз-ўзидан маълумки, душман ила бизнинг орамизда бўлгон окопни қозуб тамом қилгунча душман ишчиларни ўлдируб тамом қиладур ёки устларига ҳужум қилуб келуб қолсалар ишчиларнинг қўлларинда белларидан бошқа ҳеч нарсалари йўқдир. Шунинг учун мудофаа учун ҳам ҳаракат қилолмайдурлар. Шунинг учун ишчи бергунча аскар бериш керак, чунки аскар бўлгонда тайёр қилингон окопга боруб урушодирда, душман келгонда ҳам тўғри ўлиб кетмасдан кучи етгунча қўлидан аслаҳаси ила мудофаа қилуб қоладур, деган сўзлар ила ташвиқот қилдира эдилар. (Бу ҳоқда лозим бўлса алоҳида ёзадурман.) Шундан кейин Тошкентда эски шаҳарда ҳукуматга қарши исён қўзғолуб, полисмейстр идорасининг ойналарин синдируб,

<sup>1</sup> Ҳоди Файзий (1895–1937) – Масковда 1924 йилда очилган “Бухоро маориф уйи” директори, Самарканд университети директори, Қрим вилоят масъул ходими. Булат Солиев (1882–1937) – тарихчи олим, Шаҳидуллин – татар зиёлиси, Абдуллабеги Мустақаев – “Иштирокиюн” газетаси ходими, кейинчалик Ўзбекистон КП МК ташвиқот-тарғибот бўлими ходими, Қрим вилоят партия ходими, таржимон.

<sup>2</sup> Муродхўжа домла Солихўжаев (1870–1953) – таникли педагог, Муслихиддин Саъдий Шерозийнинг “Шавки Гулистон” асарини ўзбек тилига таржима қилган.

телефунларни узуб, бир кончаларин урмоқчи бўлгонлар (тамоман бу ҳаракатлар плансиз бўлгон) ва ҳам халқ ўз-ўзига кизиқуб жуда ёмон ҳаракат қилгонларида буларга қаршу полисмейстр идорасидаги пристав, миршаб ва бошқалар отуб, ҳойдаб берганлар ва етти кишини ўлдиргонлар. Бир неча кишилар ярадор бўлгонлар. Шундан кейин ҳукумат суди бир неча кишини ўн йиллик, беш йиллик висилка қамок ва шунга ўхшақон ҳукмлар чиқарқон. Сўнгра Туркистонга Куропаткин губернатор тайин қилингондан кейин Куропаткин<sup>1</sup> келуб бир оз тинчландирмоқ учун суд томонидан ҳукм қилингонларнинг гуноҳини камайтирган ва кечган бўлиб, ишчи олиш идорасини Убайдуллаҳўжа ва Мунаввар қориларнинг ўзларига топширгон. Шундан кейин «Яша оқ подшо, адолатинг бордур» деган Абдулла Авлонийнинг<sup>2</sup> махсус ёзилгон шеърларини ўқуб намоёнш ҳам бир томондан илгари ўзлари қарши бўлгон ишчиларни халқдан олуб юборишга бошлагонлар.

Ҳукумат буларнинг бу қилгон ишлариға аҳамият бермасдан илгари қилгон ишларидан хабардор бўлуб қолуб, шул Куропаткиннинг ўзи Убайдулло Асадулла Хўжаев яна бир кишини Кафказга висилкага юборган. Висилкага кетмасларидан аввал бирданига февраль инқилоби бўлуб қолуб, яна Убайдулла Асадулла Хўжаев ва Низомиддинлар<sup>3</sup> жуда ишга киришуб қолдилар. Ва шундан кейин Убайдуллаҳўжа бошлиқ ва Низомиддинлар сотсиал демократлар фирқаси ила жуда қаттиқ алоқа боғлаб кетдилар ва ҳам «Турон» тараққийпарвар жамияти ила «Жамияти имдодия»ни<sup>4</sup> бирлашмақидан (асосан Убайдуллаҳўжа тиришуви билан) сиёсий жамиятлар (ташқил топган – С.А.) эди. Амаллари шундай юргизиб келган деб, шу орада бошқа ерларға ёшлардан вакиллар ўтқазиш ҳаракатида бўлгонлар ва эски шаҳар масжиди жомеда бўлгон митингга бир неча кишилардан

---

<sup>1</sup> А.Н. Куропаткин (1848–1925) – 1916–1917 йиллардаги Туркистон генерал-губернатори.

<sup>2</sup> Абдулла Авлоний (1878–1934), ўзбек маърифатпарвар шоири, педагог, “Шухрат” газетасининг муҳаррири, “Турон” труппаси муассисларидан бири ва шу номли газетанинг муваққат муҳаррири, талайгина асарлар муаллифи.

<sup>3</sup> Низомиддин Хўжаев (1885–1942) – ўзбек инқилобий ҳаракат намояндаси, Ўзбекистон тарихий ёдгорликлари ва санъатини сақлаш комитети раиси.

<sup>4</sup> “Жамияти имдодия” – 1909 йилда ўз низомига эга бўлган тошкентлик ёш тараққийпарварлар ва бойлар томонидан тузилган камбағал, бева-бечора ва етимларга ёрдам жамияти.

иборат ҳукумат кишилари сайлангон ва ҳам шул мажлисда Убайдулла Асадулла Хўжаев ҳам Мунаввар қорилар томонидан кўрсатилуб эски шаҳар бошлуғи қилуб эски шаҳар полисмейстри Александрўв<sup>1</sup>нинг ўрнига шул воқтгача Тошкент уездининг ҳоқими бўлиб келган Ислонбек Худоёрхонов<sup>2</sup>ни тайин қилдируб олдилар. Ва шундан кейин жомеда сайлангон вакилларни бир ерга тўплаб, бу йиғиннинг отини нима, деб қўйиш масаласи қўйилконда ва шул воқтда аъзоларнинг орасиндан ҳар турли таклифлар бўлкон, масалан, таклиф орасинда Муҳаммад Аминбек Худоёрхонов<sup>3</sup> томонидан шундай таклиф бўлкон: бу йиғиннинг оти «Сирдарёи Тошканд бўлсун!» Негаки, шунда катта ва яхши ном қўйилгон бўладур деган. Мундан бошқалари ҳам шундай иқрора (келгонлар). Мунавварқори томонидан йиғилгон кишилар – йиғилгонлар ислом кишиларининг вакиллари дурлар, шунинг учун бунинг исмини «Ислоннинг шўроси» деб қўйиш керак, шунда қисқарок қилиб айтмакчи бўлсамиз. «Шўройи ислом» деб юргизса бўладур деб «Шўройи ислом»<sup>4</sup> номини қўйилгон. Шунинг устига ички Русиядан мусулмонча билмайдургон Шоҳиаҳмадиев деган мусулмон киши келуб колуб ва Чўқаев ҳам келуб, сўнгра Чўқаев<sup>5</sup>, Шоҳиаҳмадиев ва Убайдулла Хўжаевлар йиғилуб онча кучга эга бўлиб колгонлар. Эртамандан Тошпўлатбек Норбўтабеков<sup>6</sup> ва ҳам қозоқлардан «Олош» газетасининг муҳаррири ҳам қаршилаб, интиллигентлар кўпауб колгонлар. Буларнинг устига Тошкентдаги тотор ёшлари Фарид Тоҳирий, Иброҳим Тоҳирий, Халаф

<sup>1</sup> Александров – 1916-1917 йиллардаги Тошкент уъез полцияси бошлиғи.

<sup>2</sup> Ислонбек Худоёрхонов – Худоёрхоннинг набираси, Тошкент эски шаҳар милицияси бошлиғи, 1917 йилдан миллий озодлик ҳаракати аъзоси, 1919 йилда Афғонистонга ишга таклиф қилинган. 1920–1930 йилларда Афғонистоннинг Франциядаги элчиси.

<sup>3</sup> Аминбек, тўғриси Муҳаммад Яминбек Худоёрхонов – Худоёрхоннинг набираси, “Туркистон вилоятининг газети” муваккат муҳаррири, таржимони. “Қискача Қўкон хонлиги тарихи” муаллифи, “Шўройи ислом” аъзоси, 1930 йилларда қатагон қилинган.

<sup>4</sup> “Шўройи ислом” 1917 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида ташкил этилган ижтимоий-сиёсий ташкилот.

<sup>5</sup> Мустафо Чўқаев (1886–1941) – Петербург университети юридик бўлимини тугатган, ўзбек халқининг давлат ва жамоат арбоби, Туркистон Мухторияти бош нозири, публицист.

<sup>6</sup> Тошпўлатбек Норбўтабеков (1885–1930?) – Петербург университети юридик факультетини тугатган, присяжной поверенний. “Миллий иттиҳол” ташкилоти аъзоси, Бухоро халқ республикасининг Озарбайжон республикаси ва РСФСРдаги ваколатли вакили, Ўзбекистон халқ комиссарлар совети таржимони.

Тўлаков<sup>1</sup>, Содиқ Абдусатаров<sup>2</sup>, Валидов<sup>3</sup> устига Кафказдан келган Хонталишский<sup>4</sup>, Булатхонов<sup>5</sup> ва бошқа шунга ўхшагонлар йиғилиб, буларнинг сўнгидан Татаристондан Абдулборий Баттол<sup>6</sup> тўдаси, Нўширавон Яушев<sup>7</sup> ва шунга ўхшагонлардан жуда кўпайиб кетганлар. Шундан кейин Убайдулла Хўжаев бошқалари ҳозиран ҳукуматни идора қилуб туриш, газетада маориф ишларини тўғирлаб туриш учун Мунавварқорининг қўлига топшируб, ўзи Шоҳиахмадиев<sup>8</sup> ва Чўқаев билан Марказий «Шўройи ислом» ташкил қилгон ва «Марказий шўройи ислом» ва бундан бошқа Русияда ташкил қилингон мусулмон ташкилотлари бирлашуб Петрограддаги «Мусулмон бюроси»<sup>9</sup> воситаси ила иш кўрмокчи бўлгонлар ва шул йўллар ила Убайдулла Хўжаев ва шериклари юқорилаб кетиб, куйи томонга ҳеч бир қарамаганлар. Шул воқтларда уламолар жуда устун чиқиб<sup>10</sup>, ёшларни жуда ёмон эзуб қўйгонлар, шундай воқтларда Туркистонда октябрь инқилоби бўлгон ёки бўлишга жуда яқинлашган бир воқтда ўн минг қадар Сибирияга Туркистон устидан ўтиб кетадургон ва Кафказдан қайтаётгон аскарлар бўлгон. Убайдулла Хўжаев ва Мунаввар қорилар шул аскарларнинг кишилари ила сўзлашуб бир ерга қарор топганлар, ул ҳам бўлса

---

<sup>1</sup> *Фарид Тоҳирий, Иброҳим Тоҳирий, Халаф Тўлаков* – Тошкентда фаолият кўрсатган татар журналист ва педагоглари.

<sup>2</sup> *Содиқ Абдусатторов* (1884–1938) – татар адвокати, “Шўройи ислом” аъзоси. 1919 йилда Туркистон маориф халқ комиссари, кейинчалик Туркистон партия нашриётида бош муҳаррир ва бўлим мудири.

<sup>3</sup> *Р. Валидов* – Тошкентда фаолият олиб борган татар зиёлиси.

<sup>4</sup> *Хонталишский* – Мирзо Аҳмад Хонталишский – Туркистонда 1917-1918 йилларда фаолият олиб борган озарбайжон актёр ва режиссёри, “Мусовот” партияси вакили.

<sup>5</sup> *Пошобек Пулатхонов* – озарбайжонлик ҳукуқшунос, “Миллий иттиҳод” аъзоси, 1937 йилда Қозоғистонда ишлаб турганда катагон қилинган.

<sup>6</sup> *Абдулборий Баттол* – татар журналисти, киска муддат “Улуғ Туркистон” газетасида ишлаган.

<sup>7</sup> *Нўшравон Яушев* (1918 йилда Тошкентда вафот этган) – татар савдогар бойларидан бири, Туркистон ўзбек матбуотида саёхатнома ва публицистик мақолалари билан иштирок этган.

<sup>8</sup> *Ислом Шоҳахмедов* – татар ҳукуқшуноси, Туркистон Мухторияти аъзоси.

<sup>9</sup> “*Мусулмон бюро*”си – 1917 йилда А. Керенский раҳбар бўлган Россия муваккат ҳукумати руҳсати билан Петербургда ташкил этилган бюро.

<sup>10</sup> “*Уламо*” – 1917-1918 йилларда фаолият олиб борган диний зиёлиларнинг сиёсий-диний уюшмаси. Туркистон ХКС қарори билан фаолияти тўхтатилган.

Сибирияга кайтадургон аскарлар Туркистон миллий ҳукумати ўзини тузотуб олгунча бир ой ёки икки ой шул ерда турадургон бўлгонлар. Қачон Туркистон ҳукумати ўзини саранжомлаб олгондан кейин олоқ қурол-аслаҳаларини топшируб, ўз юртлариға кетадургон бўлгонлар ва шул муддат ичида Туркистонлилар олоқнинг озуқ-овқотларини бериб турмоқлари лозим ва қойтуб Сибирияга кетишларида вагон ила тайин қилишлари керак. Мана шундан кейин Убайдуллаҳўжа ва Мунаввар қорилар маслаҳат қилуб, Тошканд бойларини бир ерга тўплаб, олоқдан ёрдам сўрамоқчи бўлгонлар ва шул аскарларнинг Туркистонда тургон воқтларида биринчи керак бўлгон икки милён чамасида бўлгон харажатларни шул бойлардан олоқчи бўлгонлар. Шунинг учун Орифжон Маллабоев, Орифхўжабой, Валиҳожибой<sup>1</sup> ва шуларға ўхшагон Тошканднинг энг катта бойларини бир ерга тўплаб сўзлашганлар. Шунда Мунаввар қори олоқни қараб: (Мунаввар қорининг сўзидан) «Албатта сизлардан Ислоқ дини учун бир нарса сўралса беришга қийнолуб қоласизлар ва миллат номидан сўралса унга ҳам аҳамият бермаюрсизлар. Шунинг учун сизлардан бу иккисининг ҳам шафеъ келтируб ўлтурмаймиз, сизлар учун булардан кўра кўброқ азиз нарса ўз молларингиздур. Ҳозир бўлса, бизнинг устимизда большевик деган бир фирқа ҳужум қилиб турубдур. Буларнинг одатлари ҳеч кимнинг молини, уйини, жойини, кўрасини, магазинини ўзига қўймайдурлар ва ҳама бор нарсасини оладурлар» деб ташвиқот бошлаганида Орифхўжабой томонидан «кўпчилик жойларни ҳам оладурларми?» деб Мунаввар қорининг сўзига ишонмаслигини билдургон. Шундан кейин олар кўп ақча тўплай олмагонлар ва бойлар бу ишга аҳамият бермаганлар. Шундай қилуб, Убайдуллаҳўжа ва Мунаввар қорилар бу ишни ҳам чиқара олмагонлар. Бу ўртада октябр инқилоби бўлуб, ҳукумат рабобийлар қўлиға ўтуб кетгандан кейин Убайдуллаҳўжа, Чўқаев ва Шоҳиаҳмедов ҳам булардан ташқари бир қанча ёшлар Самарқандға боруб мухторият эълон қилгонлар, шуларнинг ҳам бошлиқлари Убайдуллаҳўжа Асадулла Ҳўжаев бўлгон. Қўқондан туруб «Мухторият»<sup>2</sup> деб эълон қилишнинг сабаби

<sup>1</sup> *Орифжон Маллабоев, Орифхўжа Ҳўжаев* (рус манбаларида Ходжинов), *Валиҳожибой Абдуваликов* (1865-1940) – Тошкентнинг машҳур бойлари.

<sup>2</sup> 1917 йилда ташкил этилган ва 1918 йил январь охири февраль бошида шўролар томонидан қонга ботирилган Туркистон Мухторияти назарда тутилмоқда.

бунинг ёлғуз Туркистон ёшларининг, яъни Убайдулла Хўжаевларнинг ўзларининг фикрлари бўлмасдан мунинг орасига оралашуб ишлаб юрганлар – меншевиклар бўлгонлар ва меншевиклар ўзларидан иш чиқара олмагонларидан сўнг ерли зиёлилар кўли ила ишламоқчи бўлгонлар. Шундан Убайдулла Хўжаевнинг ўшал воқта меншевиклар ила қаттиқ алоқаси борлигини тайин қилуб бўладур. Кўкон мухторияти битирилгандан кейин қочуб кетган.

Маскавда турмадан чикуб турғонида ҳам Мунавварқори ила алоқа боғлаб турар эди. Масковга борадургон ташкилотнинг аъзолари орқали хабарлашуб турар эдилар. Масковдан Тошкентга келгандан кейин бул ерда «Нашриёт ширкати»<sup>1</sup> номида бир ширкат ташкил қилди. Ширкатни ташкил қилишдан мақсад хакикатда нашриёт ишлари ила ишлаш бўлмасдан Убайдулла Хўжаев ва Чайкинларни эскидан Берлинда қолгон ўн минг пуд бумаг (қоғоз) ортгон қоғозлари бисёр экан, шул қоғозни бир ташкилот исмидан сўраш лозим бўлиб қолгонлиги учун нашриёт ширкати ташкил қилиш лозим бўлгон экан эмиш (Убайдулланинг ўз сўзидан).

Убайдулла Тошкентда ГПУ<sup>2</sup>да қомолиб чиққонидан кейин мани Тангрикулхожининг боғига чоқирди. Шунда ГПУдан қандай йўл ила чиққонсиз денг деб сўзлаб, ГПУдан туриб Сталин<sup>3</sup>га ёзгон аризасини ўкиб берди. Шундан сўнг аризани тамом ўқуғони йўқ эди. Баъзи ул қадар аҳамият бермаганидек ҳисоб қилиб, аризамнинг нариги томонлари ҳам шундан иборат, деб тўқтаб қўйди ва шундан кейин булар Сталиндан қойтуб келганидан кейин сўрашлар бутунлай бошқа йўлда бўлди. Илгари ҳар бир қоғозлар ҳам бу нима учун деб жуда кўп овора қилуб ўлтурор эдилар. Аризам қойтуб келганидан (сўнг) берган саволларининг ҳар бирига ҳам нима деб жавоб берсам шундай ёзуб, сўнгра айлантурганлари йўқ ва ҳам тездан ишимни битириб бўшатиб юбордилар, деди. Ундан бошқа бир нарса дегани йўқ. Шул юқоридоғи

---

<sup>1</sup> “Нашриёт” ширкати – У.Хўжаев ва В.Чайкин томонидан ташкил этилган ва аслида “Туркистон ширкати” деб аталган нашриёт. Махфий ташкилот аъзолари ширкатнинг Пиёнбозордаги биносида махфий учрашувлар ўтказиб туришган.

<sup>2</sup> ГПУ – Давлат Сиёсий бошқармаси – Туркистон ва Ўзбекистонда миллий зиёлилар, хур фикрли кишиларни ёстигини қуритган ташкилот.

<sup>3</sup> *И.В. Сталин* (1879–1953) – ВКП(б) бош қотиби, СССР давлат бошлиғи, Лениндан кейин шўро империясини бошқарган яққа ҳоким.

сўзларини сўзлагонда ҳам Тангрикулхожи<sup>1</sup> олдимизда ўтурмагон эди, нима учун мани чокириб, шул сўзларни ўзинигина сўзлаб қўйиб, бошқа нарсадан сўзламагонлигини ҳали ҳам яхши тушунганим йўк. Мундан ташқари бирор маслаҳат берармукин, деб бир неча мартаба (меникига) Намангондан келиб кетганлардан кейин, ундан олгон баъзи хабарларни сўзладим.

Допрошенные в процессе дополнительного расследования свидетели Панкратов, Тетюшев, Пушкин (член КПСС с 1919 г.), Холмуратов и Бекбулатов (член КПСС с 1919 г.), знавшие Курбанова до ареста по совместной с ним работе, показали, что им об антисоветской и вредительской деятельности со стороны Курбанова ничего не известно, свидетели Курбанова охарактеризовали как честного и добросовестного работника (л-д 113, 84-94 мат. проверка).

Данными партархива подтверждено, что Курбанов к антипартийным группировками и оппозициям не примыкал. Из партии Курбанов был исключен после его ареста органами НКВД. (л-д. 3, 35 и л-д. 117; i22, 125 мат. провер.)

На основании изложенного и руководствуясь ст. 378 УПК РСФСР, **полагал бы:**

дело по обвинению Курбанова Джумабая вместе с материалами проверки и настоящим заключением внести на рассмотрение Военной Коллегии Верховного Суда СССР на предмет отмены приговора в отношении Курбанова Джумабая и прекращения о нем дела на основании ст. и п.5 УПК РСФСР, т.е. за отсутствием в его действиях состава преступления.

Военный прокурор отдела ГВП майор юстиции Моногаров, подпись:  
«Согласно».

Пом. Главного Военного прокурора полковник юстиции И.Павлов.  
2 ноября 1956 г.

**Вер. Суд Союза СССР.**

**Определение 44-026649/56**

**Военная Коллегия Верховного Суда СССР.**

В составе предшлого – полковника юстиции Борисоглебского.

Членов: подполковника юстиции Красильникова,

Подполковника юстиции Озерова

Рассмотрела на заседании 23 мая 1957 г. в порядке ст. 378 УПК РСФСР заключение Главного Военного прокурора по делу бывшего председателя СНК ККАССР Курбанова Джумабая, 1906 г. рождения уроженца г. Турткуля ККАССР, арестованного 3 июля 1938 года, осужденного 11 июля 1941 года Военной Коллегией Верховного Суда СССР по ст. ст. 58-2, 58-7, 17-58-8 и 58-11 УК РСФСР и приговоренного к расстрелу, с конфискацией имущества. Заслушав док. Красильникова и заключение помощника Главного Военного прокурора подполковника юстиции Базыкина об отмене приговора и прекращении дела,

**установила:**

По приговору суда Курбанов признан виновным в том, что он являлся активным участником антисоветской националистической

организации, вербовал в нее новых участников, осуществлял связь с троцкистами и проводил вредительство в области финансов, сельского хозяйства и культуры ККАССР.

В заключении ставится вопрос об отмене приговора и прекращении дела за отсутствием состава преступления, так как дополнительной проверкой материалов дела установлено, что Курбанов в антисоветской организации не состоял, вредительской деятельностью не занимался, а доказательства, положенные в основу его обвинения, опровергнуты как несостоятельные. Установлено, что Низаметдинов, Авезов, Куленов и другие, якобы участники той же антисоветской организации, осуждены были необоснованно, и дела в отношении них направлены в суд для прекращения.

Данными партархива подтверждено, что Курбанов к антипартийным группировками и оппозициями не примыкал. Проверив материалы дела, дополнительного расследования и соглашаясь с заключением, Военная Коллегия Верховного Суда СССР

**определила:**

Приговор Военной Коллегии Верховного Суда СССР от 11/7-41 г. в отношении Курбанова Джумабая отменить по вновь открывшимся обстоятельствам и дело о нем производством прекращено за отсутствием состава преступления.

Отпр. 8 экз. 2 ноября 1965. Заключение прокурора.

**Наркому внутренних дел союза СССР тов. Берия.  
Прокурору СССР тов. Вышинскому.  
Наркомюстиции тов. Рычкову.  
От б/члена Верховуда Кара-Калпакской АССР  
СЕЙФИ Салаха Низамовича.<sup>1</sup>**

### **ЗАЯВЛЕНИЕ**

3/XI-38 г. на Бюро Кара-Калпакского Обкома КП/б/Уз, по информации ревизора, обревизовавшего отдельные дела Кара-Калпакского Верховуда, Нач.Суд.учреждения НКЮ УзССР Гаврилина вынесено было решение: Пред.Спецколлегии Верховуда Горловского,

<sup>1</sup> С.Н. Сейфи – старший нотариус нотариальной конторы ККАССР в 1939 г., член Верховного Суда ККАССР

членов Верховного Суда Сейфи/меня/ и Альджанова<sup>1</sup>, за искривление закона снять с работы, поручив прокурору Кара-Калпакской АССР расследовать и предложить первичной парторганизации НКЮ КК АССР обсудить партийность этих лиц. 4/ХІ-38 г. по приказу НКЮ КК АССР все трое были сняты с работ, в тот же день 4/ХІ, приблизительно в 10 часов утра, когда я выходил на двор, встретил меня один гр-н, попросил меня пройти с ним в сторону – у него ко мне есть маленькое дело. Я знал, что он сотрудник НКВД ККАССР, хотя он в это время был одет в гражданском костюме. Отойдя шагов 10 в сторону, он сказал, что он является оперуполномоченным НКВД ККАССР и что Нарком его послал вызвать меня, и я пошел с ним вместе.

Я пошел с ним, зашли в кабинет Наркома Внутдел КК АССР тов. Вржежевского<sup>2</sup>, где был он сам и его зам. тов. Мельников. Они мне предложили рассказать обо всем, а именно: почему суд-спецколлегия с моим участием вынесла оправдательный приговор по двум делам по обв. Холда и Гайкоровича и др., также почему на Касколлегии Верховного Суда прекратили дело по спекуляции /дело по обв. Яблонского/. Когда я им рассказал об этих делах, они говорят, что это не так, ты не хочешь рассказать правду и не так формулируешь, а вот не так ли и т.д. Потом предложили все это написать в виде заявления на имя Наркома Вржежевского, дескать это облегчит твоё положение, а иначе можешь очутиться в таком положении, где уже будет поздно рассказывать. И добавил: «Как сядете у меня здесь, все расскажете и пойдете за теми националистами, которые уже осуждены, где у меня сидят. Тут никакие прокуроры не лезут, это не общая тюрьма, куда кому не лень сует свой нос, и т.п.». Затем задавали ряд вопросов.

Например почему десятки националистов ходят по улице, почему пом. прокурора Каракалпакии – пьяница в рядах партии, а я 5 лет здесь работаю и т.д. и т.п. Когда я им писал в виде заявления, они опять начали, что я не то писал, предлагают писать полит. языком и дать полит. анализ. Таким образом, меня, задерживая с утра до позднего вечера, по существу допрашивали Нарком и зам. его попеременно. Я уже уставши, не знаю, что им писать, тогда, как нет такого положения, которого они требуют. Потом говорят, что они мне помогут, как написать. Зам.

<sup>1</sup> *Альжанов* – Член Верховного Суда ККАССР.

<sup>2</sup> *Е. Ф. Вржежевский* (1900-?) – Народный комиссар НКВД ККАССР в 1939 г.

наркома Мельников<sup>1</sup> начал сам писать заявление на имя Наркома с тем, чтобы потом я это заявление переписал и подписал. А он написал так: «Мы смазывали политические дела, оправдали контрреволюционеров, этим самым возмущали общественность, в этом виноваты не только мы, но и Наркомюст, Верховный Суд и Прокурор Каракалпакии и т.д.». Когда я отказался переписать такое заявление-небылицу, то зам. наркома разнервничался и говорит: «А не хочешь так писать, то как хочешь. Я хотел тебе помочь. Тебе же хуже будет. Все равно расскажешь, как только тебя посадим и начнем допрашивать и т.д.»

Все вопросы с утра до вечера сводились к тому, чтобы я признал себя умышленно совершившим преступление, т.е. вредителем, и других спутал, хотя я таким не был и не буду. В такой обстановке я писал заявление и дополнение к нему, всего 5-6 п/л. Впоследствии Нарком сказал: «Ну ладно, это подтвердишь, хорошо», – и выпустили меня. С того времени прошло уже больше двух с половиной месяцев, вся это тяготя не кончается. Считаю вышеуказанные действия по отношению ко мне неправильными и необоснованными, прошу принять зависящие от вас меры. К сведению могу сообщить еще следующее:

первичная парторган., всесторонне обсудив вопрос на партсобрании 24/XI-38 г., ограничилась объявлением мне выговора 28/XI-38 г. Горком /Бюро/ исключил нас из рядов партии. 28/XII-38 г. обком это решение утвердил, т.е. решение Горкома. Это решение обкома апеллировал ЦК КП/б/Уз. Сам я уроженец Челябинской обл., происхожу из крестьян-бедняков, по национальности татарин, в Каракалпакии работаю 13 лет, остался здесь после демобилизации из Кр. Армии, член партии с 1924 года, в органах юстиции работал 5 лет, спец. образования не имею. С 25/XI-38 г. работаю ст. нотариусом Респ. Нот. Конторы.

**24/I-39г. Сейфи**

**Адрес: гор. Турткуль ККАССР, Ленинская улица д. № 37.**

**Сейфи С.Н.**

---

<sup>1</sup> Мельников (?) – заместитель НК НКВД ККАССР в 1939 г.

*Кириш сўз муаллифи ва нашрга тайёрловчилар*  
*Бахтиёр ҲАСАНОВ,*  
*тарих фанлари доктори*  
*Баҳром ИРЗАЕВ,*  
*катта илмий ходими,*  
*«Қатагон қурбонлари хотираси» музейи*

## **ҚОРИ ЁҚУБОВНИНГ СССР БОШ ПРОКУРОРИ НОМИГА ЁЗГАН АРИЗАСИ**

*Муҳиддин қори Ёқубов (1896–1957) миллатимизнинг улуг санъат дарғаси. Ўтган асрнинг биринчи ярмида унинг хизматлари натижасида халқимиз орасидан етишиб чиққан қанчадан-қанча ажойиб хонандаю созандалар, раққосу раққосалар ўзларининг беназир маҳоратлари билан ўзбек миллий мусиқа санъатининг шаклланиб, гуллаб-яшнашига улкан ҳисса қўшган эдилар. Қори Ёқубов буюк санъаткор, бетакрор овоз соҳиби, кўшиқчи, артист ва режиссёр эди. Унинг мураккаб ҳаёт йўли ва сермахсул ижодига назар солар эканмиз, унда бир пайтда шарқ ва ғарб мусиқа санъатининг чуқур билимдони ва ижрочиси сиймоси мужассам бўлганига ишонамиз. Унинг тақдирида ўтган асрнинг бошларида халқимизнинг бошига тушган барча кўргуликлар жо бўлган эди. У икки ёшида ўз отасидан етим қолган ва бутун ҳаёти давомида мана шу сиёсий алғов-далғовларнинг қурбонига айланганди. У дастлаб водий халқи орасида ўзининг ширали овози билан Қуръон тиловат қилиб, ҳофизи Қуръон, қори сифатида кўпчиликнинг тилига тушди, сўнги сиёсий ўзгаришлар уни санъат йўлига бошлади. Қори Ёқубов халқимизнинг кўп асрлик улкан мусиқий меросини, унинг хилма-хил, бой қатламларини мукаммал ўзлаштирган инсон эди. У тинимсиз меҳнати ва ижоди жараёнида халқимизнинг мусиқий маданиятининг ривожланишига улкан ҳисса қўшди.*

*У Туркистон Республикасининг биринчи кўшиқчиси, 1923 йилдаёқ унга шундай фахрий унвон берилган эди.*

*У биринчи ўзбек баритон-кўшиқчиси, яъни кўп асрлик томоқ ижро анъаналаридан воз кечди.*

*У биринчи замонавий ўзбек мусиқа, рақс ва ижро ансамблининг ташилотчиси ва раҳбари.*

*У биринчи ўзбек мусиқали театрнинг асосчиси артисти ва режиссёри.*

*У Москва Давлат консерваторияси қошидаги биринчи ўзбек опера студияси асосчиси ва раҳбари.*

*У ўзбек опера театри спектаклининг биринчи ижрочиси, у ўзбек филармониясининг асосчиси ва раҳбари, у ўзбек маданиятини чет элларда тарғиб этиш бўйича биринчи ўзбек кўшиқчиси, 1925 йилда Парижда ўтказилган Бутунжаҳон декоратив санъати кўргазмасининг очилиш маросимида ўзбек ашула ва рақс дурдоналарини шундай беназир маҳорат билан ижро этадики, бу нотаниш артистнинг номи бир неча кун давомида Париж газеталари саҳифаларидан тушмай қолган эди. Албатта, Қори Ёқубов ҳақида бу биринчиларни яна давом эттириш мумкин. У ўз халқининг эрк ва озодлик кўйчиси бўлиб қолди. Унинг шон-шавкати қанчалик улғайса душманларининг нафрати ҳам шунча ўсиб борди. Шу боис бўлса керак, у қанчалик «шўролар тарғиботчиси» бўлмасин, тузум манфаатларига хизмат қилмасин, қаҳрамонимизнинг ҳаёти доимий равишда маълум кучлар томонидан қаттиқ кузатиб турилди. Гарчи, 1937-1938 йилларда амалга оширилган «Катта қиргин»дан омон қолган бўлса-да, 1952 йилда ўтказилган қатагоннинг янги тўлқинидан ўзини асраб қола олмади ва қилган хизматларига қарамай бутун умри давомидаги қилган «ишончсиз» ҳаракатларига жавоб беришга мажбур этилди ва «халқ душманлари» билан яқин алоқада бўлганликда, шўроларга қарши аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, 25 йилга озодликдан маҳрум этилди.*

*«Тарихнинг номаълум саҳифалари» тўпламининг 3-китобида ҳурматли устозимиз, профессор Н.Каримовнинг «Муҳиддин Қори Ёқубов» мақоласи кўпчилик китобхонлар томонидан қизгин кутиб олинди. Мақолада санъаткорнинг юксак сиймоси ва улуг хизматлари объектив ёритиб берилган эди. Унинг истиқлолга чанқоқ ватандошларимиз орзу-армонларини, ўз даврида ўзининг янгроқ овози билан қуйлагани, ҳаттоки давлат аппаратининг юқори эиолонларида турган раҳбарларини ҳам йиғлатгани қатор мисоллар орқали Н.Каримовга хос маҳорат билан таърифланганки унга кўшимчанинг ўзи ортиқчалик қилади. Бу сонда музейимиз архивида сақланаётган Қори Ёқубовнинг СССР Бош прокурори номига 1955 йил 9 сентябрда ёзган аризасини кенг ўқувчилар оммаси эътиборига ҳавола қилишни маъқул топдик. Қуйида*

*илк бор эълон қилинаётган мазкур аризанинг тўлиқ матни китобхонда мустабид тузимдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг мураккаб қирралари, совет жазо органларидаги ҳақсизликлар, маълум мақсадни амалга ошириш йўлидаги барча ноқонуний ҳаракатларнинг ишга солиниши, инсон тақдирига нисбатан беписандликни кўрсатиб беради. Аризани ўқир экансиз, улуғ инсонга нисбатан ноинсоний муносабат, қуруқ тўхмат, тинимсиз терговлар, азоб ва уқубатларнинг барча-барчасини муаллифнинг ўзи ўз қўли билан ёзади. Шу ўринда муаллиф айрим ўринларда ўзига қарши маълумотларни беради, жонини сақлаб қолиш мақсадида маълум жойларда советларга қилган беназир хизматлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Инсон ҳаёти муқаддас, бироқ ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида бошқаларга тўхмат қилишдан тийилади. Бу ҳам аслида улкан жасорат эди. Уни ҳис қилиш ва тушиниш, истибдод ва истиқлолнинг нима эканлигини яна бир бор англашда фойдадан холи эмас деган умиддамиз.*

#### ГЕНЕРАЛЬНОМУ ПРОКУРОРУ СССР

от Кари Якубова А.Мухитдина,  
осужденного 13-14 ноября 1952 г.

Судебной Коллегией по уголовным делам  
Ташкентского Облсуда Узб. ССР  
по ст. 58,66 ч. II и 67 УК Узб. ССР,  
проживающего в г. Ташкент,  
Пролетарская ул. д. 4, кв. 34.

#### ЖАЛОБА В ПОРЯДКЕ НАДЗОРА

Я был арестован по материалам, сфальсифицированным ближайшим подручным разоблаченного врага советского народа БЕРИЯ, осужденным в 1953 году Гоглидзе, который, будучи Министром госуд. безопасности Узбекистана, собирал на меня материалы.

Во время расследования по моему делу, которое производилось в МГБ Узб.ССР, я был поставлен в невыносимые условия.

Меня, старого и больного человека, подвергали избиениям, длительным «стойкам», в результате чего опухали мои ноги, допрашивали днём и ночью, лишали в течение длительного времени сна и отдыха.

Допрос все время велся в издевательском тоне, на русском языке, которым я владею недостаточно, без переводчика.



Все это делалось с целью вынудить меня подписать сострепанный пробравшимися в МГБ преступниками протокол допроса, в котором содержалось «признание» в преступлениях, никогда мною не совершенных, свой собственный самооговор и оговор других, преданных, как и я, партии и Советской Родине, представителей узбекской интеллигенции.

Частично им это удалось, и я, находясь в состоянии полного изнеможения, был вынужден подписать сфабрикованный протокол допроса, в котором вся моя жизнь, посвященная развитию искусства, национального по форме и пролетарского по содержанию, отданная целиком без остатка на службу всему советскому народу, была искаженно показана как направленная во вред народу, которому я отдал все свои знания и талант.

После того, как мне был вынесен тяжелый и несправедливый приговор, я не был оставлен в следственной тюрьме, где в течение 5 месяцев меня содержали в подвале, в одиночной камере, и вынуждали дать показания на виднейших представителей узбекской советской интеллигенции: Халиму Насырову – нар. артистку СССР, депутата Верховного Совета Узб. ССР; Яшина (Камилова) – писателя-драматурга, депутата Верховного Совета Узб. ССР; Тамару Ханум – народную артистку Узб. ССР; Уйгура (Маджидова Маннона) – народного артиста Узб. ССР, Ашрафи Мухтара – народного артиста СССР, композитора; Джалилова Тухтасина – народного артиста Узб. ССР; композитора, и других видных деятелей культуры.

Мне угрожали, что я так и погибну в этом подвале, не увижу света солнца, если не оговорю перечисленных лиц, обещали разные льготы в случае дачи мною провокационных показаний.

Все это бросает яркий свет на то, каким образом эти враги советского народа добывали показания и какая им цена, насколько они достоверны и можно ли их принимать во внимание.

Как видно из приговора, меня обвинили в том, что я «был воспитан в панисламистском духе», и осудили по эпизодам, в основном имевшим место около 40 лет тому назад, еще до установления советской власти в Узбекистане.

С целью моего обвинения в приговоре были преднамеренно искажены исторические события, и представили дело таким образом,

якобы организация «Шураи-ислам» вела вооруженную борьбу с молодой советской властью, и приписали мне активное участие в этой организации, вооруженных выступлениях и призывах к созданию т.н. «Кокандской автономии».

В действительности же «Шураи-ислам» существовала с февраля 1917 г. и была распущена после Великой Октябрьской Социалистической Революции. Конечно, эта организация была националистического и культурно-просветительного толка, но я никогда ее членом не состоял, а лишь работал сторожем при одном из ее помещений в г. Скобелеве Ферганской области и принимал участие в духовом оркестре.

Мне было только 19 лет, я был очень молод, совершенно не развит политически, не владел русским языком и, имея склонность к музыке, тянулся к ней всей душой.

Возможность петь и играть в духовом оркестре была для меня так заманчива, что я принял участие в музыкальном кружке, конечно, не отдавая себе отчета и не понимая, что это за организация «Шураи-ислам», каковы ее цели и задачи, и вот почти через 40 лет, на склоне своей жизни, я вынужден отвечать за действия, совершенные в ранней молодости, причем, подчеркиваю, не преступления, ибо преступником против сов. власти я никогда не был.

Я даже не могу это назвать ошибками или заблуждениями, ибо у меня тогда не было абсолютно никаких политических взглядов или убеждений.

Работая в качестве сторожа, я иногда выполнял обязанности курьера-разносчика, доставлял письма или записки, содержание и назначение которых мне, конечно, было неизвестно. Я не знаю, были ли эти письма любовного содержания, или же в них содержалось что-либо другое. Однако авторы приговора считают, что я «доставлял секретную переписку» в организации «Шураи-ислам», расположенные в Средней Азии, «чем способствовал развитию их деятельности».

Если учесть, что все это имело место до Великой Октябрьской Социалистической Революции, весной и летом 1917 года, то станет ясна вся нелепость и вздорность этого обвинения.

А ведь, как видно из приговора, это обвинение является основным и наиболее тяжелым из всего, что мне было предъявлено, от него искусственно протягиваются нити к тому, что было сфабриковано уже в последний период.

Таким образом, несостоятельность первого и основного обвинения очевидна.

Также являются неправильными имеющиеся в моем деле материалы о том, что я якобы состоял членом литературных националистических групп или кружков «Чигатой Гурунги» и «Кизыл калам».

Литературно-писательский кружок «Чигатой Гурунги» существовал легально в Ташкенте в 1919–20 годах. Я никогда писателем или литератором не был и никакого участия в литературных и писательских организациях не принимал. Я лишь единственный раз присутствовал на докладе Фитрата о литературном языке Чагатая. Это было в 1919 или 1920 году, т. е. 35–36 лет тому назад.

Однажды я был приглашен выступить как артист в концерте после собрания писательской группы «Кизыл калам» (Красное перо), где был доклад о творчестве Навои. Я принял это приглашение и выступил с несколькими номерами. После концерта все писатели и участники концерта сфотографировались. Там был и я.

Однако, разве это может являться доказательством моего участия в организации «Кизыл калам»?

Совершенно очевидно, что и это обвинение необоснованно, как и предыдущие.

В 18–20 годах я был актером театра «Туран» в районе «Старого города».

Этот театр впоследствии был реорганизован в драматический театр имени Карла Маркса, а затем в ныне существующий академический театр имени Хамзы.

Этот факт из моей биографии полностью отвергает беспочвенные обвинения приговора о том, что я «боролся с советской властью».

За время моей театральной работы я переиграл множество ролей в различных пьесах, исполнял самые разнообразные произведения.

Многие пьесы, в которых я играл, сняты с репертуара по различным причинам, это же относится к исполнявшимся мною произведениям.

Однако я никогда не исполнял запрещенных произведений, вся моя артистическая деятельность протекала открыто и публично.

Было бы нелепостью ставить мне в вину, что некоторые из исполнявшихся мною вещей или пьес, в которых я играл, сейчас запрещены, признаны националистическими или вредными по своему содержанию.

Артист не может нести ответственность за содержание исполняемого им произведения, если оно на день исполнения было официально разрешено к исполнению соответствующими властями.

Это обвинение также носит искусственный характер.

На этом по существу заканчиваются все обвинения, связанные с моей прошлой деятельностью.

Они были основаны исключительно на клеветнических показаниях заранее подготовленных свидетелей и находящихся в моем деле выписках из показаний, относящихся к периоду 1937–1938 годов.

Я считаю нужным указать, что для того, чтобы меня осудить, подобрали «свидетелей» из числа бывших людей, ненавидевших меня за то, что я с первого дня советской власти пошел в ногу с большевиками.

Это Мадияров, в прошлом крупный торговец мукой, Арапов – работник Ферганского базарного комитета и их друг Шакиров.

Какова цена подобным показаниям, Вы знаете сами. Они не поддаются никакой объективной проверке, являются ничем не подтвержденным оговором. Люди, от которых эти показания получены, давали их в условиях нарушения требований советских законов.

Поэтому все эти материалы должны быть отвергнуты, ибо они не могут быть положены в основание обвинительного приговора.

Обвинение в высказывании антисоветских националистических настроений основано исключительно на показаниях руководителя оркестра народных инструментов Узб. Гос. филармонии Петросяна и некоторых уволенных мною из этой филармонии лиц в бытность мою директором Узб. Гос. филармонии в период 1947–48 годов.

Все эти люди считали, что они уволены из филармонии по моей личной инициативе, и считали меня поэтому, исходя из отсталых понятий и предрассудков, своим врагом.

Когда в 1947 году был опубликован доклад покойного т. Жданова об опере Мурадели, я высказал Петросяну мысль, что нам необходимо обогащать узбекскую национальную музыку за счет народных мелодий и песен, а Петросян в 1952 г. умышленно искажил мое совершенно правильное высказывание и представил дело таким образом, будто я считал, что узбекскую музыку необходимо очистить от всех влияний музыкального творчества братских народов и развивать только узбекскую музыкальную культуру, не давая хода другим.

На производственном совещании работников филармонии я доказывал, что нам необходимо в штате бухгалтерии рекламного и репертуарного отдела иметь лиц, владеющих узбекским языком, ибо в противном случае страдала производственная работа, так как рекламу мы должны были распространять не только на русском, но и на узбекском языках, а работники филармонии, многие из которых плохо владели русским языком, сталкиваясь с бухгалтерией, терпели различные неудобства.

И вот такое предложение было тоже тенденциозно истолковано как проявление национализма.

Ясно, что это грубейшее искажение политики партии в национальном вопросе, допущенное во вражеских целях подручными шайки Берия.

Совершенно очевидно, что в подобных высказываниях полностью отсутствует всякий состав преступления.

Чтобы легче было осудить меня, фальсификаторы исказили мои биографические данные. Например, я назван в приговоре происходящим из семьи духовенства.

Это грубая ложь. Мой отец никогда духовным лицом не был. Он был сельским учителем и умер, когда мне было от рода 2 года.

Меня воспитал отчим – Ташмет Хасанбаев, рабочий-маляр по специальности. Следовательно, я происхожу из семьи рабочего, а не духовного лица. Такое искажение было необходимо, чтобы хоть как-то подкрепить тезис обвинения, что я был воспитан в «панисламистском духе».

А между тем, я с первых дней установления советской власти в Узбекистане являюсь ее сторонником, принесшим ей на службу все свои знания и способности.

С 1918 года я работал в труппе Обл.ОНО. С начала 1919 года находился в распоряжении Политуправления Туркфронта, обслуживая на агитпоездах части Красной Армии.

Не раз приходилось прямо с концерта брать в руки винтовку и идти в цепь для отражения нападающих басмаческих банд.

И вся эта огромная, принесенная на службу народу нашей Родины жизнь зачеркнута несправедливым приговором Ташкентского областного суда.

Я не буду нескромным, если скажу, что после Октябрьской революции я был одним из первых узбекских певцов и артистов, безоговорочно принявших советскую власть и поставивших свое искусство на службу трудовому народу.

В 1923 году мне было присвоено почетное звание первого народного певца Туркестанской республики, а в 1937 г. – народного артиста Узб. ССР.

Я воспитал и вырастил ряд артистов и до сих пор украшающих собой не только наше национальное, но и общее искусство народов СССР, в частности это Тамара Ханум, Мукарама Ханум и др.

Все это подтверждает, что приговор в отношении меня был неправильным, ибо я советский человек, советский артист, я предан нашей Коммунистической партии и, несмотря ни на что, считаю себя ее солдатом на фронте культуры и искусства.

Я прошу Вас реабилитировать меня, вернуть в ряды бойцов армии советского искусства.

(КАРИ-ЯКУБОВ М.)

«9» октября 1955 года.

**Зайнобиддин АБДИРАШИДОВ,**

*ЎзМУ Ўзбек филологияси  
факультети катта ўқитувчиси*

### **МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ ТАШҚИ ДАВРИЙ МАТБУОТДАГИ ПУБЛИЦИСТИК ФАОЛИЯТИГА БИР НАЗАР**

Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистондаги барча жадидлар, маърифат-парварларни бирлаштиришга интилган йирик шахсдир. Ҳожи Муин таърифлаганидек, «Биздаги янгилик раҳбарларининг бири ва балки биринчиси, шубҳасиз Маҳмудхўжа Беҳбудийдир. Беҳбудий афанди уйғониш даври ва ўзбек адабиёти тарихида биринчи ўрунни олурга лойиқ бир зотдур...»<sup>1</sup>

Шу билан бир қаторда у бутун Россия империясидаги илғор, хур фикрли, ислохотчи мусулмонлар билан мунтазам алоқада бўлиб турган. Айниқса, у крим-татар маърифатпарвари, Россия мусулмонлари орасида ёйилган жадидчилик-янгилиниш ҳаракатининг асосчиси Исмоил Гаспринскийнинг содиқ мухлисларидан, шогирдларидан

<sup>1</sup> Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Беҳбудий. // Учқун, 1923. 1-сон.

бири десак, хато бўлмас. Чунки унинг фикрлари, қарашлари кўпда Гаспринский тутган йўлга, олиб борган ишларига мувофиқ тушган. Бу ҳолни Бехбудийнинг ўзи ҳам мақолаларида тилга олади. Немис олимаси профессор Ингеборг Балдауф таъкидлашча, Бехбудий Гаспринскийнинг «мусулмон жамияти ижтиҳод эшикларини ланг очиб, яхшилик томон юз тутади, ҳозирда ҳукм суриб турган бидъат, хурофотдан халос бўлади» деган фикрларини жон-дилдан маъқуллар, ўзи ҳам шу фикрда эди.<sup>1</sup>

Бехбудий Туркистон аҳолисини маърифатли, билимли қилишда жуда сермахсул, сермазмун фаолият олиб борди. Яна Ҳожи Муин сўзлари билан айтиладиган бўлсак, «Бехбудий афанди... кўлига қалам олиб, ...Туркистоннинг янгилик ва юксалишига ҳормай-толмай, талашиб-тортишиб хизмат қилгон бирдан-бир муҳаррир ва йўлбошчи»<sup>2</sup> эди. Унинг ушбу фаолиятининг энг муҳим бир қисмини журналистлик, газетачилик ташкил қилади. У бир қанча вақтли матбуот нашрларини чиқариш билан бирга, «Хуршид», «Тужжор», «Ҳақиқат» (кейинчалик «Шухрат») каби маҳаллий газета ва журналларда иштирокидан ташқари Кафказ, Қрим, Волга бўйи мусулмонларининг вақтли нашрларида ҳам фаол қатнашиб турган.<sup>3</sup> «Бехбудий афанди, — ёзади Ҳожи Муин, — Кафказ, Тотористон ва Туркистонда чикқан матбуотда доим адабий, илмий, ижтимоий ва сиёсий мақолалар ёзиб турар эди.»<sup>4</sup> Бехбудий жами 18 вақтли матбуот нашрларида фаол қатнашган ва жами мақолаларининг сони 200 га яқин бўлган.<sup>5</sup> Ҳожи Муин кўрсатган бу нашрлар орасида Туркистондан ташқарида нашр қилинган «Таржимон», «Вақт», «Шўро», «Тирик сўз», «Улфат», «Иршод», «Тоza ҳаёт» каби ўз даврининг машҳур газета ва журналларини кўришимиз мумкин.

Бехбудий мақолаларининг аксарияти Туркистон мактаб-мадрасаларининг ислоҳи, бу борада қилинаётган сатъ-ҳаракатлар ҳақида эди. «Бехбудий мақолаларининг кўбиси муҳим мавзуларда ёзилгон бўлуб,

---

<sup>1</sup> Бу ҳақда қаранг: Ингеборг Балдауф. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Т.: «Маънавият», 2001, 25-бет.

<sup>2</sup> Ҳожи Муин. Махмудхўжа Бехбудий. // Учқун, 1923, 1-сон.

<sup>3</sup> Бу ҳақда қаранг: Ингеборг Балдауф. XX аср ўз... 26-бет.

<sup>4</sup> Ҳожи Муин. Махмудхўжа Бехбудий. // Зарафшон, 1923, 25 март.

<sup>5</sup> Юкорйдаги манба.

хануз эскирган эмас ва бу кунларда ҳам биз учун дастуруламал бўлатурғон фойдалиқ сўзлардур»<sup>1</sup>, деб ёзади ўз вақтида Ҳожи Муин. Масалан, унинг «Таржимон»даги «Туркистонда мактаб лисони» (1909 йил, 14-, 21-сонлар) мақоласи «...мактаб лисони таҳсиласи бобинда баҳс...» бўлиб, бунда Бехбудий Туркистондаги мактабларда таҳсил бир тиллик эмас, бир неча тиллик бўлишини ёқлаб чиққанлигининг гувоҳи бўламыз.

Бехбудийнинг Туркистондан ташқаридаги вақтли нашрлардаги фаолиятини кузатар эканмиз, унда вақт жиҳатдан маълум бир чегараланишни кўрамиз, яъни 1909 — 1913 йиллар орасида у ўша нашрларда фаолроқ иштирок этган ва ўз мақолаларига «Муфтийи дору-л-қазо Маҳмудхўжа бин Бехбудхўжа», «Дору-л-қазо муфтиларидан: Маҳмудхўжа Бехбудий» каби имзолар қўйган.

Шуниси ачинарлики, Туркистон жадидларининг етакчиси бўлган Бехбудийнинг ўлкадан ташқаридаги вақтли матбуотда эълон қилинган мақолалари ҳалигача тўпланиб, тадқиқ этилмаган. Бу Бехбудий ижодини ўрганишда ҳозирги тадқиқотчилар олдида турган долзарб вазибалардан бири ҳисобланади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, ушбу қисқа мақола сўнгида Бехбудийнинг «Таржимон» газетасида босилган айрим мақолаларининг матни илова қилинмоқда. Бехбудийнинг қуйида берилган мақолалардаги фикр ва қарашлари унинг фаолиятидаги янги қирраларни очишга хизмат қилиши муҳаққакдир. Масалан, Бехбудийнинг Фарғона вилояти бўйлаб 1908 йили саёҳатга чиққани ханузгача номаълум эди ёки граф Пален билан бўлган учрашувида кўрилган асосий масалалар Туркистон мактабларида ўқитиш тили бўлгани ва ҳоказо. Мақолаларнинг матни, тили ва услуби сақланди.

### **Ҳақиқат ҳар тарафдан зухур эдар**

«Улфат» рафиқимизнинг 20 нчи нўмерли нусхасинда шаҳри Самарқанднинг аҳли ирфон қозиси фазилатлу ал-Ҳож Маҳмудхўжа жанобларининг пек гўзал бир мактуби кўрилди. Лисони умумий ва лисони адаб масаласина доир энг эски Туркистон, энг қадим Ватан ўлан Самарқанддан чикмиш довуш ва садоя диққат буюрдук, қози Маҳмудхўжа буюруюр.

«Русия мамлақатининг ҳар бир тарафинда беш-ўн нафар ғазита, авроқи фанния ўкувчи мусулмонлари бўлундиғи каби бизнинг Самар-

<sup>1</sup> Ҳожи Муин. Маҳмудхўжа Бехбудий. // Зарафшон, 1923, 25 март.



канда ҳам ўқувчилар топиладур. Адабиёти жадида корийларининг мажмуъиға «Таржимон», «Улфат», «Иршод», «Ҳаёт» ила «Юлдуз», «Озод», «Нур» ва амсоли арз этилса, шубҳа йўқки, бизим жихатнинг адабиёти жадида ила машғул кишилари аввалги синф аврокни иккинчидан таржих эдарлар. Аввалгиларнинг мутолааси осон ўлғонға кўра мазмунина вокиф ўлурлар. Туркий ғазита ва рисоаларни истиъол этмамиш туркистонлига мазкур икки синф варақалар кўрсотулуб суол эдилса, албатта биринчи синфға тушунадурки, сиза тажриба ила собит ўлмишдур.

Юқорида мазкур сўзларга неки ёлғиз Самарқанд ғазитахонлари иқрор этсалар, балки Осиёи Вустодаги барча адабиёти жадида шоғиллари наздига макбуллиги ҳар жихатдан собитдур. Адабиёти жадида қироати ила машғул: бухорий, тошкандий, хўқандий, едисувли, хивали одамлардан бен кендим истифдор этдим. Мақола ва мактубларина диккат этдимки, лисони ҳол ва қол ила ҳаб биринчи синфни иккинчидан таржих ва таҳсин эдарлар. Бунга далилиқома эдабилирам. Зеро, бир тарафнинг авом-ўрам тили ила ёзилмиш ғазита ё мактуб дигар тарафда аслан ва қатъан мафҳум ўлмас. Янги адабиёт ва ғазиталардан беҳабар туркистонли муллоға «Таржимон» ила «Нур»; «Улфат» ила «Озод» кўстарилса, «Таржимон» ила «Улфат»га тезлик ила тушунадир; чунончи, биз тажриба этуб билдик. Русияда туркий ғазиталарнинг аксар муштарийлари адабиёти жадида ошиқи толибларидир. Фанний, адабий, сиёсий мақолаларни коффа авом-ўрам тили ила ёзмоқ мумкин дагилдир. Фанний, адабий, сиёсий шайлар куч-қулфат ила ўрам тилинда ёзулсада, авом фаҳмламайдир. Фаҳмласа ҳам илтифот этмайдир. Адабиёт, қироати жаридая одат этмамиш муллолар янги шева ила ёзилмиш рисоаларни ўқумасаларда, адабий тилни таржих эдарлар.

Ҳар тарафда ўрам тилиҳа иқтидо қилуб, китоб, ғазиталаримизни олар тилиға беш-ўн сана ёзар эсак, басбутун тилимиз қолишмас; коидалик туркий тилдан маҳрум бўлажағимиз лозим келадур.

Рубъи асрдан беру миллатимизға тил ва қалами, қуввати қалби ила хидмат эткан, матбуоти жадидамиз раиси ҳам отаси жаноб Исмоилбек ҳазратларина тил бобинда табъийят этмак Русияда бор барча муҳаррирларга лозимдур. Такрор арз қиламанки, туркистонийлар

«Таржимон», «Улфат», «Миръот», «Ҳаёт», «Иршод» мактуботина «Юлдуз», «Озод», «Қозон муҳбири» ва бошқалардан тезрак тушунадир.

Шу кун биза бир шева керакки, Русия доҳилинда 25 милйун аҳли исломнинг синфи олийи ва васатийи ўшал шева ила бири-бирини ифодаи мурод эда билсун. Бу кун биза бир шеваи васатияя иттиҳоз этмак лозимдирки, беш-ўн санагача барча мактабларимиза таъсир эда билсин; Русиянинг ҳар бир тарафида чиғатурғон авлоди ахлоф ояндамиз умуман бир лисони адабияя молик ўдсун; Қримда, Қофқозда таълиф ўлинмиш китоб Туркистонда, Қозонда, Сибирда ўкула билсин; бир мактаб ичин таълиф ўлинмиш китоб Русияда вор ҳамма мактабларда ўқурлук ўлсин.

Яъни бизим Русия мусулмонларининг лисони адабиялари, мактаб, мадраса проғромлари, усули маъишатлари бир бўлса керакки, иқтизийи ҳол, ижоди замон шудур. Бунинг мабдаи асоси таъотийи афкори тавҳиди лисон эмасму?»

«Таржимон», 1906, №48

### **Туркистонда мактаб лисони (идорая мактуб)**

«Вакт» ва «Таржимон» жаридаларинда Самарқанд мактаби лисони таҳсиласи бобинда баҳслар ўқулмиш эди. Самарқанднинг тараққийпарварлари орасиндада ойлардан бери лаҳжа баҳслари эдилмақдадир. Ушбу фурсатдан истифода эдарак лисондан ўтри банда бир қоч сатр ёзмок истаюрам.

Туркистонда коин балдалар ичинда Самарқанд, Хўжанд балдалари, Ўратеба, Панжикент, Конибодом ва бошқа бир қоч қасабаларининг аҳли ўзбаккий, тожикчик тилларини таҳсилсиз билиёрлар. Туркистоннинг тоғларинда сокин аҳолининг аксари форсий ва бир оз микдори туркий ила мутакаллимдирки, бунлар турк, барлос ва соир кабилалардир.

Ўзбаккий ва тожикий дедим, туркий ва форсий дагил, яъни форсий ва туркий кадим ва жадид шеваларинда муҳаррири адабий жумлалари фаҳм ва идрокдан ожиздирлар. Анжақ, ғоят маҳдуд омман ва урфан бу ҳолдан мустаснидир. Самарқандда юз қадар маҳаллалар вордирки, баъзисинда ўзбаккий, баъзисинда тожикий ва баъзисинда бу икки лаҳжа

коришиқ сўйланур. Ғарибдурки, қари-қўжа ва авлоддан иборат оилада жўжук онасила тожикий, отасила туркча сўйлар. Жаноб устод, кудуми бахжат лузумингиз шарафила муфтахир ўлан кулбаи факиронамда мавжуд икки оиланинг бириси форсий, дигари туркий ва ҳар бири мухотабина ўз лисонила хитоб эдар. Бу ҳол бутун Самарқандда ҳукмфармодир. Шўйлаки, аҳолимиз ҳар икки лисон ила ифодаи марома кодирдур. Туркистоннинг бошқа балдалари бу хосиятдан маҳрум ўларок ҳаб ўзбакийдир.

Келалим расмият ва идора лисонина. Алон Туркистонда Дору-л-казо ва улус ва вулус маҳкамаларинда дафтарлар ва расмий аврок куллиян туркча ёзилур. Ҳукумата тақдим эдилар арзиҳол ва қоғидлар русча ёки туркча ёзилмалидир. Фақат Дору-л-казолара муфти тарафиндан ёзилуб верилан фатволар форсийча ёзилуб Дору-л-казо котиблари тарафиндан яна дафтарлара туркча қайт ва забт ўлинурки, бу ҳоллар икки тилнингда таҳсила сабаб ва лузум ўлур.

Ёски замондан бери Туркистон, Афғонистон, Бухоро, Хива, Эрон, Қирғизистон орасинда ўлан тижорат ва муносабат ила икки лисоннинг таҳсила хожат ўлмиш. Шимди русчада, баъзан французча дахи лузум кўстарюр. Хонлар замонасина назар эдилурса, маҳкамаи шаръия аврокининг форсий ва хон девонларининг авроки туркий ўлдиғи кўрилур. Бу ҳол ёлғиз Самарқанда махсус ўлмаюб Туркистони Русий ва Туркистони Афғоний, Хива ва Бухоро ўлкаларина ҳам хосдир.

Макотиби қадимада ҳол яна бўйлачадир. Ўқилан ва макдовул китоблар – Навоий, Фузулий, Бедил, Ҳофиз, Саъдий, «Саботу-л-ожизин», «Муроду-л-орифин» ва ғойридирки, баъзи форсий ва баъзи туркий ўлдиғи жумлая маълумдур.

Бу сўнг замонда усули жадида номила ислоҳ эдилмиш ва очилмиш мактаблара келинча, бунлар «Таржимон»и ғарро таъсирила алифбодан интиҳосина қадар туркча дарс вериб, Туркистонда туркчанинг интишорина хидмат қилмақдадир.

Авоил ҳолда лисон дарси хох туркий ва форсий ўлсин – мажбур «табий» суратда янги мактаблара туркча китобларла туркча дарслар верилдиғи форсийлар ичин оғир бир ҳол эди. Бунни мушоҳада этиб, Туркистонда усули жадида монандиға аввал дафъа алифбо ва жуғрофия ва форсий тартиб ва табъ этдирмак мухлисингиз баҳмиға тушди ва модомики Туркистонда туркий ва форсий тили коришиқ, ҳамда

нофиъ суратда қоришиқдир. «Мактуботу-л-атфол» номила мўътадил шевада туркий ва форсий қоришиқ бир иншо рисоласи тартиб ва таъб этдириб, «Тавҳиди лисон» бобинда, муқаддимасинда баъзи ожизона мутолаа ёздимки, баъзи муаллим ва муташаррифларнинг диққатинида жалб этди ва бендан суоллар эдилди. Бу иншо шимдилиқ Туркистон мактабларина оз-оз кирию.

Бу қоришиқ иншо Сирдарё ва Фарғона вилоятлариндаги мактабларнинг ва икки лисона ошно кишиларнинг хушина кедирмиш. Насл хушина кетмасин, кечан сана Фарғона мактаб ва мадрасаларина зиёрата кездигим аснода кўрдимки, дарс китоблари арабий. Муаллим ва мутааллимлар турк ва тақрир эса аксарият ила форсийдир. Аммо янги мактабларина боқилса, сирф татар муаллимларини Бедил ва Ҳофиздан дарс вермая аҳоли мажбур этмиш. Бу одат ҳам музир, ҳам ноқисдир.

Туркистон хонларидан Амири Фарғона Умархон ҳазратларининг «Девони амирия»сина боқиюرمىсиз? Шеърлари, назм ва насрлари ҳаб қоришиқ ўлуб, форсий ва туркий риштаи назм ... таҳрира чегамаздир.

Фузулий, Навоий, «Хамсаи қуллиёт», Фузулий, Ҳувайдо, «Мабдаи нур», Сўфи Оллоёр илах туркий девонлар баъда Ҳофиз, Бедил, Низомий илах форсий девонлар каби манзум асарлар ва ададсиз тасаввуф, ахлоқ, фикҳ ва адабиёт, назм ва наср китоблар Туркистонда форсий ва туркий лисонларини турк ва форсий ақвоми мухталифалари байнинда олтин эди...

Ҳозирги айёмимиза боқалим, матбуоти жадида ва рубъи асрлар бери «Таржимон» воситасила туркий ва адабиёти жадидаи асрия ва эҳтиёжоти мадания ила ошно ашхоси киром орасинда макотиб ва адабиёти жадида муҳаббат ва рағбат хейли ортмишдир. Фикримча, бу истило давом эдар ҳамда ниҳоятсиз давом эдар. Қозон шевасина нисбатан Қрим, Қофқоз ва Усмонли шеваси туркистонлилара асхалдур. Чунки, зотан Туркистон лисони адабияси туркий ва форсий ва арабийдан мураккабдур. Шимол туркларининг лаҳжасина русча қўб махлут ўлмиш ва бизим шевада эса арабий чўқдир.

Туркистон макотиби жадидиянинг «лисони истикболияси» ёинки програм лисониясиндан бир коч сатр ёзалим. Умумрусия мусулмонларинда, Туркистони Русий ва Самарканда усули савтия мактаблари «туркийча» ўлароқ вужуда чикди. Жумла муаллим, устод ва муовинлар туркий «Таржимон» тили соясинда матлаб ва маълумота

ноил ўлдилар. Турк тили ва адабиёти Русия мусулмонларини саййид эдажақдир. Матбуот бунга шохиддур.

Таассуби лисония кўстармиш жаридалара бу кун боқилса кечан санадаги шевасини хейли адабий этдиги кўрилур. Даҳа муқаддамги қабо шеваси хафо ва ... пардасига бурунмиш. Мактаблар ва бутун осор ва расоили жадида иккинчи ва учинчи давра ва таъларинда бу қоида ябарий суратда итоат эдарлар. Бу жабар табиъатдир. Бизда бу табиъата тобеъ бўлиниюрис. Фикри ожизимча, Туркистон макотиби ибтидоиялари дўрт санали ўлуб, лисони форсий ғолиб маҳаллардаги макотибнинг биринчи ва иккинчи саналари форсий ва учинчи, дўртинчи саналари форсий ва туркий мўътадил шевада таълим ва таҳсил этмалидир. Лисони туркий ғолиб маҳалларда эса мазкур усули акс этдириб, икки тилимизни бақосина хидмат этмалидир.

Туркистон муфаттиши граф Паленга ва они мутаддид ёвурлариға макотиби Туркистон бобинда арз ва тақдим эдилмиш лойихаи ожизонамда Туркистон тили туркий ва форсийлиги ва русларнинг занн ва орзу этдиклари хос форсий ўлмадиғини далоили лозима илав кўстардим. Ҳамда «Адабиёти туркия ва форсияни янги фикрлилар янги мактаблара идхол этмишлар» деган суола «Хайр, афандим. Туркистон мактабларинда туркий ва форсий тиллари ва адабиёти янгилар идхол этмади, балки туркистонлиларни ё турк ё форсликлариндан ўтри адабиёти туркия ва форсия азалдан бери ворки, эски мактабларда мавжуд эди. Навоий, Фузулий, Бедил, Ҳофиз, Саъдий ва соирлар бунга шаҳодат верирлар....», дея шафоан ва таҳриран жавоб вермиш эдим.

Лисон ва мактаб масаласинда «Таржимон» муриди бўлиндиғим ва бу масалада аҳволи миллиямиза мувофик бўлиндиғим мастур дагилдир.

Самарқанд муаллимлари орасинда мактаб програмини сирф форсий этмак тарафдориде вордир. Туркий програм орзу эданларда вордир. Лекин Тошқанд ва Ҳўқанд муаллимлариндан аксарияти мактабларини икки лисон узра бино этмақдадир.

Туркистон муаллимари таъгилда жамъ ўлуб мажлис этса эдилар чўқ хайрли ўлурди. Чунки ихтилофи програмдан ихтилофи масолик ва ихтилофи маълумот ва ондан эса нифоқ туғар.

**Муфти Дору-л-қазо Маҳмудхўжа бин Бехбудхўжа. Самарқанд.  
«Таржимон», 1909, №14, 21**

## МУНДАРИЖА

### Илмий мақолалар

<i>Р.Н. Шигабдинов. Пробуждение Туркестана (новые документы о политике Российской империи)</i> .....	3
<i>Наил Каримов. 40-50 йиллардаги мафқуравий кампаниялар ва қатағон</i> .....	15
<i>Бахтиёр Ҳасанов, Баҳрам Ирзаев. Файзулла Хўжаев асарларининг советларнинг қатағон сиёсати тарихини ўрганишдаги аҳамияти</i> .....	41
<i>Рустамбек Шамсутдинов. Политические репрессии немцев в Узбекистане и их судьбы (1937–1938 гг.)</i> .....	54
<i>Равшан Назаров. К истории репрессированных этносов (на примере турков-месхетинцев)</i> .....	80
<i>Валерий Германов. Михаил Филиппович Гаврилов</i> .....	106
<i>Замира Ишанходжаева. Об экспертном заключении «Эльбек»</i> .....	124
<i>Адолат Раҳманкулова. Депортация корейцев, крымских татар и турков-месхетинцев в Узбекистан (1937–1944 гг.) и их сравнительный социально–правовой статус</i> .....	138

### Хужжат ва материаллар

<i>Наил Каримов. Боис Қориев (Олтой)нинг ўз кўли билан ёзган кўрсатмаси</i> .....	150
<i>Сирожиддин Аҳмад. Нашрга тайёрловчи. Салимхон Тиллахонов</i> .....	166
<i>Узлатда битилган хотиралар</i> .....	174
<i>Муродилла Ҳайдаров. Комментарий к некоторым первоисточникам по истории Узбекистана</i> .....	218
<i>Бахаведин Алланязев. Кириш сўз муаллифи ва хужжатларни нашрга тайёрловчи</i> .....	233
<i>Бахтиёр Ҳасанов, Баҳрам Ирзаев. Кириш сўз муаллифи ва хужжатни нашрга тайёрловчи. Қори Ёкубовнинг СССР Бош прокурори номига ёзган аризаси</i> .....	262
<i>Зайнобиддин Абдурашидов. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг ташқи даврий матбуотдаги публицистик фаолиятига бир назар</i> .....	270

*Илмий-оммабон нашр*

## **ТАРИХНИНГ НОМАЪЛУМ САҲИФАЛАРИ**

*Илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар*

Мухаррирлар: *И. Зойиров, Л. Казакова*  
Бадий муҳаррир *Ш. Мирфаёзов*  
Техник муҳаррир *Т. Смирнова*  
Мусахҳилар: *Д. Тўйчиева, Ф. Ортиқова*  
Компьютерда саҳифаловчи *А. Сулаймонов*

Нашриёт лицензия рақами А1 № 154. 14.08.09.  
2013 йил 01 августда босишга рухсат этилди.  
Бичими 60x84  $\frac{1}{16}$ , Times New Roman гарнитураси. Офсет босма.  
16.28 шартли босма тобок. 14.5 нашр тобоғи.  
Адади 500 нусха. 268 рақамли буюртма.  
Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди.  
100128. Тошкент. Шайхонтохур кўчаси, 86.

Телефон: (371) 241-25-24, 241-48-62, 241-83-29  
Факс: (371) 241-82-69

*www.gglit.uz, e-mail: iptdgulom@sarkor.uz, info@gglit.uz*

УЎК 008(575-1)  
КБК 63.3(5Ў)6  
Т-24

**Тарихнинг номаълум саҳифалари:** илмий мақолалар, ҳужжат ва материаллар, хотиралар: Китоб 4/таҳрир ҳайъати: Ҳасанов Б.В. [ва бошқ.]; муҳаррирлар: Б.Ҳасанов, Н.Каримов; Шаҳидлар хотираси жамоат фонди; Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси; Қатағон қурбонлари хотираси музейи. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2013. 280 бет.

УЎК 008(575-1)  
КБК 63.3(5Ў)6

ISBN 978-9943-03-549-2